

*Республика Маънавият ва маърифат маркази
Сурхондарё вилоят бўлими*

Н. РАҲМАТУЛЛАЕВА

БАДАШ

(Маънавият ва маданият сарчасимаси)

«RENESSANS»
ТОШКЕНТ
2022

УЎК 78:398(09)(575.151)

КБК 85.31г

Р 30

Муаллиф
Наргиза Раҳматуллаева

Илмий маслаҳатчи
педагогика фанлари доктори, профессор
Муҳаммаджон Қуронов

Ушбу китоб Сурхон воҳасида қадимданоқ миллий мусиқа санъатимизнинг «Бадаш» деб номланган тури мавжуд бўлгани, унинг аҳоли, жумладан, ёшлар маънавиятида тутган ўрни, ҳозирги миллий маданиятимиз юксалишидаги аҳамиятини ўрганишга бағишланган.

Аниқроқ қилиб айтганда, илк аجدодларимиз томонидан яратилган миллий мусиқа ва кўшиқ оҳанглари ўрганиш асосида унутилиб кетаётган мусиқа йўналишини тиклаш, оммалаштириш ва ривожлантириш ёшлар тарбияси, камолотида муҳим ўринга эга эканлигини кенг жамоатчиликка тарғиб этишга қаратилган.

ISBN 978-9943-6811-3-2

© «Renessans» нашриёти, 2022

СУРХОННИНГ НОЁБ МАДАНИЙ МЕРОСИ

Жахон тамаддунининг кўхна бешикларидан бири бўлган Сурхон воҳаси нафақат ўзининг бой тарихи, такрорланмас урф-одат, кадриятлари, балки қадимий мусиқа санъати билан ҳам ажралиб туради. Воҳада халқимизга хос миллий кадриятлар, удумлар, маросимлар, ноёб халқ оғзаки ижоди, кўплаб тарихий обидалар, бой маданий ва маънавий мерос намуналари бугунгача сақланиб қолган ва улар дунё олимларини ўзига оҳанграбодек жалб этиб келмоқда.

Хусусан, ўлканинг археологик ёдгорликлари бир неча йиллардан буён қатор хориж олимлари томонидан ўрганилмоқда. Эски Термиз, Қоратепа, Фаёзтепа, Далварзинтепа, Жарқўтон сингари обидалар дунёга донг таратди. 2001 йилда эса ЮНЕСКО Бойсунни «Инсониятнинг оғзаки ва номоддий кадриятлар макони» сифатида эътироф этди. Ваҳоланки, ушбу юксак эътирофга дунёдаги 19 тагина ҳудуд сазовор бўлган, холос. 2002 йилдан бошлаб «Бойсун баҳори» очик фольклор фестивали ўтказила бошланди. Ҳақиқатан ҳам Сурхон воҳасида этнографик манбалар ниҳоятда кўп ва ўзига хос хусусиятларини ҳанузгача сақлаб келмоқда. Жумладан, этнография, фольклор, халқ амалий санъатининг ҳали очилмаган қирралари кўп бўлиб, уни илмий жиҳатдан ўрганиш бугунги куннинг бош вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Сурхон миллий мусиқа санъатининг қадимий турларидан бири бўлган Бадаш ҳам ана шундай тарихий теран илдизларга эга меросларимиздан. Яқин 5–10 йил ичида бу санъат ҳақида деярли ҳеч қандай маълумотга эга эмас эдик. Аниқроқ қилиб айтиладиган бўлсак, санъатнинг ушбу тури унутилиш арафасида турган эди. Аммо фидойи инсонларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ноёб санъат тури сақланиб қолди. Ушбу қадимги санъат турини қайта ривожлантириш ва оммалаштириш учун эса барча маълумотлар умумлаштирилиб, китоб ҳолатига келтирилган.

Маълумотлар ота-боболаримизнинг маданий турмуши, бадаш санъатининг тарихи, деҳқончилик маросимлари, миллий спорт ўйинлари, тарихимизнинг ҳали ўрганилмаган саҳифаларини камраб олган.

Сурхондарё маънавий хазинасидан ўрин оладиган Бадаш санъати воҳада ижтимоий маънавий муҳитни яхшилаш, энг муҳими, аҳоли, хусусан ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда хизмат қилади.

Тўра Боболов,

Сурхондарё вилоят ҳоқими,
вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши раиси

БАДАШ САНЪАТИНИНГ ТЕРАН ИЛДИЗЛАРИ

*Қўлга олиб доирани,
Бадашдан нагма чаласиз.
Лол қолдирибон даврани,
Ҳижрон сеҳрига оласиз.
Тоглар бошида туманма,
Ангор томонлар келама.
Бадаш чалсангиз бувижон,
Ёмғир ёғиб ўтама.*

*Бадашни чалинг бувижон,
Дуторим қўшиб чалайин.
Ота-онам мисли маржон,
Даврага уларни чорлайин.
Авлодлар олиб ўтай,
Устоз-шогирд анъанасин.
Жаранглаб тургин то абад,
Маст қилсин бадаш сеҳри.*

Сурхондарё вилояти нафақат ўзининг бой тарихи, урф-одатлари, анъана ва қадриятлари, балки инсоният тарихида илк мусиқа санъати шаклланган ҳудудлардан бири экани билан ҳам мутахассислар эътиборини қозониб келмоқда. Кейинги вақтларда олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар воҳада мусиқа санъати қадимдан мавжуд бўлганини кўрсатди. Бунга Айритом археологик обидасидан топилган тарихий ашёлар мисол бўлади.

Олимларимизнинг изланишлари натижасида Сурхон заминида азалдан «Бадаш» деб номланувчи ўзига хос мусиқий йўналиш мавжуд бўлганлиги, у халқ ижодиётининг ноёб намунаси сифатида миллий мусиқа санъатида муҳим ўрин тутиши илмий жиҳатдан асослаб берилди.

Ушбу қадимий санъат тури халқ кўшиқларининг билимдони Адолат Қўнғиротова ҳамда бир гуруҳ этнограф, тарихчи мутахассислар, хусусан, Термиз давлат университети Тарих факультети «Жаҳон тарихи» кафедраси катта ўқитувчиси И. Умаров томонидан узоқ йиллар давомида ўрганиб келинмоқда.

Ўзбек миллий мусикасини халқ оҳанглари билан боғлаган, мусика ва кўшиқ ижодкори Адолат Қўнғиротованинг бадаш саънати тиклаш бўйича олиб бораётган ижоди алоҳида аҳамиятга эга. Унинг тинимсиз изланишлари, машаққатли меҳнати эвазига халқ мусика санъатининг нодир бойлиги яна қайта халқимизга тортиқ этилди. У Ангор тумани маданият уйи мудири лавозимида ишлаб турган вақтидаёқ Ангор ва Музработ туманларида кўплаб халқ ансамблларини ташкил этди. Бу ансамбллар ўз концерт дастурларини намойиш этиб, санъат ихлосмандлари олқишига сазовор бўлди, туман, вилоят ва республика фестивалларида қатнашишди.

Адолат момо «Бадаш» мусикасини онаси Турсуноибидан ўрганган. Маълум бўлишича, бадаш, асосан, тоғлик халқлар томонидан ижро этилиб, ҳозир Шеробод туманида сақланиб қолган.

Бадаш тўрт усул: оҳанг, куй, нола, нағма (наъма)нинг биргаликда доира билан ифодаланишидан ҳосил бўлади. Аниқроғи, бу 15–20 нафар (ундан кўп бўлиши ҳам мумкин) аёлнинг доиралар жўрлигидаги оҳангдир.

Бадаш халқ урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи, яшаш шароити асносида вужудга келган. У, асосан, даф (доира) чолғусида ижро этилиб, баъзан ангишвона, қошиқ, сопол идишлардан ҳам жўровоз сифатида фойдаланилган.

Бадаш йўналишида Сурхон воҳасининг Кўҳитанг тоғ ёнбағрида яшаган аҳоли (Кўҳитанг хатакилари) ижод қилган. Кўҳитанг аҳолисининг доира бадашида ноталар вазифасини «биж-дон-да, биж-дон-биж» садолари бажаради. Мусикашунос олим ва мусика мутахассислари билан биргаликда бадаш куйини ҳозирги мавжуд еттиталик нотага тушириб кўришди, аммо натижа чиқмади. Бу ҳам бадашнинг ўзига хос ноёб санок тизимига эгалигини кўрсатади.

«Бадаш» атамаси энг қадим аждодларимизнинг сўзлашув истеъмолида бўлган «бадар» сўзи билан боғлиқ бўлиб, у «енгил шовқин»: «урмоқ»: badar qil – «мушт билан урмоқ» каби маъноларни англатади.

Бадаш – оҳанг, куй, нола, нағма (наъма) сингари тўрт усулнинг биргаликда даф (доира) орқали ифодаланишидан ҳосил бўлади. Ҳар бир усул бир нечта қисмдан ташкил топади.

Оҳанг 3–7 ёшдаги болалар, мактаб ёшидаги болалар, ба-
лоғат ёшига етган қизлар, катта ёшдаги аёллар, йигитлар ва
ёши улуғ эркакларнинг овоз чиқариб куйлашидан яралади.
Ижрочилар ёши ва жинсига қараб жами олти қисмдан иборат
бўлади.

Куй танбур, чанг, рубоб, дутор, афғон рубоби, қонун чан-
ги сингари чолғу асбоблари воситасида ҳосил бўлади. Унда
ишлатиладиган мусиқа асбоблари сонига қараб, у ҳам олтига
қисмдан ташкил топади.

Нола оғизга кўйиб чалинадиган мусиқа асбоблари – чанко-
вуз, сибизик (сибизга), хушпуллоқ (пуфланиб чалинадиган
чолғу асбоби) воситасида берилади. Хуштак лойдан ясалади.
Нолада ишлатиладиган мусиқа асбоблари сонига қараб, тўртта
қисмга бўлинади.

Нағма дўмбира, рубоб, ғижжакнинг чалинишидан ҳосил
бўлади. Бахшилар дўмбирасининг нағмасидан чиққан куй ашу-
ласи билан бирга янграйди. Унда учта мусиқа асбоби ишлата-
лади. Шу боис у учта қисмдан иборат бўлади.

Хуллас, бадаш – жами ўн тўққизта қисмдан ташкил топади,
куйда ҳам, нағмада ҳам рубоб сози ишлатилади. Аммо бундан
асосий қисмлар сони ўн саккизта экан деб хулоса чиқармаслик
керак. Негаки, бадашнинг асосий чолғу асбоби доира ҳисобла-
нади, доира билан бирга бадаш ўн тўққизта қисмни бирлашти-
ради.

Маълумотларга кўра, XX аср ўрталарига қадар Ўрта Осиё
худудида бадашни фақат Кўҳитанг тоғидаги Боғлидара, Тан-
гидевон, Хатак, Хўжанқон, Зараутсой, Бедак ва бошқа қи-
шлоқлар аҳолиси ижро этиб келишган. Қадимда бадашнинг
70 га яқин тури мавжуд бўлган экан. Шулардан 50 га яқин
тури доира билан ижро этилган, бизгача 20 та тури етиб кел-
ган. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, доира бадашини кўрсатиб
ўтилган худудда мусиқа санъати йўналишида асосий тур бўл-
ган, деб ҳисобладик.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кўп йиллар давомида
«Бадаш», умуман, мусиқа санъати деб юритилган. Халқ ме-
роси, маданият ва маънавият тушунчалари, оталар сўзи син-
гари дидактика ҳам бадаш сўзи билан ифодаланган. Азалдан
мавжуд бўлган ўзига хос бу мусиқий маданият маҳаллий халқ
ҳаётининг барча соҳаларини ўзида акс эттирган, яъни у аҳоли-

нинг кундалик турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиб келган.

Авваламбор, бадаш тарқалган тоғ қишлоқлари ўзларининг қадимий тарихи билан шуҳрат қозонган эди. Хусусан, тош асрига оид Зараутсой қоятош суратлари ҳам шу ерда жойлашган. Пошхурд яқинидаги Тиллабулоқ ва Орабулоқ тепаликлари бағрида милoddан олдинги бронза даври аҳолисининг манзилгоҳи аниқланди. Ўзбекистон–Германия қўшма экспедицияси аниқлаган кўп сонли экспонатлар орасида илк давлатчилик тарихига доир ёғоч, мармар ва бронзадан ясалган бешта муҳр ҳам бор эди.

Кўҳитанг тоғининг шарқий қисмида, яъни ҳозирги Шеробод туманидаги Жарқўтон археологик ёдгорлиги ҳам бронза даврига оиддир. Узоқ йиллар давомида олиб борилган қадимшунослик (археологик) қазишмалар жараёнида Жарқўтондан юксак даражада ривожланган кулолчилик, бронза эритиш ва қуйиш устахоналари, заргарлик ва меҳнат куруллари ишлаб чиқариш устахоналари, пахта ва ипак маҳсулотлари хомашёсига асосланган тўқимачилик ҳунарининг ашёвий далил ва қолдиқлари топилиб, аниқ таҳлил қилинди.

Бундан ташқари, Шеробод воҳасининг тоғ олди худудларида Каттатапа, Боботепа, Ҳилинчак тепа (XV аср), Қофирқальа (мил. I–VIII асрлар) ва Қуллуғшоҳтепа (I–XVI асрлар), Кўҳитанг тоғининг ўзидаги Чўянкон, Пошхурт қўрғони, Чўянтумшук, Тангидевон қальаси, Совурачча қальаси, Лўнгитепа сингари тарихий ёдгорликлар турли даврларда асос солинган аҳоли манзилгоҳлари ҳисобланади. Араб истилоси арафаси (VII–VIII асрлар)да Шеробод воҳасида Қуфтан мулклиги мавжуд бўлганлиги тарихий манбаларда қайд этилган. Кампиртепа яқинидаги Чўянкон, Хўжанкондаги Чўянтумшук ва Зараутсой темир ва чўян эритадиган йирик марказлар бўлган. Хомкон ва Хўжанкондан ош тузи, Зараутсойдан тошқўмир қазиб олинган. Кампиртепа ва Зараутсой гранитларидан тегирмон тошлари тайёрланар эди. Тангидевонда курулсозлик тараққий этган, бу ерда юқори сифатли порох олиниб, Бухоро амирлиги қўшинларига етказиб берилар эди.

Кўҳитанг тоғининг Шўробдан то Хомкон, Тангидевон ҳамда Қизилолмагача бўлган қисмида йилкичилик юқори даражага

етган эди. Бу худудда турли от мусобақалари учун мўлжалланган зотдор отлар етиштирилар эди. Бу отлар ўзининг чидамлилиги ва чопкирлиги билан бошқа худудларда етиштирилган отлардан анча ажралиб турган.

Юқоридагилардан келиб чиқиладиган бўлса, бадаш санъати хунармандчилик, чорвачилик, йилқичилик, деҳқончилик, боғдорчилик, савдо-сотик, ирригация тизими ва шаҳар маданияти юксак тараққий этган худудда шаклланганлиги маълум бўлади.

Бадашнинг кечки пайт катта гулхан атрофини айланган ҳолда ижро этилиши унинг ибтидоий эътиқодлар билан боғлиқлигини кўрсатади. Бадашда фақат аёлларнинг иштирок этиши унинг қадимги туркий муҳитда вужудга келганлигига ишорадир. Сибирда яшовчи туркий элатларда аёлларнинг доирани таёқ билан уриб рақсга тушишлари бугунги кунга қадар сақланиб қолганини эсласак бўлади. Қолаверса, Термиз шаҳри яқинида Айритомдан топилган фризда чилтор, рубоб ва дўмбира чалаётган аёлларнинг тасвирланиши бадаш санъатининг илдизлари қадимги Бақтрия маданиятига бориб тақалиши ва бундан 2–2,5 минг йил олдин ўлкада кенг тарқалганлигидан далолат беради.

Бадашнинг яна бир ўзига хос жиҳати, унинг ноталарга эга бўлганлигидир. Бадаш ноталарида қадимги турклардаги қам (шаманизм) дини белгилари яққол сезилади. Чунончи, бадашдаги иждиби, биж, бодиба сингари оҳанглар қадимги туркийча *beduk* – улкан, катта, *bebi* – улуғланмоқ, кўтарилмоқ, *beuk* – юксак, *bogu* – доно, *idi* – хўжайин, *ibi* – эгам (Худо), *iduc* – муқаддас, авлиё сингари сўзлар билан алоқадор. Ушбу оҳангларнинг қадимги маънолари – тангри, юксаклик, тангрининг жамолига эришиш. Шу йўл билан бадаш исломиятдан олдин халқ дилидаги орзу-ниятларни худога етказишга интилган.

ИЛМИЙ-ЭТНОГРАФИК ЭКСПЕДИЦИЯ ТАФСИЛОТЛАРИ

Педагогика фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Қуронов билан ўзбек миллий санъати намунаси бўлган «Бадаш» мусиқа турини ўрганиш мақсадида илмий-этнографик экспедиция уюштирдик. Термиз шаҳридан Ангор туманига

қилган сафаримиз давомида манзилга етиб боргунга қадар, ўзаро мавзу юзасидан суҳбатлашиб кетдик.

Дастлаб Ангор туманида истиқомат қилувчи Адолат момо Кўнғиротова ҳозирги кунда 80 ёшдан ошганлиги, кўп йиллардан буён Адолат момодан мавзу юзасидан кўплаб мақола, кўрсатув қилиб келганимни айтиб ўтдим. Шундан сўнг онахон билан суҳбатлашганда қандай саволларни беришимиз кераклигини келишиб олдик.

М. Қуронов: Биринчидан, сиз кўрган бадаш қанақа эди, ёшлигингизда, 5–10–12 ёшлар чамаси бўлган чоғингизда кўрган бадаш қанақа эди? Иложи борича узокроқни кўриб олишимиз керак, ана шунда, Адолат онамиз унутган нарсаларни ҳам у кишининг хотираси орқали кўлимизни узатиб тортиб оламиз. Кўпроқ эслашга ундашимиз керак. Онахоннинг тафаккурини фаол ишлатган ҳолда XX аср бошларигача борамиз.

Кўриниши қанақа эди бадашчиларнинг? Кийиниши қанақа бўлган? Ёши нечада эди? Ҳамма бадаш чалиши мумкин эдими ёки йўқ? Нега? Доира-чи? Доира дейилганми, дапми ёки даб дейилганми? Дап сўзининг маъноси нима? Менимча, қирқта шилшиласи бўларди дапнинг. Ва, албатта, шилшила билан зарб кўшилиб чиқса, уйғун бўлади.

Яна нима сўрашимиз керак?!

Энг зўр бадашчилар ким эди? Сизнинг ўсмирлик чоғингизда, 12–15 ёшингизда кимлар эди ўша бадашчилар? Нечта аёл чалган, қачон чалган эди? Эрталабми, тушдами, кечкурунми? Менимча, кечкурун, ўртага олов ёқиб атрофида бадаш чалиб ўтиришган.

Бизнинг қишлоқда, Қўшработда шундай эди-да.

Мен ҳозир бориб чалиб кўрсатаман, ўша бизда чалинган зарбларнинг фарқи бор экан, сизлардагидан. Бизда 5–7 нафар аёл ярим айлана бўлиб олиб, атлас, шойи матолардан кийимлар кийиб, рўмолларни ўраб, ҳалиги пуфакларини тақиб олиб чалар эди. Бундан ташқари, аёллар доираси билан эркаклар доирасининг фарқи бўлган. Эркаклар чаладиган доира қалин, оғир бўлган. Аёллар дапининг қасноғи юпқа, худди қайишга ўхшаган, бироз қайишдан қалинроқ бўлади. Айлана қилиниб, миҳ билан қоқиб, парда тортилади.

Кейин, биз Адолат онахондан сўрашимиз керак. Дапнинг териси нимадан эди? Ва нега? Сиз бадашни неча ёшингиздан ўргана бошлагансиз? Сизга ким ўргатган? Бадаш бошлаш олдидан дуоми, тилакми, бирор гап-сўз айтилганми? Ёки туғашидан кейин айтилганми? Бадаш чалган аёлларга тўй-маъраканинг эгаси бирор нарса берганми, йўкми? Бадаш қандай маросимларда чалинган? Уйланиш тўйларидами, суннат тўйларидами ёки яна қанақа тўйларда чалинган? Мисол учун: жилбоши, наврўзда. Қишда чалинганми, куздами, ёздами ёки баҳорда? Шуларни сўраб олишимиз керак.

Неча хил бадаш бор? 1, 2, 3, 4, ...5 хил. Уларнинг бир-биридан фарқи нимада?

Сиз билан бирга бадаш чалган аёлларни бир эсланг, мисол учун, исми-шарифини. У аёл ким, нима иш қилган, қачон туғилган, қандай одатлари бор эди? Уларни бадашчи деган ном билан аташганми? Масалан: фалончи бадашчи дейишганми? Сизни-чи? Адолат бадашчи дебми? Нега бадаш сўзини кўшиб айтишади? Фақат дап чалганингиз учунми ёки бошқа томони ҳам борми?

Дапни қаердан олгансизлар? Кимлар ясаган уни? Термизда дап усталари бўлганми? Бўлган бўлса қаерида яшаган улар? Дап ясаган усталарда бирор-бир ирим-сиримлари бор эдими? Бадашни ҳам ирими бўлганми?

Энди, албатта, Наргизахон, бадашни нотага ёзмасангиз, бу йўқ бўлиб кетади. Видеога ёзсангиз яхши, лекин нотага ёзиш керак-ку, ана ўшанда сиз нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунёга тарғиботга чиқишингиз мумкин. Бу дегани, ўзбек маданияти оламга ёйилади.

Адолат онанинг қилган ишларига холисона ёндашув бўлади. Холис ёндашув дегани, илмий ёндашув дегани.

Кейин, бадашда нима ўзгариш рўй берди, деб ҳам сўрашимиз керак. Илгари қандай бўлган эди-ю, ҳозир қандай? Бир тасвишлаб беринг, онахон, дейишимиз керак. Бадаш кимлар иштирокида чалинган, кимлар қатнашган, қатнашувчилар неча кишигача бўлган? Кимлар ўртага чиқиб ўйнаган? Ўйинни ким бошлаб берар эди?

Н. Раҳматуллаева: – бадашни ижро этишдан олдин, унинг мақсади айтилар экан, кейин тарихи ҳақида сўзлаб берилар экан. Даврага чиққан бошловчи, кайвони аёл томонидан.

М. Қуронов: – Бадашга бағишланган маданий-маърифий тадбирда шундай қилишган бўлса керак, лекин 50 йил олдинги бадаш қадим аждодларимиздан қолганми, йўқми шуни билишимиз керак.

Н. Раҳматуллаева: – Масалан: куёв келди бадаш бўлган бўлса, аразда бадашнинг тарихи айтилган экан.

М. Қуронов: – Энди шундай, сиз савол берасиз, куёв келди, бадаш нима, дейсиз. Бошқа ҳеч нима деманг. Араз бадаш қанақа эди? Бу иккисининг бир-биридан фарқи нимада, деб суҳбатлашишимиз керак. Токи Адолат онахоннинг ичида нима бўлса, ҳаммасини олиб кетишимиз керак. Ҳамма билимларини. Ана шунда бугунги экспедициямиз ўз мақсадига эришган бўлади.

АДОЛАТ МОМО ХОНАДОНИ

М. Қуронов: – Адолат момо, неча ёшдасиз?

Адолат момо: – менми, 1932 йилман, касалхонага тушганман, ўшанда ҳам, ҳозир ҳам касаллик тарихим бўлмаган.

М. Қуронов: – нега йўқ?

Адолат момо: – касаллик тарихим йўқ. Худонинг одами, деган касалхонадагилар ҳам, Адолат опа худони одами, дейишган, «историям» йўқлиги учун.

Наргизахон, табриклайман, кўп ишларни қилдингиз, ишга ўтдингизми? Қаерга?

Н. Раҳматуллаева: – Вилоят Маънавият ва маърифат бўлими раҳбари бўлиб ўтдим.

Адолат момо: – худога шукур, ўзингизга лозим бўлиб юринг, маданиятга юрдим деб. Беҳаё бел боғласа – бечора қочмоқ керак. Ўзингизнинг соянгизга қараб, ўша ташкилотнинг ҳавосига қараб қадам босинг, ўйлаб босинг, энгиллик қилманг. Биров келиб ҳаҳ деса, илиб ёқасидан олманг.

М. Қуронов: – Беҳаё бел боғласа – бечора қочмоқ керак. Нима дегани бу?

Адолат момо: – Шерободнинг тоғида бир қабила бўлган, Хўжайқон ота дейди. Мол тиласанг хужулқон, бош (одам) тиласанг – Хўжайқон. Султон Хўжайқон ота. Бориб зиёрат қилиб қайтсангиз, ҳалол-пок одам бўлсангиз, ўшанда нима тиласангиз бўлар экан. Мисол учун, менга эгизак ўғил бе-

ринг, тасаддук бўлай, десангиз – берар экан. Менга бир нарса кам бўлди, элдан кам бўлмай, мени ҳам шу эл қатори кўринг, десангиз ўша бўлар экан-да, бизни кишлоқда, Хўжайиқон отада.

Ўшандай сиз ўзбекнинг қизи, ўзбек урф-одатини ҳеч қачон тепкилаб, майдалаб ўтиш керак эмас.

М. Қуронов: – Ўзбек урф-одати яхшими? Яхши-а, ўзбек урф-одати?

Адолат момо: – Ўзбек урф-одати яхши-да, оға, мана бир хилларда ҳаё йўк, ўйлов йўк. Ҳа, энди ўзбегимиз ўйлайди, нима бўлади, қандай бўлади деб, бу ким деб. Ўзингни эр билсанг – ўзгани шер бил.

Н. Раҳматуллаева: – Бадашчи момо бор экан, бир таништириб қўйсангиз деб, бадашни олиб чиққан момони бир бориб кўрайлик, деб азим Тошкентдан бир профессор етиб келибдилар, сизни овозангиз Тошкентга етибди-да. Жуда катта ишлар қилганингизни айтиб келдим, йўл-йўлакай устозга.

Адолат момо: – энди қаранг, бу одам энди эшитибдилар, бадашни, оғам, 17 тури бўйича раҳбаримиз кўрик ўтказдилар. 17 та халқни меросини, ноласини ажратиб берасан, дедилар. Маданият бўлими мудирини бўлиб ишлаб, 38 йилда пенсияга чиқдим. Худога шукур, обрўли бўлиб, областга юбелий қилиб берди. Республикага бориб сизга ўхшаган 7 та, ҳалиги, телевизорда комиссияси бор экан. Клуб совети ўшалардан ўтиб, ўша ёққа бориб биринчиликни олиб, медаллар олиб келдик. Шу турга қаранг, оға, шу турга, шу хаваскорликни обориб юрибмиз. Низом чиқардилар, менга шу халқни шевасини алоҳида, ноласини алоҳида шева турма-тури бўйича ажратиб берасан, деди. Шу Низомга ёзилган бу. Шундай хушёр бўлингки, ўша бир керакли бир гап бўлса шундай мен дарров ёзиб олар эканман-да. Менда бор экан-да. Дарров ёзиб олар эканман. Менга қолар экан. Ўшанда сиз ҳам, насиб бўлса дегандим-ку, дуо бердим. А, мен ўйлайман-да, нима бўлади, қандай бўлади. Бу кишига шу гапни гапирсамми, маъқулми-йўқми. Масалан: сизга шу гапни гапирсам, таклиф қилсам маъқулми-йўқми деб? Ўйлайман-да. Кейин ҳалигилар нима қилибди денг, ҳамма сизга ўхшаган, менга ўхшаган директорлар шу ҳамма кийимни, бахмалли кийим, ўхчалик этик, эски салла кийимни қизил, яшил тиктириб, кийдириб, қозоқча, тожикча, ана шу эскиникини,

бу козоқники, бу татарники, бу ўзбекники дейишиб бир маҳал қизил, яшил қилиб, оғам, биз тайёр деб борибди. Сизга ўхшаган профессор одам келибди. Қани, ҳайда, ҳайда, ҳайда билан қизил, яшил кийимларни кийиб ўзининг концертини қўйиб юрибди-ку пахта дала-шийпонда. Ана ўшаларга кийим кийдириб, ўшаларни бериб юборибди. Энди мен ўйлайман, ўйлайман, ҳаваскорлик қилиб юрибмиз. Шу ўқишни битириб, онадан туғилгандан бери ҳаваскорлик қиламиз. Ашула айтамиз, ўйнаймиз, чаламиз.

Кейин мен нима қилибман денг, энди худо йўл кўрсатган-да, ўзим соғлом, чиройли эдим.

М. Қуроно: – неча ёшда эдингиз ўшанда?

Адолат момо: – ўшанда 20–30 ларда эдим чамаси.

М. Қуроно: – кейин нима бўлди?

Адолат момо: – кейин, оғам, ҳалиги Низомни олдим, бу аввалги сценариялардан эмас, аввалги топшириқлардай эмас, бу алоҳида, бошқача, ҳамма меросни гапи, бу Термизнинг гапини Шеробод олмасин, Қизирикни тўнини Хўжайиқон киймасин, ана шундай ёзганлар. Ҳалигини олиб мен энди қараябман. Ўқиб ётибман-да, Низомни овоганман. Дафтарчада умуман бошқа, мен айтдим, адабий тил қўшилиш керак эмас экан, кўрдингизми? Бирдан миямга қуйилди, худо берганда, худо берган бўлмаса бир келинчак қаердан билади. Ҳа дедим, энди шуни ўйлаб ётибман. Ҳеч бу адабий тил қўшилиши керак эмас, газетани тили, радио, телевизорни тили қўшилиши керак эмас. Ўша халқни қандай шеvasи бўлса, ўшани олиб чиқиш керак Низомга. Қаранг, шуни овоганимга қаранг, ҳеч кимга айтмайман, ҳеч кимга кўрсатмайман ҳалигини. Саҳардан бораман бу кишига қоровул бўлиб, опа, келдингизми? Нимага 3 кундан буён кайфиятингиз йўқ опа, эй оғам, подшо Низом ёздилар, ҳа уни қандай бажарамиз дейман. Кулиб мен у ёққа кетаман. Эй шуни билан гапнинг қисқаси, оға, бир ойдан кейин мени чақираябдилар, Маннон Уйғур театрига. Маданият ходимларини Кенгашига министрдан келган одам кўрик ўтказдилар, кийими, этиги, салласи, ҳар хил бўлиб ётибди, Ангорни тўнини Шеробод кийган, Шерободни тўнини Олтинсой кийган, аралашиб ётибди. Кейин, ким қолди, ким қолди дейишганда охирида Ангор қолганди, Низомга тўғри келмаганди, қандай ёзасиз, ўзингизни меросингизни олиб боришингиз керак-да. Охирида

мени чақирди, ўртоқ Қўнғиротова, идеалогия опком секретар, маданиятни бошқарадиган учинчи райком секретари, қани ўртоқ Қўнғиротова, сизга биронта индайдиган киши борми, нимага Ангор қўриққа қатнашмади, – деди, 25 нафар одам министрликдан келган, кейин президемга чиқинг, – деди. Сахнага чиқдим, қўлимда блокнотим бор, блокнотни ичида бояги Низом бор, мендан нимага топширмадинг, деб сўради. Жим бўлиб қолдим, эгнимда ўзбекча атлас, жуда чиройли эдим, қани нимага топширмадингиз, 11 райондан келган, шунча одам бор, сиз нимага топширмадингиз? Кейин мен шундай қарадим-да – ўртоқ Холбой Қодирович, сиз хато қилдингиз, дедим. Мен топшираман, дедим. Мен шероботликман, Хўжайиқонни хатақини исмини, расмини, қоидасини меросини олиб чиқаман, – дедим, мана Низом, дедим. Мана шу Низомни точка, вергулига қадар жавоб бераман, – дедим. Буларни қайси ансамбль Низомга асосан топшира олди, жавоб бера олди, қайсини Низомга асосан қабул қилдингиз, мана шу Низом асосида топшираман, – дедим. Ҳалиги гапларим уларни тешиб ўтиб кетди, ана шунда қаерга оёғингизни босишни билмай қоласиз, дедим, мен Шеробод районининг қизи Хўжайиқончиман, дедим.

Ҳозир олдингизга қадимий меросини, оҳангини, қоидасини, исмини олиб чиқаман, дедим. Ана ўшанда биласиз, дедим. Қўлимдаги Низомни беринг деб, Холбой Қодирович қўлимдаги Низомни олиб ўқиб чиқиб, кутамиз, – деди. Турмуш ўртоғим райкомда орг отдел, укалари редактор бўлиб ишлайди. Келганимдан кейин эшитсам, улар ҳамма оҳангни олишган, лекин меникини олишмаган, – дедим.

Ота-онамлар ҳам ўқимишли одамлар бўлишган. Шу кеча уйга қайтганимдан сўнг ухламай йиғлаб чиқдим, оғир аҳволда ўтирибман. Кейин тонг отганда ҳаммаёқ, кўм-кўк эмаскан-а, оқ-кўк бўларкан, осмонга қараб йиғлаб ўтирганимда бир овоз келаяпти-да, ўнта доира, дап, ўнта чанқовуз, бир томонда доира овози, бир томонда чанқовузни овози, яъни бидом бодуба, биждом биждуба, деган оҳанг янгради. Шундай қилиб, бу ўйин бадаш экан, соат 7:30 лар эди, кейин идорага югурдим, қоровул нима бўлди, деб сўради. Мен олдимга ҳеч ким кирмасин, дедим-да, бояги куйни ёзиш билан шуғулландим. Хўжайиқонди қоидасини, оҳангини, ноласини ёза бошладим. Соат 22:00 гача бир дафтар ёздим, ўзимизни бадашимизни ёздим, илҳом келаяпти, ёзиб ташладим.

Шулардан бири: чўпон кетаяпти, хаёлида қизига қарайди-да, «қатиғингиз қаймоқ бўлса ялаб қўярдим, ойнангизга қарабгина сочларимни тараб қўярдим, аста-аста қадам ташлаб сиз томонга, борардим, уйингизга кириб, у ёқ бу-ёққа қараб астагина чаккагингиздан силаб қўярдим». Мана бу оҳанг хатакининг мероси, ҳақиқий оҳанги шундай бўлади. Кейин сўнгра яна қайтардим-да, «силаб қўяр эдим» жумласи ёқмагани учун уни ўзгартириб, «астагина ўпар эдим», дедим. Кейин бадаш келаверди, ёздим, 7 та дафтарни тўлдирдим, «ана тоққа юрганимда, нималарни қилганимда, сен сулувни кўрганимда» каби кўп сўзлар келди. Кейин уйга келсам, дап йўк, дарров Хўжайинқондан 10 та доира ясаиб келдим. Айтиш керак, бадашни ўзини доираси (дапи) бўлади, магазинни доирасига ўхшамайди, бошқача оҳанг таралади ундан.

Кўп шеърларни ёздим, энди уларни тайёрлаш керак, уйимга келганимдан битта кўзини сўйдирдим хўжайинига, дуо қилдим, илоё шу меросни олиб чиқай, юртбошига ўзим олиб бораман, деб дуо олдим.

Кейин ўзим 20 та яхши келинчакларни саралаб олдим, шундан кейин кўпчилик менинг устимдан шикоят қилишди, яъни ҳамма қизларни олиб кетди, қишлоқда сигир соғишга бирорта қиз қолмади, деб райкомга боришибди.

20 та келинчакни Маданият уйига олиб келиб, ўргата бошладим, аммо уларнинг бирортаси ўрганолмади.

Шундан кейин 15 та қари кампирлар билан клубда репетиция қилдим, мен уларга ўйинни ҳам ўргатдим. Лекин уларни қариндошлари қўймади, кўп қаршиликлар бўлди.

Одамлар Сайфулло Турсуновга борибди, бадаш нима, деб. Лочин билан китоб ёзишибди, ўзим ҳам китоб ёзганман.

Шундан кейин бадаш машхур бўлиб, Самарқанд ва кўп жойлардан мухлисларим кўпайиб кетди.

Ҳатто газеталарга ҳам машхур бўлиб кетдим. Ҳар сонидани мени мақолам бор. Ўша замоннинг «Саодат» журналига ҳам чиқарган мени. Тошкентдаги саънат музейига портретим ҳам бир қанча вақт турган.

Институтлараро дарслик ҳам қилганман. Шундай хизматларим учун «бадашни онаси» деб менга райкомдан битта уй беришди.

САНЪАТ ТУРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистонда ҳар бир худуднинг ўзига хос санъати, ўзига хос кийиниш маданияти, урф-одаглари мавжуд. Биргина кийиниш маданиятини оладиган бўлсак, кийимдаги безаклар, нақшларни мисол қилишимиз мумкин. Масалан, сурхон аёли кийимларида кўпроқ ёрқин ранглардан фойдаланиши, қуёш тасвирининг бўлиши воҳанинг серқуёшлигини кўрсатиб берса, урф-одат, маданиятларидан келиб-чиқиб, ўша кийимлардаги ўзига хос услублар, ўзига хос безаклар Сурхон аёлининг характерини белгилаб беради.

Санъатда ҳам шу нарсани кўришимиз мумкин. Унда ҳар бир санъаткор ижро услубида ўзининг кечинмалари, ўй-хаёллари, орзу-умидларини куйга солади ва ижро этади.

Бадаш санъатини ўрганадиган бўлсак, ҳар бир ижрочи ўзига хос кийиниш услубларидан фойдаланган. Ижрочилар кийиниш услубларига жиддий эътибор қаратиб, махсус либослари билан катта давраларга чиққан. Бош кийимига, соч турмаклари, зулпаклари кўринишига алоҳида эътибор қаратилган. Сочлари орқага таралган, бўйнидаги тақинчоқлар, кийимининг энги ва ёқаларининг узунлиги, устидаги либоси, рўмоли – булар ҳаммаси мужассамлашган бир сурхон аёли характерини белгилаб беради. Ижро этувчи аёл биринчи ўринда даврага чиққандан кейин ўзининг гўзаллигини, ҳуснини яққол кўрсатиб бериши керак бўлган. Иккинчи ўринда тақинчоқлари, безакларининг намойиш этилиши шарт бўлган, бу бадашни ижро этиш услубига хос жиҳат ҳисобланган.

Ҳар бир санъат тури у фольклор бўладими, ёки замонавий эстрада йўналиши, албатта, инсонга маънавий озика бериши билан биргаликда эстетик завқ, кайфият улашади. Инсонларни бир мақсад йўлида, ўзининг барча орзу-истаклари, мақсадларини ушалтирувчи, мотивация берадиган мусиқа йўналиши деб ҳисобласак бўлади.

Мусикий тарбиянинг аҳамияти ижро услуби ҳамда мусикий композициясининг кенглиги, яъни унга бадиий безак берилиши, шеърларининг ҳақиқий ижодкор томонидан ёзилишига боғлиқ. Мусиқа нафақат инсон маънавиятини шакллантирувчи, унинг истеъдодини намоён қилувчи, балки тарбиявий

жихатдан ҳам ўзига хос ўринга эга эканлиги мутахассислар томонидан етарлича исботини топган.

Президентимиз айтганларидек, мусиқа тинглаган, мусиқага ошуфта халқдан ҳеч қачон ёвузлик, ёмонлик чиқмайди. Ёшларнинг маънавиятини шакллантириш, ҳар томонлама етук, содиқ ва комил инсонлар қилиб вояга етказишда ҳали ҳам мусиқа орқали эришилса бўлади. Китоб инсон маънавиятини шакллантиришда бебаҳо бир бойлик ҳисобланса, мусиқа ҳам худди шундай.

Бадаш ҳам юракларни сел қилган мусиқа, бир дам ўтмишига чорловчи, олис-олис сурхон кенгликлари, қора уйлар, кўҳна тарихга элтувчи мусиқа. Уни эшитар экансиз, юрак-юракларингиздаги орзу-умидлар, ҳис-туйғулар қалбларга кўчади, қалбларни жунбишга келтирувчи нолаларни ҳис қиласиз. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ушбу мусиқа санъати бугунги кунга қадар асрлар ўтса-да, ўзининг тароватини йўқотмаган. Бугунги кунгача жаранглаб турибди.

Хатак қишлоғида яшовчи ўзбек миллатининг қатағон уруғига мансуб аҳоли ҳозиргача тўй маросимларда ўша бадаш-ни ижро этиб келмоқда.

Ҳар бир бадашда ўзига хос мақсад ва вазифа бор. Бадашнинг асосий мақсади ёшларни комил инсон қилиб вояга етказиш, уларни юртга содиқ қилиб тарбиялаш ва бағрикенглик, босиқлик, туйғуларни жиловлай олиш каби хислатларни мусиқа орқали сингдиришдан иборат. Бадашда тарбия усуллари, тарбия аънаналарида яқинлик ва масофанинг муайян нисбати белгиланади. Ёшларга керакли бўлган даражадаги яқинлик аксарият боболар ва бувилар томонидан кўрсатилган. Чунки ёши улуглар кўпроқ мулоқотда бўлиб, меҳр-муҳаббат билан тарбиялаганлар. Бадашда ҳам мана шу мусиқий тарбияни кўриш мумкин. Бугунги кун мафкуравий курашлар авж олган давр ҳисобланади. Турли-туман ғоявий кучлар ўз таъсир доирасини кенгайтириш учун тинимсиз иш олиб бормоқда. Бу жараён мамлакатимиз ҳаётига ҳам дахлдор. Зеро, ҳар хил мафкура ва ғоялар бизнинг юртимизга ҳам кириб келмоқда. Минг афсусуки, бизга бегона бўлган зарарли ғоя ва мафкуралар мавжудлиги сир эмас. Уларга қарши курашиш учун, аввало, мафкуравий имунитетни кучайтириш талаб этилади. Мафкуравий имунитетни кучайтиришда «Бадаш» каби қадим мусиқаларимиз ҳам

восита бўлади деб билдик. Ушбу китоб айнан шу мақсадда му-
тахассислар билан келишилган ҳолда чоп этилиши учун нашр-
га тайёрланди.

БАДАШ ТУРЛАРИ

Адолат Қўнғиротованинг фикрига кўра, мусиқа кайфиятни ифодалашда кенг имкониятга эга. Инсон кайфияти мураккаб бўлиб, у ҳеч нарса билан боғланмаган. Кайфият умумлашган хусусиятга эга, ундан иккиламчи томонлар чиқариб ташланади ва инсоннинг воқеликка бўлган муносабатини белгилайдиган энг муҳим томонлари ажратиб олинади. Унинг куч-қудрати шундаки, у шодланиш, қайғуриш, хаёл суриш, бардамлик, жа-
сурлик, тушкунлик ва шунга ўхшаш инсон руҳий ҳолатларини хусусий ва умумий тарзда ўзаро боғлиқликда, бир-бирига син-
гиб кетишига туртки беради.

Мусиқа «тил»и барча қисмларнинг узвий бирлигини, асар шаклини ифодалайди. Ижрочининг фикри, туйғулари, та-
саввурлари эшитувчиларга мусиқий шакл орқали етиб боради.

Бадаш ашула ва рақсни ўз ичига олади, ўзига хос бадий ифода «тил»ига эга, махсус ишлаб чиқилган ва танлаб олинган товушлар ана шу «тил»нинг манбаидир.

Бир неча минг йиллик тарихга эга Шеробод тумани мусиқа ижрочилигида дўмбира, чанқовуз, даф, най, қамишнай, тор, рубоб, дутор каби чолғулар кенг тарқалган. Шунингдек, халқ ижодиётида мусиқашунос олимлар томонидан тасниф этилган ва турли вазият, шароит билан чегараланган ҳамда эркин мавзули кўшиқ-айтимлар кенг ўрин олган.

Илмий ва тарихий манбаларга асосланиб Бадаш мусиқа санъатини ўрганиш жараёнида «Бадаш»нинг 70 га яқин турлари мавжуд бўлгани, унинг бизгача 20 га яқин тури сақланиб қолгани аниқланди.

Ушбу рисолага хунармандчилик, деҳқончилик, ҳарбий-ва-
танпарварлик каби турлари киритилди. Улар ўз ичига бир неча турларга бўлинади. Масалан, деҳқончилик бадашига кўш ҳай-
даш, миллий спорт тури билан боғлиқ бадашларга полвон ба-
даш, кўпқари бадаш, меҳнатсеварлик билан боғлиқ бадашлар-
га пилла бадаш, нон ёпиш бадаши, темирчи бадаши, уй куриш бадаши, тегирмон бадаши киради.

Доира бадашларининг усул ва оҳанглари ҳар хил бўлиб, бир-биридан ритм ўлчови, оҳанг шакли, характер, мазмун ва номланиши билан фарқланади. Умуман олганда, бу туркумининг тартиби куйидагича:

- «Катта бадаш»
- «Кичик бадаш»
- «Кўришиш бадаши»
- «Араз бадаши»
- «Биждонба бадаши»
- «Шамол бадаши»
- «Гиждала-гиж бадаши»
- «Дап бадаши»
- «Ўйин бадаши»
- «Китирка бадаши»
- «Давра бадаши»
- «Қасқон бадаш» ва ҳоказо.

Хатак қишлоғи дапчи аёлларининг фикрига қараганда, 70 га яқин юқорида номлари санаб ўтилган бадаш турлари мавжуд бўлиб, улар турлича номланган ва ҳар хил усул ҳамда оҳангларда рақсиз, рақсли саҳналаштирилган, баъзан эркин ритмларда чалинган. Ҳар бир бадашнинг бошланишида кириш қисми бўлиб, улар икки ёки тўрт такт чалингандан сўнг асосий куй оҳангига ўтилган. Куйнинг асосий қисми муқаддимага нисбатан мураккаб ритмларда чалинган. Бироқ куй-оҳанг ритмлари ўзгариб турган. Масалан, «Кўришиш бадаши» аҳолининг урф-одатлари, анъаналари, тўй маросими билан боғлиқ барча шодиёна кунларида ижро этилган. Бунда дапчи аёллар тарафматараф бўлиб, икки гуруҳга ажралган ҳолда икки томондан бир-бирига қарама-қарши чиқиб келишади. Шундан сўнг бир-бирларининг дапларини мамнун тўкнаштириб, имо-ишора орқали саломлашиб, яна қарама-қарши томонга ўтадилар. Қолган гуруҳ аъзолари шу вазиятни такрорлагунга қадар икки томонга сафланишиб, «Кўришиш бадаши» оҳангини чалишни давом эттиради. Бу ҳолат ижрочиларнинг сонига қараб такрорланиши мумкин. Агар ижрочилар сони оз бўлса, бу вазият тез-тез такрорланиб туради. Агар 80–100 нафар бўлса, бу ҳолат бир ёки икки мартаба бўлиши мумкин.

«Кўришиш бадаши»нинг иштирокчилари сони қадимда 20 дан 100 тагача бўлган. Гуруҳларга қайвони аёллар бошчилик қилган. Улар ижро даврасини бошқаришда кўпинча бадашларнинг динамик белгиларидан фойдаланганлар. Масалан, оҳангларни паст-баланд ёки секин-аста чалиб ҳар хил имо-ишоралар билан даврадаги иштирокчиларнинг ҳаракатини, уларнинг бадаш оҳангларини тўғри, аниқ чалишларини ҳамда қадимдан бадаш ижросида анъана бўлиб қолган ушбу ҳаракатларнинг узлуксизлигини таъминлаганлар.

Мазкур қишлоқда турли маросимлар билан боғлиқ анъаналарда дап ижросида бадашлар ижро этилган. Мисол учун, ёзги маросимларда «Араз бадаш» чалинади. «Араз бадаши» халқнинг урф-одатларига боғлиқ жараёнларда ўтказилган.

Бунда ҳам дапчилар икки гуруҳга бўлиниб, қарама-қарши томондан чиқиб келишган. Ёнма-ён бўлганда бир-бирларининг дапларига дапларини қаттиқ уриб ва ўз даплари билан юзларини пана қилиб яшириб ўтганлар. Бу билан улар қуёшдан норозилигини, у ҳаддан ташқари қиздириб, экинларга зарар етказётганлигини ифода этганлар. «Араз бадаш» икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми кириш ҳисобланади. Кириш қисми 5/8 ўлчовда икки такт ижро этилгандан сўнг, қуйнинг асосий қисмига ўтилади. У эса 6/8 ўлчовда давом эттирилади.

«Араз бадаш»нинг асосий мақсади аразлашиб қолганларни яраштириб қўйишдир.

«Қатта бадаш» доира бадашлари орасида энг каттаси, мураккаби ҳамда аҳамиятлисидир. У ҳам фақатгина халқ урф-одатларига боғлиқ бўлибгина қолмай, балки тантаналарда доимо биринчилардан бўлиб ижро этилган. «Қатта бадаши» ўзига хос оҳангдорлиги ва мазмундорлиги билан ажралиб туради. Уч қисмдан иборат «Қатта бадаш»нинг илк қисми кириш, асосий қисм ва яқунловчи қисмларга бўлинади. Улар турли ўлчовларда чалинади. Асосий қисм оҳанглари кириш ва яқуний қисмларга нисбатан анча мураккаб оҳанглардан ташкил топган бўлиб, жуда шиддатли ижро этилган.

Энди бадашлар орасидан ўрин олган ва турли тантаналарда кўп ижро этиладиган «Биждонба» бадашига эътибор берайлик. Тахминий маълумотларга қараганда, «Биждонба»даги «биж» бўғини даплардаги тўхташ маъносида урилган зарб «биж» бўғинидан олинган. Биж бўғини эса қиздирилмай чалинадиган

дапларда тўхташ маъносида урилган зарбдир. Бу бадаш, асосан никоҳ тўйларида чалинган. У мазмунан ўйинга чорловчи оҳангдир.

Бадашлар ҳам халқ тилида ритмик жиҳатдан бўғинланган. Жумладан, «Биждонба» бадаши оҳангининг бўғинланиши куйидагича:

*Бавс бамбам бавс бам биж,
Бавс бамбам бавс бам биж,
Бавс биж, бамбам биж,
Бавс биж, бамбам биж.*

Бу ерда «бавс» бўғини Бухородаги «бум», Хоразмдаги «гуп», «бамбам» бўғини Бухородаги «бакка», Хоразмдаги «тоқ-тоқ» бўғинларига, «бам» бўғини Бухородаги «бак», Хоразмдаги «тоқ» бўғинларига тўғри келиб, дам олиш белгиси «биж» эса «ист» бўғинларига мос келади. Ушбу бўғинлашлар фақатгина оддий усулли бадашларга хос. Кўриниб турибдики, ритмларнинг бундай бўғинланиши Сурхондарё – Қашқадарё маҳаллий мусиқа услубида жуда қадимдан мавжуд эканлигидан далолат беради. Бадаш ижросида устоз-шоғирд анъанасининг аҳамияти катта.

«Доира бадашлари» 1948 йилларга қадар тўй-томошаларда ижро этилиб келинган. Ҳатто бадашларсиз халқнинг байрамлари ўтмаган. Тўй ёки сайил деб эшитган ҳар бир аёл у ерга ўз дапи билан борган. Бадашлар ҳозир ҳам халқ байрамлари ва бошқа анъаналарда ижро этилиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида Сурхондарё мусиқий ижодиётининг тарихан бой меросга эга эканлигини кўрсатади.

БАДАШНИ ИЖРО ЭТИШ УСЛУБИ

Бадаш санъати Наврўз ва ҳосил байрамларида, суннат ва никоҳ тўйларида ҳам ижро этилган.

Аёллар тўла айлана шаклини ҳосил қилиб бадаш ижро этишган. Тўйга аёллар ўз доираси билан келишган. 20–30 ва ҳатто 50 тагача аёл доира чалади. Шунча доирадан бир такт бўлиб чиқаётган текис ва салобатли зарблар киши руҳиятига ўзгача таъсир қилиб, унинг кайфиятини кўтаради. Бармоқ ва кафтлар зарбидан доира теграсидаги саноксиз нукра ва мис ҳалқачалар

тиниқ жаранглаб, доира бадашининг жозибасини янада оширади.

Доиралардан маромли ритмда таралган жозибали ва жангдор «биж-дон-ба, биж-дон-биж» садолари узоқ-узоқларга эшитилиб туради. Бу – доира бадаши. Доирани умумий маромга қўшилиб чала олмаган иштирокчи даврадан чиқариб юборилган. Доира садолари остида рақсга тушган бошқа аёллар катта шолпат рўмолнинг учларини қўллари билан гоҳ сўлга, гоҳ ўннга бир маромда ташлаб ўйнаганлар. Баъзан ёғоч қошиқлар билан рақс тушишган, унда соч ўриш, ўсма қўйиш, кескан ош пишириш, ойнага қараш каби ҳаракатлар ҳам акс этган.

Бадашда кайвони аёллардан бири бошловчилик қилиб, ҳар бир бадаш турининг вужудга келиш тарихини сўзлаб берган.

Шундан сўнг бадаш ижро этилган. Эркакларнинг аёллар билан бирга рақсга тушишига рухсат этилмаган. Эркаклар майдоннинг бошқа томонидан туриб бадашни кўриб, ундан завқ олишлари мумкин бўлган.

Бадашни ижро этиш алоҳида билим, тайёргарлик ва маҳорат талаб қилади. Яна бир жиҳати, бу жараёнда қоидага қатъий риоя қилиш шарт. Акс ҳолда, ижрочи даврадан чиқариб юборилади. Бадашнинг қоидаси шундай: аввал аёллар миллий либос кияди. Мусиқани ижро этиш билан бирга улар эгнидаги либоси, тақинчоқлари, хусни-жамолини ҳам намоён этиши даркор. Масалан, доира ўнг томонга қаратиб чалинганда ижрочининг юзи чап томонга бурилади, бунда аёлнинг ўнг қулоғидаги беш пояли сирғаси, ўнг чаккасидаги зулф, қўйлагининг парпар енги томошабинга яққол кўриниб туриши керак. Чапга бурилганда ҳам худди шундай. Доира юқорига кўтариб чалинганда, аёлнинг либоси, бўйнидаги мунчоқлари ва хапаванд намоён этилади.

Умуман, бадашларнинг умумназарий масалаларини қуйидагилар асосида изоҳлаш мумкин. Жумладан, бадашларнинг ритм оҳанглари содда усуллардан бошланиб, ижро давомида мураккаблашиб боради. Баъзилари оҳанг якунида аввалги бошланғич ҳолатига қайтади, айримлари эса асосий қисм билан тугалланади.

Бадашлар фақатгина қиздирилмаган дапларда чалинганда ўзининг ҳақиқий оҳангдорлиги ва мазмунини очиб беради. Шу

сабабли ҳам улар кўп қисмли бўлиб, турли ўлчовларда ижро этилади. Уларнинг аҳамиятли томони ҳам шунда. Бадашлар дапларда чалинганда ўзларининг ички ва ташки хусусиятларини тўлалигича сақлаб қолади. Шу сабабли қиздирилган доирада чалинмайди.

Никоҳ тўйларида эса бадаш бошқачароқ ўтказилган. Унда келин отга миндирилиб куёвнинг уйига олиб кетилаётган вақтда бадашчи аёллар худди аскарлар сафда тургандек уч-тўрт қатор бўлиб туришган ва куёвнинг уйига қадар доира чалиб боришган. Тўйлар шу тарика ўзига хос гўзал бир суратда ўтган.

БАДАШЧИЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ЛИБОСИ

Бадаш айтадиган аёл қизил сатиндан парпар ёқали кўйлак ва лозим кийиб, қасаба деб аталадиган бош кийими устидан оқ шолпат рўмол ёпинган. Оёқларида садаф тугмали нўғай ковуш бўлган. Беш поялик исирға осилган иккала кулоқ атрофидаги соч гажакдор қилиб кўйилган. Бўйнида эса, хапаванд (хапамад) мунчоқ ярашиб туради, кўйлак ёқаларига жаҳак тикиб, устидан ялтироқ тунукадан ясалган тугмалар парпар кўйлакларнинг ёқасидан куйигача зеб беради.

БАДАШНИНГ МАЗМУНИ ҲАМДА ХАЛҚ ТУРМУШИДАГИ ЎРНИ

«Бадаш» мусиқа санъатининг аҳоли, шунингдек, ёшлар тарбиясида аҳамияти катта. Унинг бу борадаги турларига «Араз бадаш», «Ер ҳайдаш бадаши», «Нон ёпиш бадаши», «Пилла бадаши» ва бошқалар мисол бўла олади.

Жумладан, «Араз бадаши» аразлашганларни яраштиришга хизмат қилса, «Хунармандчилик бадаши» эса кишиларни меҳнатсеварликка, меҳнат қилишга ундайди.

Бадаш инсон қалбида зоҳир бўлган севинч ва дардларнинг мусиқа ёрдамида жозибали ифодасидир. Ушбу санъат тури ёрдамида инсоннинг ҳаётда кўрган-кечирганлари, орзу-истаклари, шодлик, қайғулари, армон ва аламлари куйга туширилади. Уни ижро этганнинг кўнгли бўшашиб енгил тортади. Шу боисдан бўлса керак қалбдан тўкилган ҳис-туйғулар минглаб юракларни ларзага солади.

*Қўлга олиб доирани,
Бадашдан нағма чаласиз.
Лол қолдирибон даврани,
Ҳижрон сеҳрига оласиз.
Тоғлар бошида туманма,
Ангор томонлар келама.
Бадаш чалсангиз, бувижон,
Ёмғир ёғиб ўтама.*

Қурғоқчилик келиб, ёмғир ёғмаган, экин-текинлар сувсиз қолган вақтда ёмғирнинг ёғишига интиқ бўлган аёллар ушбу сатрларни айтиб қўлларига дапни олиб бадаш чалишган. Ёки ҳорғин, чарчаган вақтида «Ўйин бадаши»ни ижро этишган. Бу эса ўзини чалғитиш, қийинчиликларни сабр-бардош, матонат билан енгишга ундаган.

НИКОҲ ВА ОИЛАВИЙ РИШТАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БАДАШЛАР

АРАЗ БАДАШИ

Араз бадаши (баъзан қудалар айтишуви ҳам дейилади). – Бошловчи араз бадашнинг пайдо бўлиши ҳақида сўзлаб беради. Қадимда икки дўст бўлган экан. Иккови бир вақтда уйланишибди. Бир йилда фарзандлик бўлишибди. Бири киз, яна бири ўғил кўрибди. Икки дўст яхши ният қилиб чақалоқларни унаштириб қўйишибди. Орадан йиллар ўтади. Қиз билан йигит 17 ёшга тўлади. Энди йигитнинг отаси тўй жўнатамиз деса, қизнинг онаси «Қизимни бермайман», дейди. Ўртада жанжал чиқади. Оқибатда бўлғуси қудалар аразлашиб қолади. Шунда эл-юрт оқсоқоллари ва уламолар уларнинг ўртасига тушиб «йигит билан қизнинг кўнгли бир-бирига мойил-ку» дейишади. Бунини эшитган қизнинг онаси эл-халқдан ва қудаларидан кечирим сўрабди. Қудалар ярашибдилар, тез орада йигит томондан қизнинг уйига тўй жўнатилади.

Шундай қилиб, «Араз бадаши» аразлашиб қолган қудаларни яраштириш учун айтилиши, бу ишда эл оқсоқоллари ва жамоатчилик бирдек масъул эканини ифодалайди. Араз бадашда ўн киши бир томонда, яна ўнтаси бошқа томонда туриб доира чалади.

Оҳанги:

*Биждибиж баъ-баъ, биждибиж баъ-баъ,
Биждибиж баъ-баъ, биждибиж баъ,
Биждибиж баъ-баъ, биждибиж баъ-баъ,
Биждибиж баъ-баъ, биждибиж баъ,
Бору, бору, биждибиж баъ,
Бору, бору, биждибиж баъ.*

Араз бадашининг оҳанги 6 марта қайтарилади. Бору, бору, биждибиж баъ оҳанги келган вақтда доирани тепага кўтариб айлантириб чалишади. Доира чалинаётган вақтда бир-бирларини томон юриб, уларнинг жойини эгаллайдилар. Сўнгра юқоридаги йўсинда уйин такрорланади. Бир киши эса араз бадашининг кўшиғини айтади.

*Келинг, дўстлар, ўйнайлик,
Қуда томон сўзлайлик,
Қуёв-келинни олиб,
Сайил томон жўнайлик.
Адир томон борайлик,
Тоғ бағрига чиқайлик,
Лолазорни айланиб,
Кийикларга бойланиб,
Шоду-хуррам айланиб,
Уйимизга қайтайлик.*

Ушбу «Араз бадаш» Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Чолғу ижрочилиги кафедраси ўқитувчиси Жавоҳир Туратов томонидан нотага туширилди.

Араз бадаши нотаси

КУЁВ КЕЛДИ БАДАШИ

Куёв келди бадаши – келиннинг уйига куёв келган вақтда ижро этилади. Унинг вазифаси келинни сепи билан олиб кетиш маросимини тўла ифода этишга қаратилган. Бадаш айтувчи келин-куёвнинг ота-онасига никоҳ тўйи қоида ва расм-русумларини тушунтиради. Бошқалар ҳам эшитиб ибрат олиши учун куёв томоннинг вазифалари, урф-одатларга амал қилишнинг аҳамияти, келиннинг ота-онасига эса, қизининг тарбиясидан тортиб то бериладиган сепига қадар бирма-бир эслатади.

Бир вақтлар тоғ қишлоғида яшовчи чўпон йигит бир қизга унаштириб кўйилади. Ёз маҳали ота-онаси уни тоққа, мол боқишга жўнатади. Йигит Кўхитанг, Ғўрчиқ тоғларига бориб, мол боқиб юради. Вақти келиб, чўпон бола қаллиғини кўмсаб, уйига қайтади. Йигит ҳали қизни учрата олмагани учун унга «сен» дея олмайди. Чунки шу давр одати бўйича, йигит қиз билан учрашиб, гаплашиб, ўзининг ҳақиқий мулки сифатида қабул қилсагина, қизга «сен» деган сўзни ишлата олган. Чўпон бола йўлга чиқиб, хаёлида қизга қандай қилиб келаётганини гапиргани бадаши.

*Кўхитанг тоғ боғлари,
Шаббада-ю еллари,
Чақирди чўпонларни,
Мойиллигин эслатди.*

*Чўпон йигит йўлга тушиб,
Кўюн каби айланиб,
Кўзидан чиқиб ёши,
Кўшиқ куйлаб деди:*

*Тоғ бошида ётар қор,
Менга керак вафоли ёр,
Осмон баланд, ер қаттиқ,
Келавердим сиз учун.*

*Қани энди учиб ўтсам,
Сизга яқинроқ бўлсам,
Шамол келди бериб куч,
Юриб келдим сиз учун.*

*Рашиқ ўтининг зулмидан,
Қочавердим сиз учун,
Ошиқликнинг қаҳридан,
Кўрқиб келдим сиз учун.*

Йигит узоқ йўл босиб, охири ҳолдан тояди. У ёқ-бу ёққа қараб тоғнинг орасидаги бир қатга кўзи тушади. Тезда қатнинг устига чиқиб бироз дам олади. Кейин ухлаб қолиб, кечаси куёв туш кўради.

*Куёвимиз туш кўрди:
Тоғ бағрида юрганини,
Кўп ишлар қилганини,
Сен сулувни кўрганини.*

*«Чарос кўзинг,
Нурли юзинг бор эди.
Соя-ю салқинда ўсган,
Кўш аноринг бор эди.
Сўраб сени борганимда,
Чиқиб кутиб турганимда,
Кўрчиқ тоғдан айланиб,
Келавердим сен томон.*

*Нурли чорвоқ кўзимга
Кўринади ойдай бўп.
Чўгдайин ёниб турган
Қоматинг ҳам ёйдай бўп.*

*Дарё кечиб, саҳро ўтиб,
Келавердим сен томон.
Тиконзору қирлардан
Юриб келдим сен томон.
Аллатикон кўзларини,
Сузиб қолди мен учун.
Кўзларини сузсалар ҳам,
Сузиб ўтдим сен томон.*

*Мен учун бу дунёда,
Сендай бойлик топилмас.
Гавҳаримсан, гўзал ёрим,
Келавердим сен томон.*

*Жону дилим, сулув жоним,
Хумор кўзим, ёқутхоним,
Мени кутиб олармикан,
Кучоқ очиб гавҳарим?*

Чўпон йигит тонгда уйғонади. Ювиниб, нонушта қилиб яна йўлга тушади. Йўл-йўлакай яна севгилиси билан хаёлан суҳбатлашиб боради:

*Қатигингиз қаймоқ бўлса ялаб қўяр эдим,
Ойнангизга қарабгина сочларимни тараб қўяр эдим.
Аста-аста қадам ташлаб сиз томонга борар эдим,
Юзингизни силабгина битта бўса олар эдим.*

Ниҳоят, чўпон йигит қишлоғига қайтиб келади. Тез орада унинг тўйи бўлади. Куёв томон кизнинг уйига келган вақтда куйидаги кўшиқ куйланган:

*Адирларда чечак очилиб,
Ён-атрофга гуллар сочилди,
Қани дўстлар, келинлар,
Сой бўйига юринлар,*

*Қуда-ю, қуда-андалар,
Тўшанг шойи-адраслар.
Кўзлари чаросдек, қошлари камондек,
Қаранг, куёв тўра келадир.*

*Юзлари анор, кўзлари хумор,
Гўзал қизларжон, қаранг,
Мўйловини ёй этиб,
Куёв тўра келадир.*

*Моҳир чеварлар, тингланг,
Боғи чаман, боғи чаман,
Куёвга тўн,
Келинга тўққиз бичаман.*

Никоҳ тўйларида бадашнинг ушбу турини ижро этиб бўлишгач, ёш йигит-қизлар, баъзан қари кишилар ўланлар ва

ёр-ёрларни ижро этишади. Қуйида ана шундай ўланлардан бирини келтирамиз:

*Тоққа битган арчанинг, донаси йўқ, ёр-ёр,
Келаётган келинойнинг онаси йўқ, ёр-ёр.*

*Тахта-тахта кўприклар, тахтинг бўлсин, ёр-ёр,
Хон ҳазрат қизларидай бахтинг бўлсин, ёр-ёр.
Хон ҳазрат қизларидай ким бўлибди, ёр-ёр,
Ота-она дийдориға, ким тўйибди, ёр-ёр.*

*Ийнанг учи синди деб, урди опам, ёр-ёр,
Энди сен ҳам кетарсан, қолди онанг, ёр-ёр.
Қат-қатгина қатлама қатланибди, ёр-ёр,
Қизни олиб янғаси отланибди, ёр-ёр.*

*Оқ сут берган онаси рози бўлсин, ёр-ёр,
Қизларойнинг отаси рози бўлсин, ёр-ёр.*

*Дарёға тош отманглар, ботар-кетар, ёр-ёр,
Узоққа қиз берманглар, олар-кетар, ёр-ёр.*

*Узоқдаги қизларнинг ранги сариқ, ёр-ёр,
Кўздан оққан ёшлари мисли ариқ, ёр-ёр.*

*Мислим ариқ мис бўлсин, сомон бўлсин, ёр-ёр,
Узоқ тушган жон синглим, омон бўлсин, ёр-ёр.*

*Осмондаги юлдузни саккиз денглар, ёр-ёр,
Саккиз қизнинг сардори кебди денглар, ёр-ёр.
Ерда ётган қайчини занг босибди, ёр-ёр,
Келаётган келинни ғам босибди, ёр-ёр.*

*Чимилдиқнинг бағридан сичқон қочди, ёр-ёр,
Чичқоқ улоқ топилмай куёв қочди, ёр-ёр.*

*Куёв бола бой деб эдинг, бойи қани, ёр-ёр,
Самоварда қайнаб турган чойи қани, ёр-ёр.*

*Чой ўрнига сув бўлса ҳам ичар эдик, ёр-ёр,
Шойи ўрнига чит бўлса ҳам кияр эдик, ёр-ёр.*

Тоғлиқлар ўланини, асосан 40 ёшдан ошган катталар ай-тишади. Ўланда қадимдан қолган меросий сўзлар акс этади. Бу турдаги ўланларда кексалар ўзларининг ҳаёти, кечмиши ва дунёкарашини қўшиққа солади. Ёр-ёр эса, 17–40 ёшгача бўлган кишилар томонидан куйланиб, унда турли айтишувлар, масала ва тортишув ҳамда ўзлари яшаб турган замонни қўшиқларда акс эттириши керак бўлади. Агар ўлан айтувчилар ўз сўзларини ёшларга қарата айтса, ўланда ёр-ёр сўзлари қўшилади. Ўланда турмушга чиқмаган қизлар иштирок этмайди. Ўнта йигит бир томондан, ўнта аёл иккинчи томондан туриб қўшиқ айтишган. Қуйида халқ орасида кенг тарқалган ўланлардан айримларини келтирамиз.

*Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, ўлан айтмай, ёр-ёр,
Оғажонимни тўйини карнайлатай, ёр-ёр.
Тўрттагина шипирғи – уй тузуги, ёр-ёр,
Номард бўлсин бу қизлар, уй бузуги, ёр-ёр.*

Мазкур ўлан куёвнинг яқинлари томонидан айтилади. Ўлан орқали ёши улуғ кишилар айрим дангаса, эпсиз ва бетарбия қизларни танқид қилишади.

*Шилдир-шилдир қамишга сирғам тушди, ёр-ёр,
Синамаган йигитга синглим тушди, ёр-ёр.
Синглим учун қовурғам қайишадир, ёр-ёр,
Ўн қўлимга ўн узук майишадир, ёр-ёр.
Олма деп отган отам беҳи деб сотган отам,
Ўз қизини ўрнига бодом эқсин, ёр-ёр,
Бодом шохи қайрилса, болам, десин, ёр-ёр,
Йиғлама қиз йиғлама, тахтинг бўлсин, ёр-ёр,
Онҳазратнинг қизидек бахтинг бўлсин, ёр-ёр.*

Бу қўшиқни келиннинг опаси айтади. Ўтмишда айрим кишилар ёши катта бой-бадавлат одамларга ўз қизларини узатиб юборганлар. Негаки, оталар ўз қизларининг бахтини ўйлашган, ризкли бўлсин деганлар. Кўпинча қизлар узоқ-узоқларга узатиб юборилганда ўз ота-оналари билан деярли кўришмай қолишган. Олмани узоққа отганларидек, қизларини ҳам узоқларга узатиб юборишган. Илгари қизлар бодомга ўхшатишган. Шу боис, бодом шохи қайрилганда уни ўз қизи сифатида билиши лозимлиги уқтирилади. Қўшиқ орқали қизнинг онаси ва опаси

худди подшонинг қизидек бахтли бўлгин деб, уни юпатишга ҳаракат қилишган.

XX аср ўрталарига қадар Сурхон воҳасининг кўпгина ҳудудларида, шу жумладан, Термиз туманида ҳам, Наврўз ёки ҳосил байрами кунлари ёш йигитлар ўзларига ёққан қизларга қараб олма отишган. Оналар эса қизларига олма тегмаслиги учун уларни ҳимоя қилишган. Қизларга олма отиш одати ушбу ўланда ҳам акс этганлиги эҳтимолдан холи эмас.

*Ўлан ўлан жон ўлан, ўланчи қиз, ёр-ёр,
Ваъдасидан топилмаган, ёлгончи қиз, ёр-ёр.*

Кўёв томон айтадиган ўлан. У орқали қадимда унаштирилган қизларнинг қочиб кетгани эслатилиб, ўланчи одам шу орқали келинни ва бошқа унаштирилган қизларнинг ўз оиласи ва яқинларини номусга қўймаслиги кераклигини айтади.

*Токчадаги чармакни чанг босибди, ёр-ёр,
Келаётган келинни ғам босибди, ёр-ёр.
Йиғлама, қиз, йиғлама, тўй сеники, ёр-ёр,
Бўсағаси тиллодан, уй сеники, ёр-ёр.*

Кўшиқни келиннинг янғаси айтади. Айрим қизлар турмушга чиқиш арафасида ғам босганидан уй ишларини эсдан чиқариб қўйиши мумкин. Шу сабаб, янгалар ўлан орқали қизга хавотир олмаслиги лозимлиги, уни бахтли ҳаёт кутаётганлигини маълум қилишади.

*Кўёв поччам бой дейдир, бойи қани, ёр-ёр?
Самоварга қайнаб турган чойи қани, ёр-ёр?
Той бўлса ҳам минар эдик от ўрнига, ёр-ёр,
Сув ҳам бўлса ичар эдик чой ўрнига, ёр-ёр.*

Келинни олиб борган опалари, холалари айтадиган ўлан. Унда ўзини бой деб билган айрим кишилар келин томонни иззат-ҳурмат қилмаганлиги танқид қилинади.

*Узун-узун аргамчи, кўкка етмас, ёр-ёр,
Кўёв поччам берган мол, тўйга етмас, ёр-ёр.
Аравани чархагига сепди кепак, ёр-ёр,
Келин ёйди сепларини, бари упак, ёр-ёр.*

Келин томон айтадиган ўлан. Унда ижтимоий ҳаёт акс этган. Пишитилган ип арғамчи дейилади. Арғамчини йўл деб тушунилган. Ўлан орқали айрим куёвлар қалинни кам берганлиги учун танқид қилинган. Куёвнинг қалинидан кўра, қизнинг сепи кўпроқ, деб келин мақталади, яъни куёв берган қалин келиннинг сепи олдида худди кепакдай дейишган.

Куёв келди бадашнинг оҳанги саккиз тактдан иборат:

Иждондова иждондобиж.
Иждондова иждондобиж.
Иждондова иждондобиж.
Ба довдова ба довдобиж
Ба довдова ба довдобиж
Иждондова иждондобиж
Иждондова бадовдова бадавдобиж

Бу бадашнинг бошқа оҳанги ҳам борки, у куёвнинг юриши билан боғлиқ бўлган. Уни хоҳлаганча чалиш мумкин.

Биждонтоват, биждонтоват биждонтоват бижд,
Биждонтоват, биждонтоват биждонтоват бижд

«Куёв келди бадаш»и Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Чолғу ижрочилиги кафедраси ўқитувчиси Жавоҳир Туратов томонидан нотага туширилди.

Куёв келди бадаши нотаси



ЎЙИН БАДАШИ

Ўйин бадаши халқни аҳилликка, тинчликка, дўстликка, меҳру муҳаббатга, бирдамликка, ўйин-қулгуга чакиради. Бошловчи ўйин бадашнинг мақсад-вазифаларини тушунтириб беради.

Ўйин қондаси қуйидагича: Ўнта ёки йигармата бадашчи айланиб юриб доира чалади. Бир сафга тизилган доирачилар ўнг ёнбошга биргаликда ҳаммаси эгилган ҳолда доираларни жўрликда чалиб, умумий ҳаракат билан секин-секин силжийверади. Издиҳом пайти доира айланаси ва кийимлардаги тақинчоқлар ҳам ўзгача оҳангларда овозлар чиқаради.

Ўйин бадашнинг оҳанги:

*Биждонбодиба биждонбиждиба,
Биждонбодиба, биждонбиждиба*

Нақоратида эса доира юқорига кўтарилиб айлантирилади ва:

Бодиба бодом, бодиба бодом, бодиба-бодом бодиба

оҳанги ижро этилади.

Бадаш ижро этилаётган вақтда бир аёл қизларга атаб кўшиқ айтган, қизлар эса ўйинга тушган.

*Қуви пишиб, ёғ олиб,
Идишларга жойланг, жон қизлар.
Қўли гул, оёғи чаққон,
Ўйинанг, қизларжон, ўйинанг.*

*Қуви пишган қўлларингиз
Оғримасин, жон қизлар!
Олиб қўйган ёғларингиз
Туқилмасин, жон қизлар!
Қошу кўзни чимириб,
Гўзал ўйин кўрсатиб,
Ҳавасларни келтириб,
Ўйинанг, қизларжон, ўйинанг.*

*Ўйин бадаш садосига
Чечакдай гул-гул ёниб,
Очилиб, ойдай бўлиб,
Ўйинанг, қизларжон, ўйинанг.*

Бир аёл йигитларга атаб қўшиқ айтади:

*Бугдой экиб, ўроқ ўриб,
Мўл ҳосилни тўплаган,
Элга шодлик келтириб,
Ўйнанг, йигитлар, ўйнанг.*

*Бугдой ўриб, машоқ териб,
Қўшилларга қарашиб,
Қизлар билан ярашиб,
Ўйнанг, йигитлар, ўйнанг.*

*Дўстлар билан юришиб,
Удумларни урушиб,
Майдон узра яйрашиб,
Ўйнанг, йигитлар, ўйнанг.*

Ушбу «Ўйин бадаши» Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Чолғу ижрочилиги» кафедраси ўқитувчиси Жа-воҳир Туратов томонидан нотага туширилди.

Ўйин бадаши нотаси



«ЙЎЛ БАДАШИ» НИМА ДЕЙДИ?

«Йўл бадаш» чолғусиз ижро этилган. Мазкур бадаш ўз фарзандини урушга кузатган оналар, эри жангга йўл олган келинлар томонидан айтилган. 20–30 та оналар, келинлар, сингиллар далада ўроқ ўриб чанқаб, мешдан сув ичиб, кўрсаткич ва ўрта бармоқларини томоғига сокин маромда тез-тез уриб, баланд овоз билан худодан, тоғлардан, кўкдан, юлдузлардан, фарзандлари ҳақида сўраб қўшиқ куйлаганлар:

*Ана тоғлар тоғмикан?
Кўланкаси доғмикан?*

*Борғуч-келгуч бормикан?
Мени болам соғмикан?
Бунча ҳам кечиктирди,
Ҳаммани соғинтириб,
Она ўғлин кутмоқда,
Келин ёрин кутмоқда.*

Келинчақлар эса қуйидаги қўшиқни қуйлаганлар:

*Кўзларим нури тўкилиб
Сиз келар йўлга қараб,
Бегим, шунқорим, бахтим,
Тоғжу тахтим, давлатим,
Қачон келурсиз?*

Ушбу «Йўл бадаш» Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Чолғу ижрочилиги кафедраси ўқитувчиси Жавоҳир Туратов томонидан нотага туширилди.

Йўл бадаши нотаси

Ana - tog' lar___ tog' - mi - kina,___ ko' - lan - ka - si zog' - mi - ki - na.

5
Borguch - kelguch bor - mi - ki - na, me - ning bo - lam sog' - mi - ki - na.

«ЯРАШ БАДАШИ»

«Яраш бадаши» – араз бадашидан кейин қуйланадиган бадаш. Вазифаси – одамларни меҳр-оқибатга, аҳил-иноқ яшашга чорлаш. Яраш бадашда икки доирачи қўлларини бир-бирларининг қўлтиғидан ўтказиб доирани чалади. Баъзан доираларини бир-бирларига худди уриштираётгандек қилиб кўрсатишади. Гоҳида ярашганликларининг белгиси сифатида бир-бирига орқа томондан елка қўйиб доира чалишган. Бир киши қўшиқ

айтган. Бадашнинг мазкур турини Хатакнинг Жулга гузариди яшовчи аҳоли ижро этишган. Оҳанги («нотаси») бизга қадар етиб келмаган.

БАДАШНИНГ КАТТА ЙЎНАЛИШИ – КАТТА БАДАШ

Катта бадаш – бадашнинг қадимги, шу билан бирга оғир тури ҳисобланади. Катта бадаш кўпроқ Наврўз ва ҳосил байрамларида ижро этилган. Унинг асосий мақсади халқни дўстликка, бирликка, аҳилликка, меҳнатга, тинч-тотув яшашга, ўз юртини жону дили билан ҳимоя қилишга чақиришдир. Катта бадаш ижро этилиши олдидан бошловчи унинг пайдо бўлиш тарихини айтади.

Бир замонлар эрта баҳорда тоғда яшовчи ўттиз хўжалик одам қишлоқдан овулга кўчади. Эшвой исмли довжурак бир мерганнинг оиласи шуларнинг бири эди.

Мерганнинг гўзал синглисига уйланган куёви кўшни овулдан меҳмон бўлиб келади. Бир куни Эшвой иззатли куёв ва икки қариндошини олиб овга чиқади. Тоғда улар икки яшарли арслон боласига дуч келиб қоладилар. Тўртовлон бир бўлиб йиртқични ўлдирадилар. Аммо Эшвой мерганнинг куёви бу олишувда ҳалок бўлган эди. Мерганнинг эндигина тўрт ойлик келинчак синглиси яна ўз овулига қайтиб келади.

Шу орада она арслон боласининг ўлимига чидай олмай, ўч олмоқ ниятида кечаси овулга хужум қилади. Овулда яшовчи аҳоли арслондан қўркмай итлар ёрдамида бараварига унга ёпишадилар. Шу вақт Эшвой мерган ёстикни суруққа маҳкам ўраб, уни кунжут мойига ботиради. Кейин ёстикни ёндириб арслоннинг юз-кўзини мўлжаллаб ташлайди. Арслон куйиб ўлади. Арслонни сўйишади ва ҳамма унинг гўшtidан бўлиб олади. Ҳар бир оила ўз ўтовининг эшиги олдида ўра қазиб, унга арслон гўштини кўмиб қўяди. Агар шундай қилинмаса, арслон гўштини уч кун сурунқасига еган ит қутуриши мумкин экан. Ўрага кўмиб қўйилган арслон гўшtidан сизган қон тупроққа сўрилиб кетади. Одамлар эса, то гўшт тугагунига қадар, яъни 30 кун давомида арслоннинг гўштини ҳар куни оз-оз олиб итларига едиришган. Шу йўл билан итлар сақлаб қолинган.

Катта бадаш мазкур ривоят орқали одамларга куч бирликда эканлигини уқтиради, уй ҳайвонларини эҳтиёт қилишга ўргатади.

Одамлар арслонни ўлдиришда хизмати катта бўлган Эшвой мерганни кўлларидида кўтариб, бир неча марта осмонга иргитиб олқишлайдилар. Шундай офатдан қутулганликлари шукронасига сумалак пиширишга қарор қиладилар. Сумалак бу пайтгача фақат қирғин, кулфат, офат ва бошқа шу каби балолардан сақланиш учун пишириб келинган экан. Энди эса, сумалакни «аҳил ва бирдам бўлайлик, бир-биримизни ҳурмат қилайлик» деган маънода кўқаришга қўйишибди.

Шундай қилиб, бугдой чигилнинг устида уч кун кўқартирилиб, униб чиққанидан сўнг сумалак пиширишга киришилади. Ҳамал ойи бўлгани учун ҳамма экин экиш билан банд эди. Эшвой мерган ва унинг Тошвой деган ошнаси далага қўш ҳайдагани чиқишади. Адирнинг бир томонида мерган, 20 қадамча нарида ошнаси ер ҳайдар эди. Шунда Тошвой: «Ошна, ишингизни тугатдингизми, сумалакка бормаймизми?», деб сўрайди. Мерган: «Озроқ қолди, бироз сабр қилинг», дейди.

Ўша давр удуми бўйича кимнингки балоғат ёшига етган ёки тул қолган кизи бўлса, у ҳақда ҳар хил гап-сўзлар бўлмасидан олдин, тезда турмушга узатиши шарт эди.

Тошвой, гарчи, оилали бўлса-да, Эшвойнинг тул қолган синглисига анча кўнгли кетиб турган пайти эди ўшанда. Тошвойни бирпасда шайтон йўлдан уриб, кўлларини карнайга ўхшатиб тутади ва мерганга қарата икки марта шундай дейди:

*Во лолвол, во лолвол,
Во лолвол, во лолвол,
Эшвойникида ҳилол бор,
Эшвойникида ҳилол бор.*

Буни эшитган мерганнинг жаҳли чиқади ва қўш ҳайдашни таққа тўхтатади. Ўзини ҳақоратлагани учун Тошвойни майда-лаб ташлагиси келади. «Синглимни кўшиққа қўшиб мени поймол қилди, кўзига кўрсатаман», деб ғазаб отига минади. Лекин ўзини босиб уйига жўнайди. Тошвой ҳам қилиб қўйган ишидан пушаймон бўлиб уйига қайтади.

Эшвой уйига боргач, синглиси офтобани олиб чиқади. Эшвойнинг хотини сочиқ келтиради ва қайнсинглисидан оф-

тобани олиб эрининг қўлига сув қуяди. Эшвой хотинига қараб: «Онамни чақир», дейди. Она келади. Мерган онасига бўлган воқеани айтиб беради. Она ҳам Тошвойнинг ишидан қаттиқ хафа бўлади.

Сал тинчлангандан сўнг, мерган тўнини кийиб, синглиси ва хотинига сумалакка бормасликни тайинлайди. Ўзи онасини олиб, беш уй нарида бўлаётган сумалакка боради. Сумалак пиширилаётган ўчоқнинг бир томонида оқсоқоллар, бир томонида аёллар, яна бир томонида болалар ўтиришган эди.

Хавотирланган Тошвой ҳам сумалакка етиб келади. Шундан сўнг Эшвой мерган Тошвойнинг онасига қарата:

*Ассалом дейман, эй, хола-хола,
Сумалак муборак, эй, хола-хола.*

*Қўшинилар аҳилу доно бўлсин,
Экин-тикинлар расо бўлсин.*

*Сумалак баҳона келинг меҳмона,
Бу эскидан қолган асл рисола.*

*Машаққатда пиширилар сумалак,
Нонга суртилиб ейилар сумалак.*

*Сумалак ейишга чақирай сизни,
Қўлига узалманг ул нозли қизни.*

*Ҳа, сахий бўлинг, эй, хола-хола,
Сахийликдан сизга мисра ҳавола.*

*Сахийлик дўппидек бошдан жой олур,
Бахиллик ковушдек оёқда қолур.*

*Ёз кўнгилни қишдек қилур совуқ сўз,
Тош кўнгилни эртади илиқ сўз.*

Бу билан Эшвой мерган онасини танқид қилаётган эди. Шундай қилиб, бадаш одамларни бир-бирига хушмуомала бўлишга, кечиримлиликка чақиради, сумалак қўйилган вақтда аразлашиш яхши эмаслигини кўрсатади. Бу билан Эшвой, она-наси гарчи синглисини қўшиққа қўшиб мазах қилган бўлса-да, уни кечирганлигини, уйига меҳмон бўлиб келиши мумкинли-

гини, тул қолган синглиси уларга сумалак берса ҳам, уялмаслигини англамоқчи бўлади.

Ошнасининг сўзларини эшитиб турган Тошвой хатоликка йўл қўйганини тушуниб, жуда хижолат тортади. Шунда мерганнинг онаси Тошвойга қарата дейди:

*Ана, тоғда бир арча,
Менинг болам бойвачча,
Шикор бориб келибди,
Ажойиб иш қилибди.*

*Ана тоғлар камани,
Юлдузларнинг санамни,
Мунча ҳам соғинтирди,
Тезроқ келмай бемаъни.*

Бу ерда она фарзандига бўлган меҳри баён этилган. Она ўз ўғлини таъриф тавсиф қилиш баробарида, унга қарата: «Қутурган арслонни ўлдириш билан бутун қавмни қутқариб қолган қаҳрамон ўғлимни ҳақорат қилишга қандай журъат этдинг?» демоқчи бўлади. Бу сўзлардан сўнг тавбасига таянган Тошвой ошнасининг оёғи олдида тиз чўкиб кечирим сўрайди. «Кечирасизлар, қўш ҳайдаб ҳазиллашиб ашула айтган эдим, ошнамнинг кўнглига тегишини билмадим», деб ялинади. Сумалак атрофида йиғилиб турган овул улуғлари: «Майли, кечиринг, йигитчилик-да», деб икки ошнани кучоқлатиб яраштиришади. Хуллас, бадаш сўзлари «таёқлашманг, пичоқлашманг, ҳар қандай низони яхши сўз билан ҳал қилинг, аҳил ва меҳрибон бўлинг, гина-қудурат қилмай, узрли бўлинг, кечирим сўранг» деган маъноларни англашга ундайди!

Бошловчи катта бадаш тарихини айтиб бўлиши билан доирачилар айлана шаклда ерга ўтириб олишади ва доираларини маълум «нота» асосида чалишади.

Оҳанги:

*Биж-биж сува биждиби,
Биж-биж сува биждиби.
Биж бошува биждиби,
Биж бошува биждиби.
Биж бовсу бабовсу, биж бовсу бабовсу,
Биж бовсу бабовсу.
Биждом бовсу бабовсу,
Бабовсу биждиби, ва биждиби.*

ДЕҲҚОНЧИЛИК БАДАШЛАРИ

Кўш ҳайдаш бадаши – Наврўз ва ҳосил байрамларида айтилади. У халқни ўз вақтида экин-тикин қилишга чорлаш вазифасини бажарган. У Бадашнинг энг қадимги тури ҳисобланади.

Тоғли халқ ер ҳайдашдан олдин турли маросимларни ўтказишган. Хусусан, ҳар йили бир марта – эрта баҳорда аҳоли томонидан дарвешона ўтказилган. Дарвешона – Оллоҳ йўлида қилинадиган садақа. Дарвешонани ўтказиш учун одамлардан пул йиғилган. Бадавлат кишилар кўй берганлар. Тегирмонда бугдой тортиб, ёрма қилиб қайнатишган. Кўй сўйиб, думбасига гўштни қовуришган. Ҳар бир одамга бир косадан ёрма, косанинг ичига пиширилган гўшт солиб беришган. Одамлар «дарвешона – тишга даво» деб, овқатни ейишган. Дарвешонада мулла келиб дуо қилиб, Оллоҳдан йил яхши келишини, аҳолини турли хил офатлардан сақлашини сўраган.

Деҳқончиликка офат келганда бир мулла ва 10–15 одам бир жойга тўпланиб, Оллоҳ йўлига садақа чиқаришган.

Бундан ташқари, деҳқонлар ерни экинга тайёрлаб, уруғни ивитиб, уни қадашдан бир кун олдин Бободехқон маросимини ўтказганлар. Бунда қон чиқариб (имкониятига қараб, товукдан тортиб қўйгача), Оллоҳ йўлига садақа қилганлар.

Нақл қилишларича, Бободехқон Оллоҳдан «менга ақл, куч-қувват бер, деҳқончилик қилай, элим униб-ўссин, яхши яшасин», деб нола қилган экан. Шу боис деҳқончилик Бободехқон иши ҳисобланади.

Бундан ташқари, боғбонларнинг пири сифатида ҳазрати Нух алайҳиссалом, сувчиларнинг ҳомийси сифатида эса, ҳазрати Сулаймон алайҳиссалом шахси муқаддаслаштирилган. Ҳазрати Нух алайҳиссалом тўфондан кейин ерга биринчи бўлиб новдани қадаганлиги учун боғбонлар пири сифатида улуғланган.

Деҳқончиликнинг об-ҳаво билан чамбарчас боғлиқлиги аҳоли ўртасида табиат кучлари билан алоқадор турли удумларни юзага келтирди. Одатда 20 февралдан 21 мартгача ҳисобли кунлар келган. Унинг дастлабки 15 куни хут дейилади. Хутдан кейин Ажужмомо кириб у 6 кун давом этади. Баъзан 7 кун давом этиши ҳам мумкин. Халқ ўртасида тарқалган нақлда шундай дейилади:

*Ажумомо олти кун,
Қаҳрига олса етти кун.*

Халқ мифологиясига кўра, Ажумомо бир пари бўлиб, қишнинг эгаси ҳисобланади. Айтишларича, бир вақтлар Ажумомо одамларни муқаррар бир ўлимдан сақлаб қолган, кейинроқ уларни яхшиликка етаклаган экан. Агар қаҳри келса, одамлар ва молни музлатиб қўйган. Шу сабаб аҳоли совуқ урмаслиги учун садақа чиқариб туришган.

Ажумомодан сўнг Ахман ва Дахман киради. Улар 3 кундан иборат бўлади. Ахман ва Дахман тугаши билан Обираҳмат киради. У ҳам 3 кундан иборатдир. Сўнгра Қурбонраҳмат бошланиб у 2 кун давом этади. Охирида Наҳфи Наврўз бошланиб у 1 кун бўлади ва шу билан қиш ҳам тугайди.


Об-ҳаво айнийверса, ҳамма илоҳо ёмғир кўп бўлсин, буғдой, экинларимиз яхши бўлсин, офат бўлмасин деб дуо қилишган. Ҳар йили икки-уч марта об-ҳаво учун одамлар йиғилишиб садақа чиқаришган.

Йил қурғоқчил келган вақтларда «Сув султон хотин» маросими ўтказилган. Унинг иккинчи номи «Суз хотин»дир. Бошқа жойларда у «Суст хотин» дейилади. Чиннихол момо Сафарованинг (1926–2000) хотирлашича, 1936 йилда кучли қурғоқчилик содир бўлади. Ёмғир ёғмайди. Экинлар қурий бошлайди. Шунда одамлар сув чакириш маросимини бажаришга киришадилар.

Ҳомиладор аёлга кийим кийдирилиб, рўмолини бошига ўраганлар. Кейин бу кийимлар ва рўмол ечиб олинган. Аёл бошқа кийимларини кийиб олади. Сўнгра 2 метр узунликдаги чўпнинг учидан сал пастроқда кичикроқ чўп бўлагини кўндалангига боғлаб тулум (кўғирчоқ) ясаганлар. Кўғирчоққа ҳалиги аёлнинг кийим-бошини кийдирганлар. Ўша ҳомиладор аёл кўғирчоқ тахтани кўтарган. Унинг изидан бир тўда хотинлар юриб қуйидаги қўшиқни айтишган:

*Сув султон хотин, керагаси майдон хотин,
Оққина кўзим жилайди, жавлон ўти тилайди,
Жавлон ўти бўлмаса, ёмғир суви тилайди.
Ёмғир ёғсин, кўл бўлсин, арпа-буғдой мўл бўлсин,
Арпа-буғдой мўл бўлиб, омборлар донга тўлсин.*

Деярли ҳамма уйларга ҳомиладор аёл бошқа хотинлар кузатувида юриб, шу маросимни бажарган. Барча хонадон эгалари аввал юқоридаги қўшиқни айтиб кейин тулумга сув сепишган. Ушбу воқеанинг гувоҳи бўлган Чиннихол момонинг айтишича, шу маросим ўтганидан сўнг эртасига ёмғир ёққан. Бу маросимни бажараётган кишиларнинг иймони пок ва ёмғир ёғишига чин дилдан ишонишлари зарур.



Адолат Кўнғиротованинг
мактаб даври



Адолат Кўнғиротова
«Бадаш» фольклор ансамбли асосчиси

Музработлик Оллоқул бобо Курбоновнинг (1928 йилда туғилган) айтишича, бу маросимда тулум (кўғирчоқ)ни уйнинг манглайига, яъни эшик устига қўйганлар. Унга сув сепишган-да, кейин тўп бўлиб юқоридаги ашулани айтганлар. Ушбу маросимни ўтказишнинг бошқа тури ҳам бўлган. У «Суз хотин» дейилади. Катта ёғочдан кўғирчоқ хотин ясашган. Сўнгра маросимни ўтказувчи киши овулдошлари билан бирга садақа чиқарган. Садақага хўроз сўйилган. Негаки, хўроз қўй ўрнида ўтади деб ўйлашган. Жўжа хўроз эмас, қичкирган хўроз сўйилган. Сўнгра уй эгаси ўчоқнинг бошига ният қилиб кўғирчоқ белини ерга тикиб қўяди. Ўчоқдан чиқаётган тутун яқин келмаслиги учун кўғирчоқни қозондан 1–2 метр нари қўйиш лозим эди. Овқат пишиб, дастурхонга тортилган вақтда кўғирчоқ дастурхон бошига олиб келинган. Овқатланиб дуо қилиш-

гач, ҳалиги қўғирчоқни олиб ўйнатишган, айланиб маросим қўшиғини куйлаганлар:

*Суз хотин сузма хотин,
Кўланкаси майдон хотин,
Ёмғир ёғдир қўл бўлсин,
Арпа бугдой мўл бўлсин.
Арпа-бугдой мўл бўлиб,
Омборлар донга тўлсин.*



Адолат Қўнғиротова Ангор тумани маданият бўлимининг бошлиғи



Бадашчи Адолат момо



Адолат Кўнғиротова ўғли, келини ва невараси билан

Маросим тугагач, кўғирчоқни махсус қурилган кичик уйга-ча киритиб қўйишган. Одатда, сув чақириш маросими февралдан то апрелга қадар ўтказилган. Маросим ўтиши билан ёмғир ёға бошлагач, деҳқонлар ер ҳайдаб, бугдой экаётганида бир қўлида уруғлик, бир қўлида ўша кўғирчоқ бўлган. Ерга уруғ сепаётган вақтда куйидаги қўшиқни куйлашган:

*Экин бўлиб экилгин,
Майса бўлиб кўкаргин,
Бугдой бўлиб ўрилгин,
Бошоқ бўлиб терилгин,
Хирмон бўлиб йиғилгин,
Нонлар бўлиб ёпилгин,
Овқат бўлиб ейилгин.*

Маҳмуд Сатторнинг ёзишича, қурғоқчилик қаҳатчиликни келтириб чиқаришини яхши билган аждодлар турли курбонликлар қилиб, қон чиқариб Яратгандан мадад сўраганлар. Бу ишларнинг бўлишида одамларнинг гуноҳлари кўпайиб кетгани, ношукурлик, Оллоҳни унутиш сабаб деб билишган. Ёмонларни қарғашган:

*Ҳосиллар мўл бўлсин, суст хотин,
Деҳқоннинг уйи тўлсин, суст хотин,*

*Ёмғирларни ёғдиргин, суст хотин,
Ёмоннинг уйи кўйсин, суст хотин...*



Адолат Кўнғиротованинг невараси Хуснора Шухратова
«Бадаш» усулининг давомчиси

Бадаш санъатининг энг етук билимдони бўлган Рўзикул кизи Турсуной (1890–1970) момонинг маълумотига кўра, кўғирчоқ билан «Суз хотин» маросимини ўтказиш бадаш билан бир вақтда пайдо бўлган. Йигит ва кизлар чўпга кийим кийдириб, унга суз хотин деб ном қўйишган. Биринчи марта «Сувда сузиб юр» қўшиғини айтишган.

Ёмғир чақириниш маросими туркий халқларга хос удум бўлиб, бу ҳақда XI аср мутафаккири Махмуд Кошғарий ҳам эслатиб ўтган эди. Унинг ёзишича, «jat – ёмғир, шамол ва бошқаларни талаб қилиш учун махсус тошлар (яда тошлар) билан фол очиш одатидир. Бу одат улар орасида кенг тарқалгандир. Мен бунини яғмолар шаҳрида ўз кўзим билан кўрдим. У ерда пайдо бўлган бир ёнғинни сўндириш учун шундай фол қилинган эди, худонинг амри билан ёзда қор ёғди. Кўз ўнгимда ёнғинни сўндирди».

Алишер Навоийда бу сўз яда тоши шаклида учрайди:

*Яда тошига қон етгач, ёгин чиққандин эй соқий
Ёғар ёмғурдек ашким чун бўлур лаълинг шароб олуд.*

Кўринадик, ёмғир чақириш маросими жуда қадимий. У ҳақда улуғ алломаларимиз ҳам хабар беришган. Фақат кўчманчи туркий халқлар яда тошини ишлатишган бўлса, ўтрок туркий халқлар «Суз хотин» («Суст хотин», «Сув султон хотин») маросимини ўтказишган. Нима учун кўғирчоқда айнан аёл образи берилган? Сабаби, қадимги туркий халқларда аёл муқаддас, улуғлик ҳамда барака рамзи ҳисобланган. Шу билан бирга, «Суз хотин» маросими кўп жиҳатдан қадимги бактрияликларнинг диний эътиқодлари билан боғлиқ бўлган. Хусусан, улуғ аждодимиз Абу Райҳон Бериунийнинг айтишича, хоразмликларда вахшангам деган байрам бўлган Вахш – сувлар, хусусан, Жайхун устидан назорат қилиш учун қўйилган фаришта номидир. Археологик маълумотларга кўра, кушон тангаларида Ардохшо маъбудасининг тасвири туширилган. Ардохшонинг маъноси «Охшо руҳи» бўлиб, тадқиқотчилар томонидан Вахш сўзига тўғри келиши аниқланган. Қадимги бактрияликлар Охшо (Оахшо) худосига атаб ибодатхона (Тожикистондаги Тахти Сангин) ҳам қурганлар. Археолог Т. Аннаевнинг тадқиқотлари натижасида Термиз яқинида жойлашган Таллитоғора тепалиги мил ав. минг йилликда сув худосига бағишлаб қурилган иншоот эканлиги аниқланди. Оахшо/оҳшо қадимги туркийча «ўкуз» сўзи билан боғлиқ бўлиб «сув» деган тушунчани англатади. Куп худолилик даврида бу атама «сув худоси» деган маънони билдирган.

Юқоридагилардан келиб чиқиладиган бўлса, «Суз хотин» маросими аслида қадимги диний эътиқодлар билан боғлиқ бўлиб, кўп асрлар давомида халқимиз маънавиятининг ажралмас қисми бўлиб келган. Ҳатто ислом дини тарқалган даврда ҳам бу маросим унутилмаган. У замонасига мослашиб, бошқа кўринишда бизнинг давримизга қадар етиб келган.

«Суз хотин» маросими бошқа тарихий ҳақиқатни ҳам очиб беради. Яъни, Сурхон воҳасида кўғирчоқ театрининг илк илдизлари бевосита ушбу маросим билан боғланади. Бемалол айтишимиз мумкинки, «Суз хотин» маросими орқали ўлкамизда қадимги кўғирчоқ театри шакллана бошлаган. Фақат бу ҳозирги кўғирчоқ театри эмас, балки анъанавий театрлаштирилган халқ маросими эди. Агар XIX асрда Фарғона водийси ва Тошкент воҳасида анъанавий халқ театрларининг бош қаҳрамони «Қачал полвон» образи турган бўлса, Сурхон воҳасида «Суз хотин» образи бўлган.

Яна бевосита мавзумизга қайтамыз. Қўш ҳайдаш бадашининг асосий қахрамони қўшчи йигитдир. Қўшчи йигит бошига қалпоқ, оёғига мўкки кийган, устига тик (чит)дан тикилган желак ва иштон, белига белқарс боғлаган. У омончи хўкизнинг бўйнига маҳкам бойлайди, узун хивични олиб «чу, жонивор!» дейди ва қуйидаги қўшиқни қуйлайди:

*Қўш ҳайдагин йўл билан,
Бел боғлагин қўл билан,
Катта тошлар ағдариб,
Чақил¹ томон ташланиб,
Қўш ҳайда қўшиқ айтиб,
Ўроқни қўшиб айтиб,
Чақир йигит-қизларни,
Олсин бошоқни териб.*

Қўшчи йигитнинг чорлови билан ёш йигит ва қизлар барчаси далага келишади. Адирларда кун иссиқ эди. Қўй терисидан тикилган меш сувга тўла. Мешнинг оғзи маҳкам боғланган, усти қалин гилам билан ёпилган. Ўроқ ўрган халқ мешдаги сувни тол косага қуйиб ичар эди. Йигит-қизлар бошоқ териб чанқадилар. Меш олдига сув ичиш учун келдилар. Йигитлар қизларга тол косага сув бериб, яна бошоқ теришда давом этдилар. Бошоқ териш вақтида ёшлар хушчакчаклик қилишади, айрим йигит-қизлар ўртасида бир-бирларига нисбатан севги-муҳаббат пайдо бўлади. Халқ шевасида севги-муҳаббат, ошиқ-маъшуклик дейилганда кўпроқ мойил сўзи ишлатилган. Қизлардан бири бошоқ тераётган бир баҳодир йигитга мойил бўлиб, унга эҳтиётгина хат ёзади ва бир дугонаси орқали уни йигитга юборади. Хатда шундай сўзлар битилган эди:

*Бошоқ териб сиз томонга қараб қолдим,
Бошоқларим маржон-маржон тизилиб.
Дилингизда нима экан, сўраб қолдим,
Кўнглим кетди сиз томонга эзилиб.*

*Ул баҳодир қарармикан мен томон,
Мойил бўлиб юрармикан мен томон.
Мойил бўлиб келармикан мен томон.
Қалбим кетди сиз томонга эзилиб.*

¹ Чақил – тош.

Ўз навбатида, йигит ҳам қизга мойил бўлган, аммо севгисини қандай изҳор этишни билмай юрган эди. Йигит қизга қарата шундай дейди:

*Саломнома ёзибсиз,
Эй, соҳиби жамолим!
Юрагимни ёндириб,
Ҳаловатим йўқотдим.
Ким эдингиз ўзингиз?*

*Ҳаловат йўқдир менга,
Токи сизни кўргунча.
Юзингизга бир қараб,
Тўйиб кўриб олгунча.
Ким эдингиз ўзингиз?*

*Юрагимга ўт солиб
Дўстларимни кулдириб,
Томоша қилдингизму?
Гўзалим, айтинг менга,
Ким эдингиз ўзингиз?
Бошоқ териб сизни кўриб,
Тол косада сувни бериб,
Сизни ўйлаб кетди хаёл.
Ойжамолим, юлдузим,
Ким эдингиз ўзингиз?*

*Кўйдирдингиз ўтда ёқиб,
Мендай фақир ошиқни.
Жисми гул юзли жоним,
Гўзал юзли жононим,
Ким эдингиз ўзингиз?*

*Қадду қомат, бўйингиз
Эс-ҳушимдан айирди.
Юрагимни ёндирган,
Ойбарчиним, айтингиз,
Ким эдингиз ўзингиз?*

*Адирлардан кўйиб-чанқаб келганимда
Олтин ойдай кўринасиз кўзларимга,
Ихтиёрим олган нозик жамолим,*

*Ким эдингиз ўзингиз
Қараб қолди кўзларингиз,
Қадди қомат бўйларингиз.
Эй, парижон, айтингиз,
Ким эдингиз ўзингиз?*

Мазкур бадаш ота-оналарни фарзандларининг катга бўлиб қолган ҳақида огоҳлантиради, ёшлар оила қуриш учун мазкур йилда яхши меҳнат қилишлари ва кўпроқ ҳосил олишлари лозимлигини эслагани.

Кўш ҳайдаш бадашининг оҳанги:

*Бор бам бам бор ба биж,
Бор бам бам бор ба биж,
Иж бор бамбам биж,
бор биж вамбам биж,
Бомбом биж, вамбам биж,
бомбом биж, вамбам биж.*

Мазкур бадашнинг оҳанги ҳўкизнинг юришига мўлжаллаб тузилган.

Эслатма: доира бадашининг барча оҳанглари доирачилар томонидан ичида айтилади ва доиранинг урилишига қараб такрорланади.

*Ёмғир ёғиб кўл бўлди,
Арпа-бугдой кўп бўлди,
Йиғим-терим жой бўлди,
Қатиқ-сутлар мўл бўлди.
Тандир нонлар кўп бўлди,
Деҳқончилик жой бўлиб,
Кўнгишлар ором олди.
Чорвадору деҳқонлар,
Ўтиринг, ҳамдамлашинг,
Паҳлавон ва чавандозлар,
Ўинанглар кулишинглар.
Созларингни созланглар,
Дўмбирани чалинглар.*

НОН ЁПИШ БАДАШИ

Бадашнинг асосий турларидан бири. Унинг бош вазифаси бугдойни вақтида экиб уни ўриш, оғир вақтларда эса йўлини топиб, ҳатто тоғнинг тепасига чиқиб бўлса ҳам ғалла экишни ўргатади. Келажак авлодга нон ёпишни энг керакли касб деб, уни асраб-авайлашга чақиради.

Нон ёпиш бадашининг вужудга келиши ҳақидаги ривоятда айтилишича, ўтмишда Самарқанд, Қашқадарё, Бойсун ва Ҳисор томонларда кучли курғоқчилик содир бўлади. Халқ оч қолади. Бўрилар тоғлардан тушиб одамлар ва чорвага ҳужум қила бошлайди. Шунда хатаклик ишбилармон кишилар тоғ устида ғалла экишни таклиф этишади. Уруғ оқсоқоллари умумхалқ ҳашарини ўтказиш учун ҳар бир оилага муайян миқдорда ит, эшак, сигир қўй ва эчки беришини буюришади.

Керакли бўлган уй ҳайвонлари тўплангач, тоғларда ўсадиган тактак ўсимлигидан арқон, сигирнинг терисини қирқиб ип қилишган, эчки терисидан меш тайёрлашган. Ҳар сойда 10 тадан кудук қазилган. Челак вазифасини меш ўтаган. Ҳўкизнинг терисидан қилинган ип билан мешни боғлашиб кудукдан сув олишган. Кудук суви билан боғларни сувлашган, сув тўла мешларни эшакларга ортиб, тоғ ва адирдаги ҳашарчиларга етказиб туришган.

Одамлар ғалла экиш мумкин бўлган жойлардаги буталарни қирқиб, ерни йирикроқ тошлардан тозалашган. Бўрилар ҳужум қилганда итлар ёрдамида уларни қувиб юборишган. Қобонлар ёки бўрилар галаси келган вақтда ҳашак ёки қирқилган буталарни ёкиб бўриларга қараб отишган. Ўлган бўриларнинг терисини шилиб олиб пишитишган. 10 кун давомида толга тортиб боғлаб қўйишган.

Умумхалқ ҳашари бошланган вақтда эркагу аёлнинг бариси тоққа жўнаб кетишган. Овулда фақат қариялар ва ёш болалар қолишади. Кекса бобо ўчоқ олдида чордана қуриб ўтирган ҳолда бир ёшлик ўғил неварасини кучоғига ўтказиб алла айтмоқда бўлади:

БОБО АЛЛАСИ¹

*Хуё хуй, косада сув,
Косани суви билан мўшони юв.
Хуё хуй. Талқон туй,
Талқонни қалқон билан ур.
Талқон ширин бўлсин десанг,
Косани юв.
Хуё хуй, тойчоқ болам,
Мени қувончим.
Юрак бағрим, жони дилим.
Хуё хуй, тоғу тошдан, дарёлардан
Сенга оқиб келсин, куч-қуввати.
Хуё хуй. Полвондай бўлиб, юриб кетгин,
Юрт орини олгин, жоним болам.
Хуё хуй, Хўжанқоннинг чақмоқлари,
Тўлиб-тошган дарёлари,
Сувларини лойқалатиб
Чайқалиб келаверсин,
Болажоним сувга чиқиб,
Чайқалаверсин, хуё хуй.
Тоғ бағридан, зов қаҳридек
Хайқириб келган арслондайин
Юртинга эга бўлгин, жоним болам, хуё хуй,
Тоғу тошнинг, еру кўкнинг
Эгаси бўлгин жоним болам.
Юртинг мулкин, қўриқлагин, хуё хуй.*

Бу вақтда одамлар тоғни бўри ва қобонлардан тозалашгач, ерни хўкиз ёрдамида хайдашган. Уруғлик ғаллани хуржунларга солиб эшакларга ортишган ва тоғнинг устига олиб бориб хайдалган ерга экишган. Буғдой пишгунига қадар оч қолмаслик учун тактак ўсимлигини еб туришган. Ғалла пишганидан кейин уни ўриб, хўкизларга ортиб овулга олиб келишган. Ғалагов қилиб буғдойни сомондан ажратиб олишган. Шу тариқа, машаққатли меҳнат эвазига халқ муқаррар очликдан қутулиб қолади.

¹ Онанинг боласига айтадиган кўшиғи алла дейилса, бобонинг неварасига айтадиган алласи хуё-хуй деб аталади. Эндиликда кўшиқнинг бу тури деярли унутилган.

Аҳоли нон ёпар экан, куйидаги қўшиқни куйлаганлар:

*Адирларга буғдой экдим эгилиб,
Буғдой тишиди маржондайин сочилиб,
Ўриб олдим кўнгилгинам очилиб
Тегирмондан ўтказдим, ишим соз бўлиб,
Белин боғлаб, қўш ҳайдаган йигитлар,
Раҳмат сизга, кўп барака топинглар.
Тандирларда нон ёпган онажонлар,
Сизни дуо айлар, азиз деҳқонлар.*

Худуд аҳолисининг ютуғини эшитиб, қурғоқчиликдан азият чеккан бошқа юрт аҳолиси уларнинг иш тажрибасини ўрганмоқчи бўлишади. Аввалига қабул қилишларини сўраб хат йўллашади. Хатга ижобий жавоб келгач, бир гуруҳ кишилар йўлга чиқишади. Қишлоқ аҳли уларни кучоқ очиб шундай дейишади:

*Ассалому алайкум, азиз меҳмон,
Бошимиз кўкга етди, азиз меҳмон.
Икки қўлимиз кўксимизга
Ҳуш келибсиз, азиз меҳмон.*

Меҳмонлар ҳам, ўз навбатида, шундай дейишади:

*Тоғу чўққилардан ошиб ўтиб,
Манзилимиз ошиқдик.
Чаималардан чиққан сувдан
Баҳраманд бўлиб келдик.
Ҳосилингизни кўриб
Ҳайрон қолди маҳаллам.
Шу сабабдан, қардошлар,
Табрик учун сизга келдик.
Сизни излаб чин юракдан,
Тоғу тошлардан ўтдик.
Шу баҳодирлар бормикин,
Омонмикин ишқилиб.
Юрагимиз гуп-гуп урар,
Сизни тезроқ кўриш учун
Бир-биримиздан сўрадик,
Бизни ўзи кутганмикан?*

*Очиқ чехра билан юзланиб
Келинлар деб айтармикин?
Қучоқ очиб бизларни
Меҳр билан кутармикин?*

*Сизни сўраб йўл юрдик.
Йўл юрсак ҳам мўл юрдик.
Сиз учун тандирлардан,
Иссиқ нонлар ёпиб олдик.*

*Оллоҳимдан сиз учун
Узоқ умр сўраб келдик.
Қани энди арслондайин
Қучоқ очиб кўришайлик.*

Шундай қилиб, қишлоқ аҳли меҳмонларни иззат-хурмат билан кутиб оладилар. Уларнинг шарафига катта зиёфат уюштирадилар. Эртаси куни меҳмонлар уларнинг ишларини ўрганиш учун адирларга чиқиб кетадилар. Қишлоқ аҳлининг ютуғини ўрганган меҳмонлар хурсанд бўлиб, улар билан дўстлашиб уйларига қайтадилар.

Бадаш нима демоқчи? Бутун халқ бир бўлиб меҳнат қилса, дўстлашса, катта кучга эга бўлади. Элимизни бир бўлиб яшашларига чақиради.

Халқимизда меҳмондорчилик ва нон билан боғлиқ кўпгина мақоллар, ҳикматлар сақланиб қолган. Хусусан, қадимий нақлларнинг бирида шундай дейилади:

*Иккита нон, битта кулча.
Нонни ушатма, тасбеҳдан қолар.
Кулчага тегма, у боланики.*

Маъноси: иккита нон ва кулча бу бир оила, яъни икки нон – бу ота ва она, кулча – уларнинг боласи. Нонни ушатма дегани ота-онасига тегинма, тасбеҳдан қолар дегани улар нобуд бўлишса, болалари етим қолади, дуоғўйи бўлмиш ота-онасидан маҳрум бўлади, боланинг келажаги хавф остида қолади. Кулчага тегма, у боланики деганда биз келажагимиз бўлган болаларни тушунишимиз лозим. Кулча, яъни бола ўз ота-онасини маҳкам ушлаб туради. Ота-онани боғлаб турадиган ҳам бола эканлиги ушбу нақлда ўз ифодасини топган. Умуман олганда,

нақл оиланинг муқаддаслигини кўрсатади, унинг мукаммаллигидан сўзлайди.

Нон ёпиш бадашининг оҳанги:

*Бижда бада бижда бада,
Бижда бада бижда бада.
Бовру бада бовру бада,
Бовру бада бовру бада.
Бовру бадам бовру бада,
Бовру бадам бовру бада.
Бовру бадам бовру бада,
Бовру бадам бовру бада.
Бовру бадам бовру бада,
Бовру бадам бовру бада,
Бовру бадам бовру бада,
Бовру бадам бовру бада.*

ҲУНАРМАНДЧИЛИК БАДАШЛАРИ

Темирчи бадашининг асосий вазифаси – қадимдан етиб келатган темирчилик касбини ўргатиш, уни келажак авлодларга етказишдан иборатдир. Қадимдан Кўхитанг тоғи марказидаги қишлоқларда аҳоли темир, чўян эритиш билан шуғулланган, археологик топилмалар ҳам бундан далолат беради.

Г.А. Пугаченкова ва Э.В. Ртвеладзеларнинг таъкидлашича, X–XII асрларда Шимолий Бактрия–Тохаристонда учта: Боботоғ, Бойсунтоғ ва Кўхитангтоғ тоғ-саноат ҳудудлари мавжуд бўлган. Кўхитанг тоғ-саноат комплексига Чўянкон (темир, мис, полиметалл), Хомкон (туз), Пошхурд (туз, темир) кирган. Кўхитангдаги Чўянбулоқ I ва II да иккита шлак майдони топилган¹.

Юқоридагилардан ташқари, Хўжанкон қишлоғининг ғарибида Чўянтумшук деб аталувчи қадимги чўян эритадиган камб бўлган. Унинг ён-атрофида жуда кўп микдорда шлак қолдиқларини учратиш мумкин. Чўянтумшук камбиси Кўхитанг тоғи жанубий этакларидаги камбларнинг энг йириги бўлган. Ана

¹ Турсунов С., Умаров И., Пардаев Т. ва бошқалар. Ўзбекистонда топонимик номлар ва уларнинг тарихи. «Сурхоннашр» нашриёти, 2017, 75-бет.

шундай камблар Зараутсойда (6 та), Боғлидарада (4 та), Танги-девонда (3 та) ва Кўлватдарада (1 та) учрайди.

Бундай камблар, одатда, таркибида темир моддаси кўп тошлар ва ёқилги (ўтин) мўл бўлган жойда қурилган. Хўжанқонда темирли тошлар ва арча кўп эди. Ҳозир ҳам таркибида 55–80% темир моддаси бўлган қўнғир темир тошлар бу ҳудудларда кўп учрайди. Печкага тошлар теварак-атрофдан юмалатиб келинган. Ўтин ҳам шу ерда жамғарилган. Ривоятга кўра, тош тўпловчилар, арча кесувчилар, камб усталари алоҳида-алоҳида гуруҳдан иборат бўлишган. Ҳар қайси гуруҳ ўз ишини бажарган. Камбга хомашё қуйидагича жойлаштирилган: Тагидан ёғ шимдирилган қовзоқ (арчанинг қуритилган пўстлоғи) ва бир неча қават ўтин, сўнгра устма-уст тош, ўтин, тош, ўтин қилиб тўлдирилган. Усти лой билан сувалган. Пастки (таг) томонидан ташқарига қараб тешик ўйилган. Тешикка лойдан ясалган конуссимон найча-кувур ўрнатилган. Кувур ичидан ёғ шимдирилган, арча пўстлоғидан ёки зиғир толасидан тайёрланган пилта (пилик) ўтказилган. Камбга пилта орқали олов ёқилган. Камб ички ёниш қондасига асосан ишлаган. Юқори ҳарорат (1300–1500°C) туфайли тош таркибидаги темир эриб, конуснай-кувур орқали ташқарига оқиб чиққан ва махсус қолипларга қуйилган. Совиганидан сўнг қолипдан олиниб, хомашё ҳолида керакли жойларга ортиб кетилган.

П.М. Князевнинг таъкидлашича, Кўҳитанг тоғи этақларида темир металлургияси ва уни ишлаш тараққий этган эди¹. Эриган чўян махсус усул билан ҳосил қилинган юмшоқ темир соплло (конус найча – эриган металлни окизиб чиқарадиган қувур) орқали оқиб чиққан.

Б.Х. Кармишеванинг қайд этишича, Хатак гуруҳига кирувчи қишлоқлар аҳолиси деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишдан ташқари руда қазииш, арча кўмирида чўян эритиш, чўяндан омоч тиши (плуг) қуйиш, кўмир тайёрлаш ва уни сотиш, сув тегирмонлари қуриш билан ҳам шуғулланишган.

Яна мавзуга қайтсак. Бадашни бошқариб турган онахон темирчи бадашнинг мақсад-вазифаси ва қондасини тушунтириб беради. Темирчи бадаш билан боғлиқ бўлган бир ривоят-

¹ *Турсунов С., Умаров И., Пардаев Т. ва бошқалар. Ўзбекистонда топонимик номлар ва уларнинг тарихи. «Сурхоннашр» нашриёти, 2017, 75-бет.*

да айтилишича, бир боланинг отаси темирга жуда муҳтож бўлиб, тоққа чиқиб кетибди. Узоқ қидириб, ниҳоят уни топибди. Темирни олиб келиб, уйда устахона очибди. Темирларни жаранглатиб урибди. Оловини ёқиб, темирдан овул аҳли учун зарур асбоб-анжом ясабди. Унинг ишидан ҳамма мамнун бўлган экан.

Ривоят тугаганидан сўнг темирчи бадашини ижро этиш бошланади. Икки аёл темирчининг ишини турли ҳаракатлар асосида кўрсатиб беришади.

Темирчи бадашнинг оҳанги:

*Бовру бодба бовру бод,
Бовру бодба бовру бод.*

*Бовру бодба бовру бод,
Бовру бодба бовру бод.*

*Бовру бовру бовру,
Бовру бовру бовру,
Бовру бовру бовру,
Бовру бодам бовру бодам,
Бовру бодам бовру бодам,
Бовру бодам бовру бодам.*

*Иждиба иждиба иждиба,
Иждиба иждиба иждиба.
Бодаба бодба бодба,
Бодба бодба бодба.*

*Бовру бовру бодба,
Бовру бовру бодба,
Бовру бовру бодба,
Бовру бовру бодба.*

УЙ ҚУРИШ БАДАШИ

Уй қуриш қадимдан қолган анъана. Аждодларимиз яшаш учун уйлар қуришган, шаҳар ва қишлоқларни обод қилишган. XIX аср охири – XX аср бошларида Кўҳитанг тоғларида яшовчи барча эллар ярим ўтроқ, ярим кўчманчи тарзида ҳаёт кечирардилар. Бундай ҳаёт то XX аср ўрталарига қадар давом этган. Аҳолининг хўжалик юритиш шакли ва ярим кўчманчи

ҳаёти доимий ва вақтинчалик турар-жойлар куришни такозо этади.

Бу турар-жойлар кўп ҳолларда маҳаллий табиий-хўжалик шароити билан боғлиқ бўлган. XIX аср охирида уларнинг ҳаммаси мавсумга қараб яшаш жойларини ўзгартириб турган. Масалан, Хатак, Боғлидара, Қалапўшқия, Бедак, Тангидевон, Зараутсой, Чоҳак, Хўжанқон, Ёриқсой ва Чинор аҳолиси бир йилда уч марта кўчарди. Баҳор ойларида катта-кичик молларни боқиш ва соғиб фойдаланиш учун яйлов (овул)ларга чиқишган.

Қачон ва қаерга кўчиш яйлов ўтларининг ҳолати билан боғлиқ эди. Чунончи, Ёриқсой аҳолиси март-апрель ойларида Еттиқўл деган жойда қора уй (ўтов) тикиб яшаган. Бу ердаги ўт қуриганда бошқа жойга кўчиб ўтишган. Хўжанқонга фақат июнь ойининг бошларига келиб жойлашишган. Негаки, июнь ойининг ўрталарида адирдаги ўт-ўланлар қовжираб қолар эди. Шу сабаб аҳоли ёзги боғ-ҳовлиларга кўчиб ўтар, чўпонлар эса чорвани ҳайдаб тоғнинг юқори қисмига, ўтлар сероб жойларга кетишарди. У ердан эса фақат октябрь ойининг охирларидагина молларни қишлоқ қўтонига ҳайдаб келишган. Хатак ва қалапўшқияликлар Катта ва Кичик лалми, Каттабулоқ, Аламли, Аллажоннинг камари, Талли яйловларига, Тангидевон, Бедак ва Зараут аҳолиси эса баҳорда ўз қишлоқлари атрофидаги яйловларга чиқишган. Ёзда ўзларига тегишли томорқа (ҳаят) ларига ўтишган. Қиш яқинлашганда қишлоққа, сой бўйида қурилган пахса уйларига қайтганлар.

Одамлар овул-овул бўлиб яшаганлар. Аҳоли ва чорвани ҳимоя қилиш учун овул текис жойда, ярим айлана шаклида барпо этилган. Овул, одатда, бир-бирига яқин қариндош оилаларнинг қора уйларидан иборат бўлиб, унда камида 6–7 та, кўпи билан 20–25 тагача қора уй бўлар эди. Овул ўртасида чорва моллари сақланган. Қора уйлар орасидаги масофа уйлар сонига қараб 50 метрдан то 60 метргача бўлган. Ҳар бир уй олдида ўчоқ, тандир, қурут қуриштиш учун махсус супачаси ҳамда тўқув дастгоҳи турган.

Булоқ ёки жилға ёнида қора уйлар ўрнатилганда бундай муайян тартиб бўлмаган. Моллар боғланадиган жой ва қўтон бироз нарироқда жойлаштирилган. Чорва моли даштда ўтлаб

юрган баҳор ва куз фаслларида ўтовларни қудуқ ёки кам сувли булоқлар ёнида кўриш мумкин эди.

Қора уйни тоғнинг тепасига тикиб, мавсумий яшаганлар ҳам бўлган. Улар чорвачилик билан машғул бўлиб, Ёриқсой, Хагак ва Калапўшқияга фақат октябрь ойида, яъни совуқ туша бошлаганидан кейин кўчиб боришган.

Қишлоқ жойи – қишлоқ 15 ёки ундан ортиқ пахса том ёки қора уйдан иборат бўлган. Турли катталиқдаги уйлар адир этагиде тартибсиз жойлашади. Қишлоқ қора уй ёнида молларни сақлаш учун, албатта, оғилхонаси бўлганлиги билан овулдан фарқланарди. Оғилхона деганда, одатда, ертўла, ярим ертўла ёки атрофи девор билан айлантирилган жойни тушунилади. Деворлари тош ёки лойдан ясалган сомонхонада чорва озукаси сақланарди. Молхона ва сомонхона кўпинча иторқа бўларди.

XX аср бошларига қадар хатак халқининг асосий турар жойи қора уй ёки ўтов эди. Қора уй қадимдан кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолининг асосий турар жой шакллари билан бири бўлиб, қачон вужудга келгани фанда ҳали маълум эмас.

Энди қора уйнинг тузилиши ҳақида сўз юритсак. Овул муайян жойга кўчиб борганида ҳар бир уй учун айлана шаклдаги жой тайёрланади. Қора уйнинг жойи текисланади, шиббалаб зичланади, тозаланади. Ёмғир суви кирмаслиги учун атрофи бироз кўтарилди. Уй қуришдан олдин юрт қаз дейдилар. Юрт – бу қора уй учун тайёрланган жойдир. Ҳар бир юртнинг ораси 10–15 метр ёки ундан кўпроқ бўлган. Юрт тайёр бўлганидан сўнг уйни тикишга киришилган.

Қора уй айлана шаклда бўлган. Асосий элементлари: суяк қисми-керага, эшик, чамбароқ, уғ, суруғ тол ёғочидан: чиглик-қамишдан: ёпадиган қисми – узук, туйнук ва туғулик қизилдан тайёрланади.

Уйнинг панжарасимон қисми керага деб аталади. Керага тайёрлашда ишлатиладиган сариқтол ёғочининг қалинлиги чўпон таёғидан бироз йўғонроқ бўлади. Ёғочи уғнинг узунлигича бўлиб, тахминан 180–200 смдир. Керага учун ишлатиладиган тол ёғочи бир ой давомида сувга ивитиб қўйилади. Бундан 20 дона ёғоч тайёрланиб, панжарасимон қилиб бир-бирига жойлаштирилади. Ёғочларнинг ҳар кесишган жойи тешилади. Тешиқдан ўтказиладиган тасманинг узунлиги 10 сантиметр бўлиб, у эчки ёки хўкиз терисидан тайёрланади. Тасма аввал

сувга солинади. Сўнгра ҳўл ҳолида тешиқдан ўтказилади. Тас-ма куриганидан кейин қотиб узилмайдиган ҳолга келади.

Керага панжарасининг тирқиши кўзанақ дейилади. Кераганинг катта-кичиклиги уй эгасининг ўзига боғлиқ. Керагани энига қараб қанча тортса, уй шунча паст бўлади. Агар керага ёғочларини бўйига қараб йиғса, баландроқ бўлади. Кераганинг утга боғланадиган қисми чунни дейилади. Бошқа ўзбек уруғларида қулоқ ёки чиноқ деб аталади. Чунни кераганинг юқори қисмидаги икки шохи туташган жойида бўлади.

Икки керагани бир-бирига бирлаштириш жараёни жаплаштириш дейилади. Жаплаштирилган жой қанот, уйнинг тўри эса, жафсар дейилади. Қанотларда қозиклар қоқилган ва керагалар жафсар иплар билан ана шу қозикларга бойланади. Жами тўртта қозик бўлган. Хатакиларда кичик уй 45–50 бошли, каттаси 60 бошли дейилган. 60 бошли қора уйни янги келин-куёвлар учун қуришган. Бундай уй, одатда, куёв уй дейилган. Имконияти етмаганлар 48 бошли уй қуришган. Бир бош деганда, чамбарқнинг битта тешиги тушунилган. С. Турсуновнинг маълумотига кўра, Сурхон воҳасининг бошқа худудларида кераганинг ҳар бир табақасида 12 тадан қулоқ бўлса, 48 бошли уй, 16 тадан қулоқ бўлса, 64 бошли уй деб аталган¹.

Эшикни қўйиш учун унинг икки томонида одам бўйи баробар қалин ёғоч қўйилади. Бу ёғоч ёндори дейилади. Эшикнинг пасти ва тепасига мўлжаллаб ёғочдан бўсаға тайёрланади. Ёндори чўплар тепа ва паст бўсағаларга тешиб ўрнатилади. Тепа бўсағада етим уғ учун тўртта тешиқ килинади. Ёндор чўпи керагага тағапча ипи ёрдамида боғланади. Тағапча ипи пахта ёки жундан тўкилиб, эни 5 сантиметр, узунлиги 2–2,5 метрча бўлади.

Бўсағада ёндори ўрнатилгач эшик қўйилади. Эшик икки хил бўлади. Бири ёғочдан қилинган икки табақали эшик. Уни икки томонга очиб-ёпиш мумкин. Иккинчиси солма эшик. Солма эшик чиғдан тўкилиб устига мато тикилади. Асосан, ёзда ишлатилади. Бу ишлар тугагач, кераганинг устки қисмидан бағиш торгилиб ёндорига маҳкам қилиб боғланади. Бағиш эни 20 см бўлиб, гулли ва терма қилиб тўкилади. Бағишни боғлашдан мақсад керагани яхшироқ ушлаб туришдир.

¹ Турсунов С.Н., Пардаев Т.Р., Махмадиёрова Н.С. Сурхондарё – этнографик макон. Тошкент, 2012, 71 бет.

Уғни (бошқа жойларда увук) тайёрлаш учун узунлиги икки метрдан ортиқ бўлган тол ёғочининг йўғон қисми дўконда эгилади. Уғнинг адоқ қисми ингичка қилиб йўнилади. Эгилган йўғон қисмининг учи тешилиб, ундан махсус тўкилган ип ўтказилади. Бу ип уғбоғи деб аталади. Уғбоғнинг эни 3–4 см, узунлиги 60–70 см бўлиб, пахта ёки жундан тўкилади ва чуннига кўшиб боғланади. Уғнинг юқори қисми чанғароққа тикилган.

Чанғароқни тайёрлаш учун одам билаги йўғонлигидаги 2,5 ёки 3 метр бўлган тол ёғочи айлана шаклида эгилади. Чанғароғнинг гирди уғ сонига қараб тешилади. Агар уй 48 бошлик бўладиган бўлса, 48 та тешик ўйилади. Бир киши чанғароқни ушлаб турган вақтда бир неча киши чамбароқ тешикларига уғни тикиб чиқишган.

Уғни чанғароққа тикиб бўлишгач, бош кўзанакка уланган уғдан бир қарич юқорида чизма деб аталган қалин ип билан бутун ўтов маҳкам айлантириб боғлаб чиқилади. Чизма кўй ёки эчки жунидан тўкилиб, қалинлиги 3 сантиметр ёки 3 бармоқ қалинлигича бўлади.

Чиглик – қиш вақтларида қора уйнинг ичига совуқ кирмаслиги учун қўйилган. У булоқ ва сой бўйларида ўсадиган чиг номли қамишдан тайёрланади. Чиг керага баландлигича кесилади. Кейин уч қатор жойи: икки томони (паст ва баланд) 20 сантиметрдан ва ўртасидан пахтадан йигирилган ип билан тўкиб тайёрланади. Шунда у бир текис ва ажралиб қолмайдиган ҳолга келади. Кигиз унинг устидан тушиб турган. Ёз вақтларида эса ҳаво кириб туриши учун чиг устидаги кигиз олиб қўйилган ва қора уйнинг эшигига солма эшик қилиб ёпилган.

Қора уйни ёпадиган қисми кигиздан қилинади. Чамбароқдан то керагагача бўлган қисми узук кигиз билан ёпилади. У икки табақали бўлади. Аввалига олди узук, сўнгра орқа узук ёпилади. Туғуллик билан кераганинг усти ёпилган. Бошқа жойларда тўрлик деб аталади. Туғуллик тўртта табақадан иборат. Ўтовнинг устидаги узук кигиз тармоғ деган каштали оқ ип билан шахмат усули бўйича тортиб белдовга боғланади. Белдов – жундан қилинган арқон бўлиб, чигнинг устидан маҳкам тортиб бўсаға ёғочига боғланади. Тармоғ билан белдовнинг қалинлиги одам панжаси катталигида бўлади. Узук кигизни маҳкам ушлаб туриш учун уйнинг ички томонидан тармоқ тор-

тилади. Унинг бир томони узукка, бошка учи уғга боғланади. Тармоқ қизил рангли ипдан тўқилиб, шахмат усулида бир-бирига қаратиб боғлаб қўйилади.

Чамбароғнинг устидан ёпиладиган кигиз туйнук дейилади. У тўртбурчак шаклда тайёрланиб, тўртта учига тўртта ип боғланади. Кун айниган вақтда тўртта ипни белдовга маҳкам тортиб боғлашади. Туйнукни узунлиги 2 метрча келадиган тол ёғоч – суруқ билан очишган. Ёмғир пайтида ташқаридан қора уйга сув кирмаслиги учун уйнинг ташқи атрофидан оралик, яъни ариқча қазилган. Қор-ёмғир вақтларида қора уйларда намлик кучли бўлганлиги туфайли ерга аввал хас, кейин устидан гилам тўшаб ўтиришган.

Қора уйнинг оширма арқонлари бўлиб, чамбароқ устидан оширилган ва икки томонига қоқилган қозикларга боғланган. Оширма арқон бўрон турганда қора уй кўзғалмаслиги учун мустаҳкамлаб қўйилган.

Уйнинг ўртасида ўчоқ бўлган. Ўчоқнинг ичи бироз қазилиб, унинг атрофига учта қоқма қоқилган. Ҳаво булут бўлса, қор-ёмғир ёққан вақтларда уйнинг ичидаги ўчоқда овқат пиширилар, чой қайнатилар, тош товада нон ёпилар эди. Ўчоқдан кул тўдалаб чиқариладиган жойи кулканак дейилади. Бу ишлар тугагач, учоқ устига сандал қўйилар эди. Сандал кўринишидан хонтахтага ўхшайди. Усти ёғоч билан қопланади. Сандалнинг устига кўрпа қўйилади. Одамларнинг оёғи куйиб қолмаслиги учун бир нечта тахта сандал оёқлари орасига қоқиб қўйилган. Хавфсизлик юзасидан сандал остидаги чўғнинг устига кул сепишган.

Овулда тандир ўрнатишнинг имконияти бўлмаганлиги сабабли, овулдошлар нон пишириш учун тоштова ишлатар эдилар. Това қора уй ўртасидаги ўчоққа, учбурчак қилиб ўрнатилган тошлар устига қўйилган, унинг остидан ўт ёқилган. Тош това маълум даражада қизигач, унинг устида нон пиширишган. Идиш-товоқ вазифасини фақат толтовоқ, толкоса ва толқошиқ ўтаган.

Қора уйнинг тўри (ғарб томони)да усталар ёғочдан йўниб юк оёқ тайёрлашган. Юк оёқнинг тўртта оёғи бўлиб, унга ёғочлар бир-бирига тешиб ўрнатилган. Камбағалларда битта, бойларда иккита юк оёқ бўлган. Юк оёқнинг тагига нозикрок, асосан синадиган идиш-товоқлар, чойнак ва пиёла турган. Устига қалин тўқилган, олди каштали, учи икки чўпдан қилинган халта-

напрамач қўйилган. Напрамач ичига ўзлари учун кимматли бўлган матолар, рўмоллар ва сочиқларини солиб қўйишган. Юк оёқнинг ёнида сандиқ турган. Агар иккита юк оёқ бўладиган бўлса, у ҳолда улар сандиқнинг икки томонида турган. Сандиқнинг устига кўрпа-ёстикларини йиғишган. Сандиқнинг ичида ҳам яхши нарсаларини, кўпроқ синадиган буюмларини сақлашган.

Уйга кираверишдаги чап томонда идиш-товоқ турган. Идиш-товоқ турган қисм идишоқ дейилади. Бу томондаги керага чунниларида туз халта, қошиқ халта илиб қўйилган. Керага ёнида сўкичак (чайла) турган. Сўкичак тол ёғочидан керага баландлигида 3 қават қилиб тайёрланади. Унинг ҳар бир қавати чихдан қилинади. Сўкичакнинг тепасида нон, дастурхон, сурпа, ўрта қаватида сут, қатиқ мой солинган идиш: тагида эса, ўчоқдан бўшаган қозон, сатил коду қўйилган.

Ўнг томондаги керагада сурук, ҳайвонлар учун керакли бўлган жиҳозлар, хуржун, юганлар турган. Қишда янги туғилган улоқлар ва қўзилар шу томонда кўгаллаб қўйилган. Кейин уларни соғлом ўстириш мақсадида, 10–15 кунлик бўлгунига қадар, махсус қовланган ўраларга курук хашак тўшалиб, ўша жойда сақланган. Эшик олдида сув солинган кўза, идиш-товоқ турган.

Ўтов билан бир қаторда ҳудуд аҳолиси пахсадан ҳам уй-жой қуришган. Аммо пахсадан уй-жой қуриш фақат 1920 йиллардан кейингина авж тус олади. Пахса уй имконият ва қобилятга қараб икки ёки уч хонали қилиб қурилган. Уй томини ёпишда аввал терак ёки арча ёғочидан тайёрланган харилар қўйилиб, устига қўндаланг васса тўшалган. Васса сифатида терак, қамиш, тол шаббалари ишлатилган. Вассани лойшувоқ қилган ҳолда томни ёпганлар.

Одамлар уйларининг бирон жойини, масалан, девор, дўкон бузишдан олдин, албатта, қон чиқаришлари керак бўлган. Бу маросимда ёши улуғ инсонлар – бобо ёки момолар бошлиқ бўлиши лозим эди. Бир улоқни сўйиб уламолар, бобо ва момоларни олиб келиб, меҳмон қилиб улардан дуо олишган. Шундай қилинса, ишим юришади деб ўйлашган. Агар қўй ёки улоққа кучи етмаса, хўроз сўйишган.

Янги уй қурилгандан кейин биринчи бўлиб ғўрчуқтоғнинг исирғини олиб келиб унга дам солишган. Сўнг уйнинг бўсағасига илиб қўйишган. Кейин бирон мол, улоқ, иложи етмагани хўроз сўйиб, албатта, қайнатма шўрва пиширар эди. Қайнатма

шўрва учун патир, кучи етганлар эса, қатпатир пиширишган. Шундан сўнг бир никоҳли, фарзанди ўлмаган, бахтли, бағри бутун, серфарзанд бобо ва момони, агар шундай инсонларни топиш иложи бўлмаса, фақат бири келган. Улар янги уйга дастлаб катта сандиқни олиб киришган. Олдинга тўғри юриб, ҳеч қаерга аланг-жаланг қилмай кириб боришган. Сандиқ хатакиларнинг энг катта бойлиги ҳисобланган. Сандиқдан кейин катта гиламни олиб кирганлар. Бу ишлар бажарилгач, иккови ташқарига чиқиб сурпани ёзади. Толдан қилинган коса билан халтадаги ундан сурпага қўяди. Биринчи косадаги унни олиб, мана бу эри, иккинчи косадаги унни мана бу хотини, сўнгра яна бир неча бор мана бу болалари, деб сурпага ун қўяди. Охирида сурпани ёпади. Дастурхонга иккита нон қўяди. Бобо билан момо сурпа билан дастурхонни уй эгасига бериб, эшикнинг оғзида туриб дуо қилишган. Шундай қилинса, оиланинг дастурхони доимо нонга тўла бўлади деб ўйлашган. Кейин бобо билан момо уй ичини бир тоғора ёки бир бел билан испанд тутатади. Одатга кўра, испандни уй эгаси киргунга қадар тутатиш керак эди. Сандиқни олиб кирмай туриб ҳам, испандни тутатиш мумкин бўлган. Испанд бор ифлосликларни ҳайдаб чиқаради деб ўйлашган. Шу тадбирлар бажарилгандан кейингина уй эгаси янги уйга кирган. Бундай маросим куёв учун қурилган янги қора уйда ҳам ўтказилган. Эски қора уйи бор одамлар бирон жойга қўчаётганда мазкур маросимни ўтказишмаган. Унинг ўрнига аёллар бибимушкул маросимини ўтказиб, ширгуручни пишириб, аёлларни чақириб меҳмон қилганлар. Ундан кейин уйини бузиб, бошқа жойга олиб бориб ўрнатишган.

Уй қуриш бадашининг оҳанги:

Биж ҳилол биж ҳилол

Биж ҳилол биж ҳилол

Биж ҳилол биж ҳилол

Биж ҳилол биж ҳилол.

Бох ҳилол бох ҳилол

Бох ҳилол бох ҳилол

Бох ҳилол бох ҳилол

Бох ҳилол бох ҳилол.

Бодом бов бодом бов

Бодом бов бодом бов

Бодом бов бодом бов.

ТЕГИРМОН БАДАШИ

Тегирмон бадашининг асосий вазифаси халқимизнинг ун билан боғлиқ маросимини ифодалашдир. Биз ўрганаётган худуд аҳолиси жуда ўткир, билимдон, ишбилармон халқ бўлган, улар тоғ бағридаги адирларда, лалмикор ерларга буғдой экиб яшаганлар. Буғдойларни ун қилиш учун тегирмонга олиб боришган.

Зараутсой, Кампиртепа қишлоқлари тегирмонтош тайёрланадиган гранит тошига бой эди. Хатак ва Тангидевон қишлоқлари учун тегирмонтошлар Зараутсойдан етказилган. Бунинг учун тош – гранит жойидан кўчирилади, биринчи ишлов берилади, ўртаси тешилади, тешиқдан ёғоч ўтказилади, кейин ёғочни арқон-ип билан хўкиз ёки эшакка шатак қилиб, боғлаб тортириб олиб боришади. Бу юмуш жуда сермашакқат бўлганлигидан бир неча киши билан бирга ишлаган.

Тангидевонда сув тегирмони бешта эди. Хатак қишлоғининг ўзида ўнта сув тегирмони ишлаган. Дарёнинг суви кўп вақтида битта тегирмон 30 пуд, сув камайганида эса 16 пуд буғдойни тортиш қувватига эга бўлган. Бу ерда ишлаб чиқарилган ун юқори сифати билан ажралиб турган. Хатакликлар сув тегирмонларидан ташқари, гуручни тозалайдиган обжувозни ҳам ишлатганлар, шунингдек, ҳар бир қишлоқда жувоз бор эди.

XIX аср ўргаларида Хатак билан Панжоб оралиғидаги Михча деган жойда Хатак усталари шамол тегирмони ўрнатиб, уни ишлатишган. Бундан ташқари, Хатак хўжаларидан Ботирхон XX аср бошида Хатақдан Танги дарасига киравериш жойида иккита сув ва битта шамол тегирмони қурган эди. Шамол кучли эсадиган баландроқ жойда ўрнатилган шамол тегирмонининг парраги ёрдамида тегирмон тоши айлантирилган.

Тегирмон бадашининг оҳанги:

*Бол бола бол биж болбол
Бол бола бол биж болбол
Бол бола бол биж болбол
Бол бола бол биж болбол.
Бовру биж бовру биж
Бовру биж бовру биж
Бовру биж бовру биж
Бовру биж бовру биж.*

ПИЛЛА БАДАШИ

Пилла бадаш асосий эътиборни халқимизнинг кийиниш маданиятига қаратади. Масалан, пахта ипидан тўқилган сатин ва чит матолар далада ишлаш учун жуда яхши бўлади. Атлас, ипак, шойи кийимларни фақат тўй ва байрамларда кияди. Шунинг учун халқимиз ипак қурти боқади, ундан пилла олишади. Пилладан шойи тўқишади. Айниқса, аёлларимиз ипак кийимлар кийишни яхши кўради. Шу боис, бадаш халқимизни пилла кўйишга чакиради.

Оҳанги:

*Ижбидом, ижбидом
Ижбидом, ижбидом
Ижбидом, ба ижбидомба
Ижбидом, ба ижбидомба.
Ижбидомба, ижбидомба
Ижбидомба, ижбидомба
Ижбидомба, ижбидомба
Ижбидомба, ижбидомба.*

*Бовру бовру ижбидом
Бовру бовру ижбидом
Бовру бовру ижбидом
Бовру бовру ижбидом.*

*Ижбидом, ижбидом
Ижбидом, ижбидом
Ижбидом, ижбидом
Ижбидом, ижбидом.*

* * *

Пилла ўйинига айтиладиган ўланлардан бир шингил айтиб бераман:

*Пилла қуртни тугиб қўйди,
Уни асраб-авайлаб боқиб қўйди.
Пилла қурти тут баргини еб қўйди,
Пилла қурти тут баргини еганидан
Ипак тўрга тушиб қолди.
Пилла қурти бош кўтариб қараб қўйди,*

*Пилла қурти эсон-омон ўсиб қолди.
Пилла қурти югурганда атлас ва шойи,
Беқасамлар тўлиб қолди.
Пилла қуртидан атлас кўйлак кийиб қолди.
Пилла қурти беқасаму атласлари йигит
Қизларга ва майлларга ёқиб қолди.
Пилла қуртни рўмоллари она ва
Келинларга ёқиб қолди.
Пилла қуртнинг инаклари элимизга
Тут баргининг шамоллари
Шаббодаси пилла ўйин ўланлари.*

Адолат Қўнғиротова, 29 май 2014 йил

МИЛЛИЙ СПОРТ ЎЙИНЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ БАДАШЛАР КЎПКАРИ БАДАШИ

Кўпкари бадаши – бадашнинг энг қадимий турларидан бири. Кўпкари ўзбек халқининг сеvimли ўйинларидан бири, энг катта томошаси ҳисобланади. Бу ўйин бошқа туркий халқларда ҳам кенг тарқалган. Кўп жойларда улоқ ёки улоқ тортиш сингари номлар билан ҳам аталади.

Азал-азалдан ота-боболаримиз кўпкарини никоҳ ва суннат тўйларида, Наврўз байрамида ўтказишган. Бу томошалар адирларда ўтказилади. Кўпкарининг асосий иштирокчиси чавандоз ва унинг оти ҳисобланади. Чавандоз деганда фақат йигитларга нисбатан ишлатилади. Маҳаллий аҳоли тилида чавандозлар чопағон дейилади. Кўпкари иштирокчилари кўпкарибоз дейилади. Кўпкарида отларга баҳо берилади.

Кўпкарида иштирок этадиган зотдор отларни тайёрлаш осон эмас эди. Бунинг учун қулай табиий муҳит зарур бўлган. Кўҳитангтоғ тизмасининг Бойсунтоғ тизмасига қадар чўзилган қисми, яъни ҳозирги Хомкондаги Қорағурсоқ дараси, Қизилқовуз, Туйнук, Сувсиз, Осмонбулоқ, Карсонбулоқ, Чўчқакўл, Жанжалгаза, Давлатгаза, Жийдабулоқ, Қизил камар ота, Кўйук дашт, Оқбулоқ, Шохли, Қирқбешбулоқ ота, Чангчи, Паттали, Қизилзов, Шўркўл яйлови, Гўрдара, шунингдек, Тангидевоннинг ички қисмидаги Кўйукдара, Боғлидара, Зараутсой, Шоти,

Хўжанқоннинг дара қисми, Қизилолма, Шалқоннинг олд томони зотдор отларни боқиш ва кўпайтириш (урчитиш) учун табиий-географик жиҳатдан жуда қулай бўлиб, серсув булоқлар, от организми учун керакли озукабоп серўт яйловлар, табиий туз конлари мавжуд бўлган жой ҳисобланади. Бу ҳудудлардаги тулпорлар тоғ-тошлар, қир-адирларда ўсганлиги учун чўлда ўсган отларга нисбатан чидамлилиги билан ажралиб турган.

Умун олганда, кўриб чиқилаётган ҳудудда зотдор отларни етиштирадиган ўзига хос мактаб бўлган. Лалмидаги арпа ва буғдойни ўриб олгунларига қадар отларни бирон-бир даранинг ичкарисига ҳайдаб боришган. Хусусан, Тангидевондаги Қўйқудара ва Хомкондаги Қорағурсоқ дарасининг оғзи шаббалаб от ўтолмайдиган қилиб ёпиб қўйишган. Шу ерда йилқи галаси ўрим мавсумига ҳалақит бермай, бемалол ўтлаб юрган жойлардан машхур чопағонлар ўзлари учун от танлаб олишган.

Одатда, кўпқари салқин вақтларда, яъни сентябрдан то январнинг 10–15 кунларигача ҳамда 10 мартдан то апрелгача, тоғли ҳудудларда эса май ойида ҳам ўтказилади. Кўпқари бўлмайдиган вақтларда саис (отбоқар) отларни бўлғуси беллашувларга тайёрлаб боради. Июнь ойининг охиридан то август ойига қадар 40 кун давомида саис отига кигиздан қилинган босилдирикни ёпиб, салқин жойда, яъни бирор дарахт тагида ёки усти ёпиқ жойда арпа бериб боқади. Ундан олдин ёш улоқнинг қонини арпага қўшиб отга беради. Бу билан от организидаги турли ўзгаришлар, яъни оёқ қисмидаги сув тўлланиши, хом (зўриқиш ҳисобига) чопиш туфайли юзага келган бузилишларнинг олди олинади. Шундан кейин 40 кунлик чилла бошланади. Дастлабки беш кун давомида арпа донини буғдой сомони билан аралаштириб отга беради. Нега айнан арпа? Сабаби, арпанинг озукавий бирлиги жуда юқори бўлиб, отни бақувват қилади, семизликни меъёрида ушлаб, чидамлилигини оширади. Буғдой эса отни бўшаштириб, семиртириб юборади. Арпа ҳақидаги халқ нақлида «арпа деворни ўйнатар» деб бежиз айтишмаган.

Кейинги 20 кун мобайнида эрталаб ва кечкурун арпа билан бирга беда ҳам бериб борилади. Бунда емга берилаётган арпанинг миқдорини кўпайтириб, то қирқинчи кунга қадар отни бир жойда сақлаб боқади. Айлантиргани олиб чиқмайди.

Сувни ҳам челақлаб олиб боради. Чилла тугагач, қайнатилган сувга андиз ўти солиниб, от чўмилтирилади. Шу йўл билан бойлов даврида турли хил ҳашаротлар чақиши натижасида вужудга келган яра қўтирининг олди олинади. Ундан кейин илик сувга кон тузи солиб, доқа билан ийиқ (отнинг эгар турадиган қисми) ва бошқа жойлари суртиб олинади.

Жараён тугагач, от тепалиқдаги очиқ жойга эгарланиб, 5–7 метр узунликдаги арқон билан қозикқа боғланади. Ана шу қозик атрофида от 3 кун давомида айланиб туради. Эгарланган вақтда ўсган туёқлари олиниб, нағал (тақа) қоқилади. Бунда тирноқ олишда махсус асбоблар: ўроққа ўхшайдиган қочов, чўпса (туёқни едирадиган эгов), қирғи (туёқнинг остки қисмини кесишга мўлжалланган асбоб) ҳамда темирчи уста томонидан тайёрланган нағал ва 50 мм лик махсус мих ишлатилади.

Тақа қоқиш вақтида дарахт тўнкасидан қилинган махсус қолипга отнинг бир оёғи чиқарилади. Иккинчи оёғи от эгаси томонидан кўтарилади. Оёғи қайрилиб, тагига тақа михланади. Кейин шу оёқни тўнка устига қўйиб, иккинчи оёғи кўтарилади, унга ҳам тақа михланади. Бунда оғирлик тўнка устидаги нағалланган оёққа тушади ва мих қайтарилади. Қоқилган тақа от туёғини тош ботишдан сақлайди. 3 кун ўтгач, от эгарланади. Эрталаб ва кечки салқинда арпани едириб, бошланишида етаклаб, чуқурликдан сакратмай, текис жойда миниб юрилади. Кейинги кунларда совутиш масофаси чақирим хисобига узайтириб борилади. Яъни, биринчи кун 1 чақирим юрган бўлса, кейинги кун 500 метр ёки 1 км қўшиб борилади. Шу тариқа от яна 40 кун минилади. От тортилиб, қоринлари ингичкалашиб тер чиқмай қолғунига қадар чиниқтирилади ва кўпкарига тайёрлаб борилади.

Кўпкаридан бир кун олдин саис отни миниб келади, терисини тозалайди. Тушда буғдой сомони билан тўлдирилган тўрвани отнинг калласига илдириб қўяди. От ўз хоҳишига қараб сомонни ейди. Кечқурун отга ўзи ўрганган меъёр бўйича арпа едирилади. Негаки, баъзи отлар очроқ, айримлари тўкроқ бўлса кўпкарида яхши чопади. Кечқурунги арпани бериб бўлгач, отнинг оғзига тешиқ тўрва илдириб қўйилади. Фақат иккита бурни очиб қўйилади. Ёки сувликни орқага, тумшуги ерга тегмайдиган қилиб қантарилади. Бундай чора от ўз тезагини еб қўймаслиги учун қўлланилади.

Эрталаб саҳарда 0,5–1 кг арпага бир чангал сомон қўшилиб отга берилади. Агар шундай қилиб арпани емаса, отнинг танглайи шишиб, тонглок бўлиб қолади. Ёши катта, тажрибали саислар пичоқнинг учи билан шишган жойни уради ва бирданига отнинг калласига тўрвасини илдириб қўйишади. От арпани ўзининг қони билан қўшиб ейди.

Кўпқари тугаб уйига қайтгач, эгар олиниб ярим тўрва сомон берилади. Кечқуруи ем вақтида 1 кг арпани сомон билан бирга беришади. Тер қуригандан кейин саис унинг терларини суртиб тозалайди. Шунда от кўнгилдагидек дам олади. Уйга қайтганидан 6 соат ўтгач, унга қолган ерни беради. Агар от кунига 6 кг ем еса шундан эрталаб 2 кг, кечқурун 4 кг берилади. Арпани сувлаганидан кейин ичиради. От қизиб турганида унга арпа билан сув бермаслик керак. Шундай ҳолат бўлганида пайига сув тушди, белига ем тушди деб айтишади. Мабодо, сув ичиб қўйса, отни терлатиб чоптириб келиш керак. Шундагина зарари бўлмайди.

Мабодо, кўпқаридан кейин от миниб қайтилса, булок ва бошқа сув ҳавзаларидан оз миқдорда сув ичирилса, уйига чоптириб борилади. Боболар сувдан бир-бир юттиринглар деб бежиз айтишмаган.

Тахминан, 15–20 январдан то 10 мартга қадар кўпқари бўлмайди.

Февралда хут киради. Шевада хуттулак дейилади. Шу вақтда от яна боғлаб қўйилади, эгарланмайди. Нағали олиб қўйилади. Арпа меъёрдагидек берилади. От гавдасига қараб 5–8 кг гача арпа ейди. Қишки боғловда қуритилган, барги тушган бир боғ беда пояси сувга солиб ивотилади, сўнгра чиқариб сиздирилади ва отга берилади. Беда бериш орқали отнинг терисини тезроқ туллантишади. Натижада эски жуни тушиб ўрнига янги си ўсиб чиқади.

От беда, арпа ва буғдой сомонини ейди. Агар кўпқари кетма-кет ва доимий бўлиб турса, иштаҳасини йўқотмаслиги учун отга 2–3 кг сабзи бериб турилади. Баъзан кўпқари вақтида отига беда бериш ҳолатлари ҳам учраб туради. Айрим саислар ёзги 40 кунлик чиллада отини қовун бериб боқишган. Чилги (қора) узум бериб боққан саислар ҳам маълум.

Кўпқарида ишлатиладиган от анжомлари:

Эгар отнинг ўриндиғи бўлиб, туғдона, ўрик, ёнғоқ сингари дарахтларнинг ёғочидан қилинади. Бу дарахтлар қаттиқ бўлиб, ундан қилинган эгар ўзининг мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Чунки улоқ тортган вақтда эгарнинг боши синиши мумкин. Эгарни ишлов берилган ҳўкиз териси билан қоплашади. Ишлов берилган ҳўкиз териси ултон дейилади. Баъзан эчки терисидан қилинган такаки билан ҳам қоплашади. Лекин ултон такакидан кўра қалинроқ бўлади. Уларнинг ҳаммаси эгарда амортизация вазифасини ўтайди.

Хунарманд усталар такаки ёки ултонни тайёрлашда қуйидаги усулдан фойдаланишган. Кармак, яъни бодом ёки ўрик иллизининг пўстлоғи туйиб майдаланади ва айроннинг зардобига солинади. Ундан кейин ҳўкиз ёки така териси солинади. 1 ҳафта 10 кун ишлов берилади. Бунда сув солинмайди. Ҳўкизнинг териси яхшилаб ишлов берилиб, кейин юмшоқ бўлиб қолгач, эгарнинг усти қопланади. У ёғочнинг қувватини оширади. Унга пичоқ ўтмайди, сифати яхшиланади.

Босилдириқ – айрим жойларда босиндириқ. Отнинг энг катта ёпинчиғи. Орқа томони туёққача ярим ой шаклида, олдидагиси тиззагача тўғри тушиб туради. Ярим ой шаклидаги қисми эчкининг қилидан тайёрланган ола ип билан нақшинкор қилиб безатилади. Босилдириқ от кўкрагини ёпиб туриш учун керак. Отни ёмғир, совуқ ва қордан сақлайди. У отнинг катталигига қараб тайёрланади. Оқ ёки қора қўйнинг жунидан кигиз пишитилади. Қувватини ошириш учун унга эчки қили ҳам қўшилади. Кейин ўлчамига қараб бичилади ва тикилади. Кўп жойларда уни мустаҳкам қилиш учун четларини чирозлашади. Чироз эчки жунидан қилинади. Қора босилдириқда оқ чироз, оқ босилдириқда қора чироз тикилади.

Жаҳаллик – эгарнинг от орқасини босиб яра қилмаслиги учун ишлатилади. У яхшилаб пишитилган 7–9 қават кигиздан қилинади. Устки эгар томони такаки ёки ултон қўйилиб қирғоғи тикиб чиқилади. Эгарнинг ҳажми қандай бўлишидан қатъи назар унинг остки қисми деярли бир-биридан фарқ қилмайди. Жаҳаллик эгарга ип билан боғланади ва доимий равишда эгар билан бирга туради.

Дигил – от абзалларининг бир тури. Дигилнинг устки қисми жун ёки пахтадан турли рангларда бўялиб тайёрланган калава ипдан тўқилади. Дигил-сачоқли бўлиб, босилдириқнинг ости-

дан қўйилади. Йўлда кўпқарига боргунча туради. Қишнинг совуқ кунларида ишлатилади. Ёз кунларидаги 40 кунлик боғлов вақтида от устига босилдириқ ёпилади. Унинг сачоқсиз тури жул ёки жулча деб аталади. Дигил билан жулнинг вазифаси ва тўқилиши бир хил.

Дигил кигизга қавилади. Қўй жунидан қалин қилиб пишигилади. Уни тайёрлаш учун аввалига жун титилади, кейин кўрпа қалинлигида катта қанор устига ёзиб чиқилади. Сўнг қанор билан кигизни қўшиб охиригача ўрама шаклига келтирилади. Устидан иккита арқонни икки томонига тортиб боғлаб, кигизга қайноқ сув қўйилади ва алла¹ тортилади. Ҳар соатда бир-бир очиб, ўнг-чапига алмаштириб, иссиқ сув қўйиб, кейин яна ўраб ишни давом эттиришади. Бунда биллак² ҳам тортилади. Ҳар бир жараён 2–3 соат ва 3–4 кун оралиғида давом этади. Натижада кигиз қалин, қаттиқ ҳолатга келиб тайёр бўлади. Кейин отнинг ўлчамини олиб кигизни кесиб чиқади. Кигизни матонинг устига қўйиб тикишади. Мато кирғоқларида турли рангдаги иплардан сачоқ ва чироз тайёрланади. Ипларни мато устидан турли хил кашта, нақш тикадилар. Сачоқ узунлиги 10 см бўлади. Бу билан от чиройли кўринади.

Терлик (терлик) – отнинг устидан биринчи бўлиб ёпиладиган энг остки ёпинчиғи. Пахтадан қилинади.

Кўпчик – от эгари устидан қўйиладиган мато. Чиройли кўриниши учун ғожари (тақир) ёки холли қилиб тўқилади.

Айил ёки тўшайил – жундан калава қилиб тўқиладиган абзал. Оқ рангда бўлади. Оқ қўйнинг жунидан қилинади. Чети қора қўйнинг жунидан қилинган чироз билан безатилади. Тўқилган тўшайил пишиқ бўлганлиги учун отнинг тўшини қийиб юбориши мумкин. Отнинг тўши қонамаслиги учун ички томонидан тик матосидан сириб (тикиб) чиқилади. Тўшайил-

¹ Ёрамани пишитиш жараёни. Арқон ўрамадан ўтказилади ва икки киши бир-бирига тортади. Ушбу жараёнда жун бир-бирига кийгизилади ва бирикади, чидамли ҳолатга келади, намликни, сувни ўтказмайди. Халқ нақлида «Беш эркак халқининг битта улоғини зот қилиб айиргандан кўра, битта тақиямати (кигизини) айириб олган яхши». Яъни, Бойсундаги Беш эркак қишлоқнинг аҳолиси кигизни шунчалик пишитиб тайёрлаганки, одам ялангоёғ юрса оёғи тойиб йиқилган ва чука (кашта)ларининг рангасвирали жуда чиройли берилган.

² *Биллак* – пишитиладиган кигиз ёнига икки киши тиззалаб ўтиради ва билаги билан ўзига тортиб-тортиб пишигилади.

нинг эни 10–12 см бўлиб, эгарнинг устидан тортилади. Тўшайилнинг икки томонидаги учида икки тўға туради. Биринчисини отнинг тўшидан айлантриб тепадаги кулоқчиннинг орасида ипи билан турган тўғага баданига тегмай тортилади.

Пуштан – ҳўкиз терисидан қичишак чарм қайиш бўлиб, тўшайил устидан тортиш учун мўлжалланади.

Беллик (белдачик) – ёғочдан тайёрланиб, айилнинг остидан тортилади. Айилни ушлаб туриш учун керак. От кўпкаридан қайтган вақтда яйдоқ ҳолатида турганида босилдириқ устидан тўшайил билан тортилиб туради. Кўпкарида ишлатилмайди.

Узанги – эгарнинг икки томонида қайиш билан боғлаб осиб кўйиладиган, отга миниш ва эгарда оёқларни тираб ўтириш учун хизмат қиладиган металдан ясалган от абзали¹.

Юган – жилов (тизгин), бошлиқ, сувлиқ ва қайиш тасмаларидан иборат бўлган абзал. Тепани ушлаб турган қайиш тасмаси бошлиқ, отнинг оғзига кийдириладиган қисми сувлиқ (суклик) дейилади. Сувлиқ металдан қилинади. Жилов сувлиққа тикилади. У қайишдан қилинади.

Кўпкари вақтида дастлаб терлик ёпилади. Устидан кигиз кўйилади. Кигиз эгарнинг остига мос бўлиб тайёрланади. Кигизнинг устидан кулоқчин² (якка чиргин) кўйилади. У кигиздан қилиниб, устига мато қопланади, чети чироз билан безатилади. Сўнгра жаҳаллик билан эгар боғланади. Эгарнинг устидан тўшайил, унинг устидан эса пуштан маҳкам тортиб чиқилади.

Кўпкарида тўриқ³, саман⁴, тарғил⁵, бўз⁶, жийрон⁷, кашқа⁸ ва бошқа отлар иштирок этади. Тажрибали саисларнинг фикрича, бўз отнинг ҳар учтадан бири, жийрон – ҳар саккизтадан бири, қора – ўн иккитадан бири, тўриқ – ўн бештадан бири улоқни айира олади. Кўпкарида энг кўп иштирок этадиган тури тўриқ от ҳисобланади. Кўпгина чопағонларнинг гувоҳлигига

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 4 жилд, Тошкент, 2006, 265-бет.

² Кулоқчин икки кулоғи бўлиб, икки томони отнинг қўлтиғигача келиб турган ва чиройли қуроқ безаклар берилган.

³ Қора қизил, тўк рангдаги от тури.

⁴ Оч малла, сарғиш, саморанг от тури.

⁵ Сарғиш ва қора йўлли от.

⁶ Кўкка мойил оқ, очиқ рангдаги от тури.

⁷ Қизғиш малла от тури. Оёқлари, пайчалари оқ бўлади.

⁸ Рангидан қатъи назар, пешонасида кашқаси бўлган от тури.

кўра, кўпқариларда агар бўз от иштирок этса, албатта у ғолиб чикқан.

Кўпқари тушадиган жойни майдон ёки кўпқаритахта дейишади. Кўпқари ўтказиладиган куни эрталаб саҳарда 70 килолик така сўйилади. Қалласи, орқа оёқлари кесилади. Олд оёғи кесилмаган така пайчали така, тўртови ҳам кесилган бўлса, пайчасиз така ҳисобланади. Сўнг бир кило тузни қўлтиқ ва бутларига сепиб устидан сув қўйилади. Кейин усти шолча билан ёпиб қўйилади. Шу ҳолатда кўпқаригача туради.

Эрталаб соат ўнларга яқин улоқ майдонга олиб борилади ва кўпқаричиларга ташланади. Ўтмишда чопағон улоқни тортиб, якка ўзи 50–100 метргача олиб чиқа олса, баковул томонидан ҳалол дейилган. Ҳозирда эса бунга унча эътибор берилмаяпти. 10–12 метр чиқа олса «ҳалол» дейилади.

Кўхитанг, Бойсун, Деҳқонобод томонларда ўтказиладиган ҳудудда марра деган тушунча йўқ. Қашқадарёнинг Шаҳрисабз, Яққабоғ, Чироқчи, шунингдек, Самарқанд, Жиззах, Тошкент ва Тожикистон томонларда ким улоқни маррага биринчи бўлиб олиб борса, ҳалол дейилади. Маррани халқ шеvasида қора дейишади. Марра сомон ёки оҳак билан катта доира шаклида чизиб қўйилади. Маррасиз кўпқарининг афзаллик томони шундаки, отнинг тезлиги билан улоқнинг оғирлиги камаяди. Марра чизиғи бўлишда эса чопағон учун улоқнинг оғирлиги сезиларли даражада ошиб боради. Сабаби от чопаётган вақтда улоқни босади, чопағоннинг кўкрак, бел, билак, елка қисмларига оғирлик тушади.

Ўртага қўйилган совринни борғу ёки зот дейишади.

XX асрда Сурхон воҳасидан кўплаб машҳур чопағонлар етишиб чиқди. Улар орасида: Хатақдан Шайман чопағон, Хўжаин Йўлдош чопағон Ибрагимов. Хомқондан ака-ука Холли ва Саман чопағон Мамаюсуповлар, Бўз ўғлон, Зиёдулла чопағон Норлиев, Чилонзордан Норхон чопағон, Мунчокдан Ғофир чопағон, Сайробдан Петка чопағон, Омонхонадан Файзи ва Нурулло чопағонлар, Тангимушдан Кўчар чопағон, Бандихондан Абдусалом чопағон, Шўрчидан Туро чопағон ва бошқаларни.

Кўпқари ўтказишдан олдин унинг ташкилотчилари турли қишлоқларга чопар жўнатиб, элга хабар беришган. Кўпқари хабарини берадиган чопар хақида бадаш шундай дейди:

*Дукур дукур от келди,
Чиқиб қаранг ким келди?
Қамчисини ўйнатиб,
Моҳир чопазон келди,*

*Қишлоғу овулларга,
Чақириқлар янгради.
Кўпкарининг садоси,
Одамларни чорлади.*

Бойсунликлар, зарабоғилар, қорабоғилар, кўнғиротлар отига қамчисини урар экан, «чу» дейди. Хатакликлар эса «чух» дейди.

Кўпкарининг шеъри:

*Кўпқари-ё кўпқари,
Чопазонлар майдони,
Тулпорингни эгарлаб,
Кўпқарига қараб чоп-чоп.*

*Отлардан ўзиб чиқиб,
Майдонларни айланиб,
Йигитларнинг сардоридан
Ўзиб кетгин, чоп-чоп.*

*Улоқни олиб қочиб,
Ўртасига ташлаб қоч,
Кўпқари удумини,
Эл ичида ёйиб чоп.
Отим, кучингни кўрсат,
Отлар ичра ўзиб чоп,
Кўпқари майдонини,*

*Бедов¹ отим шамолдаин,
Учиб ўтиб, чоп-чоп.
Кўнғилларни шод қилиб,
Улоқни олиб, чоп-чоп.*

*Султонларнинг султонини,
Қамаштириб кўзларини,*

¹ Учқур, ўйноқи, галадан ушланмаган, ўзини ушлатмайдиган от. Агар ушлай ололса, уни тарбияласа бўлади.

*Догда қолдириб отларини,
Марра қараб чоп-чоп.
Кўпкаридан улоқни,
Айириб чиқиб чоп-чоп,
Қашиқар отинг¹ ўйнатиб,
Узиб чиқиб чоп-чоп.*

*Халқимизнинг удумини,
Элга кўрсатиб чоп-чоп,
Отинг маҳоратини,
Кўз-кўз қилиб чоп-чоп.
Отларингни ўйнатиб,
Майдон томон чоп-чоп,
Элимиз меросини,
Давомчиси бўлиб чоп-чоп.
Чавандозлар султони,
Ўғлонларнинг сардори,
Кўпкарини юлдузи
Бўлиб тезроқ чоп-чоп.*

*Олтмиш отдан ўзиб кетиб,
Улоқни кўпкаридан айириб,
Қашиқар отинг ўйнатиб,
Эл ори учун чоп-чоп.*

*Пойга чиқиб улогини,
Айириб олиб чоп-чоп.
Сенга қойил қолишиб,
Баракалла дейишсин.
Отингни кучига
Эга бўлиб чоп чоп,
Кўпкаридан голиб чиқиб,
Осмонларга чиқиб чоп-чоп.*

*Отларни кўпкарига
Тайёрловчи бўлиб чоп-чоп.
Кўпкаритоз² қашиқар отни
Югуртириб чоп-чоп.*

¹ Пешонасида қашқаси бўлган от.

² Отнинг тезлигига нисбатан бериляпти.

Кўпкари бадашнинг оҳанги:

*Бижда бада бовру бада,
Бижда бада бовру бада,
Бижда бада бовру бада,
Бижда бада бовру бада.*

*Бом бом бовру бада,
Бом бом бовру бада,
Бом бом бовру бада,
Бом бом бовру бада.*

*Бижда бада бижда бада,
Бижда бада бижда бада,
Бижда бада бижда бада,
Бижда бада бижда бада.
Бижда бада бовру бада,
Бижда бада бовру бада,
Бижда бада бовру бада,
Бижда бада бовру бада.*

ПОЛВОН БАДАШИ

Полвон бадаш – бадашнинг қадимий турларидан бири. Сурхон воҳаси аҳолиси қадимдан курашни севган. Халқ тилида у «олиш» дейилади. Сурхон замини азалдан полвонлар юрти бўлиб келган.

Дарҳақиқат, шундай. Ўзбек кураши уч ярим минг йиллик тарихга эга. Сурхон воҳасидан топилган бронза даврига оид цилиндрсимон сопол идишда икки полвон ва улардан бири иккинчисини кураш усулида чалаётгани тасвирланган. Шунингдек, милoddан олдинга III асрга оид ҳайкалчада икки курашчи бир-бирининг белбоғидан ушлаб тургани акс эттирилган¹.

Қадим замонларда туркий халқларда кучли, ботир, полвон кишиларга нисбатан алп сўзи ишлатилган. Қадимги туркий тилда алр – 1. мохир мерган: 2. Қахрамон, баҳодир, бек: 3. Дов-юрақ, кўрқмас, эпчил: 4. Мардлик, жасорат сингари тушунчаларни беради. Бу ном билан қадимги туркий ҳукмдорлар аталган.

¹ Турсунов С., Пардаев Т., Бегимқулов О. Ўзбек миллий кураши: тарихи ва анъаналари. «Сурхоннашр», 2015, 24-бет.

Хусусан, Маҳмуд Кошғарий ва Юсуф Хос Ҳожибда машҳур қаҳрамон Алп Эр Тўнганинг номи келтирилади. Алп Эр номи тоғли Олтойдаги қадимги турк-руник битикларида ҳам учрайди. Ёки ғазнавийлар сулоласи асосчисининг исми Алптегин бўлган. Ўзбек халқ достони қаҳрамони Алпомишнинг асл исми Ҳақимбек бўлган. Алпомиш достонининг энг қадимги Олтой талқинида (VI–VIII асрлар) Алпомиш номи Алып Манас (баҳодир Манас) деб аталади.

Кураш ҳақида шарқнинг улуғ мутафаккирлари – Ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Зайниддин Восифий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқалар қимматли маълумотлар берадилар.

Тарихимизда машҳур полвонлар кўплаб ўтган. Улар орасида хоразмлик Паҳлавон Маҳмуд, ҳазрати Навоийнинг замондошлари бўлмиш ҳиротлик Муҳаммад Кўштигир ва Паҳлавон Муҳаммад, улуғ аждодларимиз бўлмиш Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, аштархонийлар даврида яшаган Самарқанд ҳокими Ялангтўшбий баҳодир, асли ҳисорлик Балх ҳокими Маҳмудбий оталиқ ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўтмишда Шеробод тумани ҳудудидан кўплаб донгдор полвонлар етишиб чиққан. Улар орасида XVIII асрда тангидевонлик Эрдона мерган Абдолбек ўғли, XIX аср охири – XX аср бошларида яшаб ўтган хўжамулкилик Давла полвон, Шерободнинг Тоз кишлоғидан Давман (Давлат Бердиалиев – 1890–1962) полвон, Кампиртепа кишлоғида туғилиб ўсган Абса полвон, хомконлик мулла Болта, Бойсун беклигининг номдор полвонларидан даштиғозлик Йўлдошали полвон, унинг шоғирдлари Саманчи (Ҳакимали) полвон, Умир полвон, Қосим полвон, Хидир полвон, Хўжамқули полвон, Ашур полвон, Исмат полвон, Тўра полвон, Жарқўрғондан Номоз полвон Самандар хожи ўғли (1840–1895) ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин.

Бу ҳудудда полвонларни тайёрловчи маҳсул мактаблар бор эди. Улар орасида, айниқса, Боғлидара мактаби шуҳрат қозонган эди. Бу мактаб ўз вақтида Эрдона мерган, Турсуннозим полвон, Чори полвон, Зоир полвон Нозимов, Ниёзкелди полвон, Отақул полвон, Абдусалом полвон, Муҳаммади полвон, Ҳамроқул полвон, Саҳи полвон, Абдол полвон Жўраев сингари донгдор полвонларни етиштириб берган. Чори полвон

ёш полвонларни тайёрлаш учун Боғлидарага кириш жойида катта-кичик бир нечта тош қўйдирган. Ким Боғлидарага кирса, куч синашиб, шу тошлардан бирини кўтариб, токча устига қўйиши шарт эди. Энг катта тош Чори полвон тоши дейиларди. Бу тошни Чори полвондан ташқари, фақат Турсуннозим полвон кўтара олган экан. Урбонёр ўғли Турсуннозим полвон машқ қиладиган полвон тоши оз эмас, кўп эмас нақ сандиқдек келган. Уни Турсуннозим полвондан бошқа ҳеч ким кўтара олмаган. Турсуннозим полвоннинг бўйи 2 метрдан баланд бўлган¹. Абдол полвон Жўраев Сурхондарё биринчилигида Менгзиё полвонни курашда мағлуб этиб, вилоят чемпиони бўлган. Ўрта Осиё республикалари ўртасида ўтказилган курашда фахрли иккинчи ўринни эгаллаган. 1956 йилда Москва шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон ёшлари спорт фестивалида мутлак чемпион бўлган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг миллий курашимизга бўлган муносабат бутунлай ўзгарди. Ўзбек курашини жаҳон миқёсида тарғиб этишда мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг хизматлари беқиёс бўлди. Уларнинг ташаббуси билан 1998 йилнинг 6 сентябрида Кураш Халқаро ассоциацияси тузилди. Халқаро Кураш ассоциациясининг президенти этиб Комил Юсупов сайланди. 2001 йилда эса Халқаро Кураш институти тузилди. Ўзбек кураши бўйича кўпгина чемпионатлар ва турнирлар ўтказилмоқда. 1993 йилдан бошлаб Термиз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта кураш бўйича ал-Ҳаким Термизий хотира турнири ўтказилади. Уларда кўпгина мамлакатлардан келган полвонлар куч синашади. Янгидан-янги полвонлар кашф этилади. Улар орасида Абдулла Тангриев, Ақобир Қурбонов, Камол Муродов, Тоштемир Муҳаммадиев, Махтумқули Маҳмудов, Баҳром Авазов ва бошқа полвонларни кўрсатишимиз мумкин.

Курашни халқ орасида тарғиб этишда Сурхондарёнинг 1990–1993 йиллардаги раҳбарлари бўлган Ҳаким Бердиев, Қўчқор Аҳмедов, миллий курашимизнинг фаол тарғиботчиси, ТерДУ профессори, устоз Жума Тошпўлатов, жаркўрғонлик полвон марҳум Ҳақберди ҳожи Норбоевнинг хизматлари катта

¹ Турсунов С., Пардаев Т., Бегимқулов О. Ўзбек миллий кураши: тарихи ва анъаналари. «Сурхоннашр», 2015, 41-бет.

бўлди. Ҳақберди полвоннинг ташаббуси билан 2002 йил февралда «Ҳақберди Норбой ўғли» кураш клубига асос солинди.

ПОЛВОН БАДАШ ЎЛАНЛАРИ

Полвон бадаш билан боғлиқ бўлган бир ўланда айтилишича ёш ўғлон курашга қизиқиб, отасига шундай деди:

*Отажоним, бор кучингиздан беринг менга,
Полвонларни йиқитиб, ютиб келайин сизга.*

Ота деди:

*Ўғлижоним, полвонтошни кўтариб ташла ерга.
Шунда омад бир умрга қулиб боқар сенга.*

*Олиш бориб, элимиз орин олгин болам.
Юрт ўғлони деб довруғ қозон, жоним болам.*

*Полвон бўлиб ўғлонларга сардор бўлгин,
Тош ўйнатиб полвонларга дoston бўлгин.*

Полвон бадашнинг оҳанги:

*Бижда бода бижди бода,
Бижда бода бижди бода,
Бижда бода бижди бода,
Бижда бода бижди бода.
Бовру бода бижда бода,
Бовру бода бижда бода.
Бовру бода бижда бода,
Бовру бода бижда бода.
Бовру бовру бижда,
Бовру бовру бижда,
Бовру бовру бижда,
Бовру бовру бижда.*

*Бовру бовру биждон биж,
Бовру бовру биждон биж,
Бовру бовру биждон биж,
Бовру бовру биждон биж.*

ОВЧИ БАДАШИ

Овчи бадаши – қадимий бадаш турларидан бири. Тоғликлар ҳаётида овчилик муҳим ўрин тутган. Боғлидара, Тангидевон, Давлон, Қулдароз, Зараутсой, Бузғалахона (Темир дарвоза), Заргус сингари тоғлар асосий ов майдонлари эди. Овчи-мерганлар сабр-тоқатли бўлишган. Жониворларни ҳуркитиб, кейин уларни отадиган мерганларгина ҳақиқий овчи ҳисобланган. Кўпчилик овчилар аксар ҳолларда қопқон ва тузоқ қўйиб иш кўрганлар. Ов қуроли сифатида милтиқ ишлатилган. Каттароқ ҳайвон овланган тақдирда, уни эшак ёки отда ортиб кетишган.

Тоғ какликлари от ёлидан қилинган тўр, яъни жела билан тузоқ қўйиб ушланган. Тахминан, 15–20 сантиметр келадиган ипчалар ҳалқа қилиниб беш-олти метрлик ипга маҳкам боғланади. Ҳалқача тик ҳолатда очик қўйилади. Сўнгра тузоқ атрофига ва ичига дон сепиб қўйилади. Донни териб олаётган каклик, албатта, ҳалқачанинг ичига ҳам бўйнини тикади. Тузоқ ичидаги донни олишга олади-ю, лекин бўйнини чиқараётган вақтда бўйин пати ҳалқадан чиқишига йўл қўймайди, чунки тортилиш натижасида ҳалқа уни қисиб қолади.

Тулки, куён, бўри сингари ўртача катталиқдаги ҳайвонлар хаппак деб аталган тузоқ ёрдамида овланган. Унинг тузилиши қуйидагича: катта ва оғир япалоқ тошнинг бир томони кўтариб қўйилади. Тошни суяб туриш учун унинг ердан кўтарилган қисмига чўп, ерга теккан қисмига эса, емтут (хўрак) қўйилади. Хўрақнинг бир томони ип ёрдамида чўпга боғланади. Тулки ва шу сингари ҳайвон хўрақни ейиш учун ўзига тортган вақтда чўп тортилиши натижасида, жониворни тош босиб қолади. Овчиларнинг пири сифатида Паҳлавон Аҳмад Замший эъзозланган. Айтишларича, у киши ўққа зам ўқиб кейин ҳайвонларни отар экан. Ўқилган зам буйруққа биноан, албатта, нишонга тегар экан.

Овчиларга мингта ҳайвонни отишга рухсат берилар эди. Одатдаги вақтда отилган ҳайвон ёнбошига йиқилиб тушса, отилган мингинчи ҳайвоннинг шохи ерга, туёқлари эса осмонга кўтарилиб қолар экан. Бу ўмма ҳолида туриш дейилади. Айтишларича, отилган ҳайвон ўмма ҳолида туриб қолса, албатта, овни тўхтатиши зарур эди. Овни давом эттирадиган бўлса, зиён

топади деб ҳисоблашган. Овчи бадашнинг ўланлари бизгача етиб келган эмас. Аммо халқ орасида овга чиққан мерганнинг ҳасрати ҳақида турли шеърлар тўқилган. Уларда «хўш аллаёр хўштига» сўзи бир маромда қайтарилади.

Намуна тарзида айримларини келтирамиз:

Бир куни 70 ёшли Эрдона мерган тоғда ов қилади. Омади келган кекса овчи 9–10 ёшли такани отиб олади-ю, аммо таканининг бўйнини қайириб ололмайди. Шунда у ҳасрат билан қуйидаги шеърни айтади:

*Бўстон арча телва тек!
Отай десам така йўқ,
Юрай десам дармон йўқ,
Хўш, аллаёр, хўштига,
Эрдона мерган ўлган йўқ!*

*Тошлик юрт мендан ароз,
Какликлари макки-хўроз,
Боглидара-Қўлдароз,
Хўш, аллаёр, хўштига,
Эрдона мерган ўлган йўқ!*

Овчи бадаш оҳанги:

*Биждомба биждом ба,
Биждомба биждом ба,
Биждомба биждом ба,
Биждомба биждом ба.
Биждом биж биждом биж,
Биждом биж биждом биж,
Биждом биж биждом биж,
Биждом биж биждом биж.
Биждом бовру бадом бовру,
Биждом бовру бадом бовру,
Биждом бовру бадом бовру,
Биждом бовру бадом бовру.*

ВАТАНПАРВАРЛИК МАВЗУСИДАГИ БАДАШЛАР

Қадимдан ота-боболаримиз ўз болаларини юртга садоқат руҳида тарбия қилишган. Фарзандлари кучли, чидамли ва чайир бўлишлари учун турли спорт ўйинлари тизимини яратишган. Масалан, пиёда пойга, сипол, қорхат, чиллик, қўлга уриб қочиш, қувалашмачоқ, бекинмачоқ, қўл тўпи отиш, оксу-як, сандиқча, зув-зув, бобол така, чиркаш, дўл, ганош сингари ўйинлар ўйналган. Вояга етганда эса кураш (олиш), кўпқари, чавгон, от чопиш ва ҳоказоларда иштирок этишган. Шу йўл билан улар ўзларини жисмонан чиниктириб, тайёрлаб боришган.

Ҳарбий хизматда бўлганларида отда ва пиёда ҳолатида қилчобозлик, найзабозлик, палахмон отиш, мерганлик, камонбозлик, қўл жанги сингари усулларни ўрганишган. Бунда ёшлиқда олган сабоқлари уларга қўл келган. Шу сабаб бўлса керак, Туркистон қадимдан ўзининг қаҳрамонлари, ботиқлари, полвонлари билан шуҳрат қозонган. Уларнинг жасорати ҳақида қадимги, ўрта асрлардаги тарихчилар ҳам эътироф этишади. Қадимги дostonларимиз бўлмиш «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Гўрўғли»да халқимизнинг жасур ўғлонлари қуйланган. Юртимиздан етишиб чиққан Тўмарис, Спитамен, Жалолоддин Мангуберди, Маҳмуд Торобий, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Бобур, Маҳмуд оталиқ, Мадаминбек, Иброҳимбек сингари кўплаб қаҳрамонлар халқ қалбидан чуқур жой олди. Қуйида юрт озодлиги йўлида кураш олиб борган яна бир улуғ аждодимиз – Ало ал-мулк II Термизий ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ало ал-мулк II Худовандзода Термизийнинг асл исми Шамсиддин бўлиб, Амир уш-Шаҳид номи билан машҳур бўлган. Термизда туғилиб вояга етган ва Термиз ҳокими бўлган. Ўзининг мардлиги билан донг таратган. Термиз Чингизхон томонидан вайрон этилгач, янги жойда, ҳозирги «Султон Саодат» макбараси атрофида тикланган. Ало ал-мулк II Термиз ҳокими бўлган вақтда шаҳар обод бўлган. Шаҳарда хунармандчилик, савдо-сотик ва илм-фан кенг ривожланган.

Шунга қарамай, Мовароуннаҳрда нотинчлик ҳукм сурган. Маҳаллий туркий халқлар ўз озодлиги учун мўғул босқинчиларига қарши кураш олиб боришган.

Чиғатой хонларидан ўн тўққизинчиси, ҳижрий 726–734 (милодий 1326–1334) йилларда Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган Алоуддин Тармаширин (буддавийча Дхарма-Шила, яъни «будда конунларига амал қилувчи») ислом динини қабул қилиб, кўчманчи ҳаёт тарзи (Яса)дан чекинади. Шу сабабли Чиғатой улуси шарқидаги кўчманчи мўғуллар унга қарши исён кўтариб, уни ўлдирганлар. Чиғатой хонларининг қароргоҳи Или дарёси соҳилига кўчирилади. Мовароуннаҳр тахтига Бўзон чиқади. Бўзон даврида Мовароуннаҳр аҳолисининг мўғулларга қарши кураши янада кучаяди. Мўғулларга қарши кураш ҳаёт-мамонт урушига айланиб кетади. Бу биз учун адолатли бўлган, том маънодаги ватан уруши эди.

Маҳаллий турклардан бўлган Ёсур Мансурнинг ўғли, машхур турк машойихи Халил Ҳирот ҳукмдори Хусайн ибн Султон Гиёсиддин ал-Ғурий (1331–1370) билан иттифок тузиб, мўғулларга қарши уруш очади. Ўлкадаги барча мусулмон амирлари уларга тобелик билдирадilar.

Термиз ҳокими Ало ал-мулк Худовандзода Термизий ўзининг тўрт минг кишилик қўшини билан Халил ҳузурига етиб келади. Бундан хурсанд бўлган Халил уни вазир қилиб тайинлайди. Бўзон тор-мор этилиб, қатл этилади. Ҳокимият Халил қўлига ўтади.

Саксон минг кишилик қўшинни Самарқандда кўриқдан ўтказган Халил Олмалик (Или дарёси бўйидаги шаҳар. Хитойдаги ҳозирги Гулжа шаҳрининг шимоли-ғарбида. Чиғатой улуси хонларининг пойтахти) томон йўл олади. 12 минг қўшинга бошлиқ бўлган Ало ал-мулк Худовандзода Тароз (ҳозирги Қозоғистондаги Жамбул шаҳри)да мўғулларни тор-мор келтиради. Халил Хатай (ҳозирги Хитойнинг Янцзи дарёсидан шимолдаги ерлари, Чингизхон туғилган жой) ва Хитой ерларига яқинлашиб, Қоракурум (Ўрхун дарёси юқорисидаги ўрта асрлар шаҳри. Чингизхон ва унинг авлодлари даврида мўғуллар давлатининг пойтахти бўлган), ғарбий Хитойдаги Бешбалик, (уйғурча Беш шаҳар) ва унинг яқинидаги Янги балик (шаҳар) ни эгаллади. Мағлубиятга учраган Хатай (мўғул) ҳукмдори у билан сулҳ тузади. Халил қудратли ҳукмдор бўлиб қолади. Қўшинининг катта қисмини Чиғатой улусининг пойтахти Олмаликда жойлаштирди, вазири Ало ал-мулк Худовандзодани бу ерга ноиб қилиб қолдириб, ўзи Самарқанд ва Бухорога қайтади.

Бу ўлкадаги турклар Ало ал-мулк Худованзодани давлат бошлиқлигига даъвогарликда айблаб, унга қарши ғалаён кўтардилар ва бу ҳақда Халилга хабар етказадилар. Халил бошқа ноиб тайинлаб, Ало ал-Мулк Худованзодани марказга чакиради ва айбини исбот қилиб ўтирмай, уни қатл эттиради. Бу воқеа Халил Султоннинг ҳалокатига сабаб бўлди. Тез орада Халил билан Ҳирот султони ўртасида келишмовчилик юзага келиб, улар ўртасида жанг бўлиб ўтади (1347 йил). Бу жангда Халил енгилиб, ўзи асир олинади. Хусайн унинг бир қошиқ қонидан кечиб, ўз саройидан жой беради. Бу воқеалар ҳақида араб сайёҳи ибн Баттутанинг эсдаликларида қисқача маълумот келтирилган¹.

Юқоридагилардан маълум бўлишича, Ало ал-Мулк II Худованздода Термизий йирик руҳоний – Термиз шайхулисломи бўлибгина қолмай, Термиз шаҳри ҳокими, Мовароуннаҳр ҳукмдорининг вазири ва лашкарбошиси бўлган. Биринчилардан бўлиб, она юртини мўғул истибдодидан халос этишга киришган ва бу йўлда жонбозлик кўрсатган. У киши фитна қурбони бўлганлигидан уш-Шаҳид номини олган. Аммо ватанпарвар инсоннинг саъй-ҳаракатлари зое кетмади. Унинг ўлиmidан сўнг 1347 йилда Чиғатой улуси икки қисмга: Амир Қазаған бошчилик қилаётган Мовароуннаҳр ҳамда чиғатойлардан бўлган Тўғлуқ Темурхон ҳукмронлик қилган Мўғулистонга бўлиниб кетди. Юрт озодлиги учун курашга Соҳибқирон Амир Темур бошчилигидаги янги авлод вакиллари киришиб, аждодлари тугата олмаган ишни ниҳоясига етказишди.

АСКАР БАДАШИ

Қадимда туркий ота-боболаримиз ноғора ва дўмбира садолари остида урушга жўнаб кетганлар. Карнай ва дўмбира садолари билан жангга кирганлар. Мусиқа садолари аскарларнинг кайфиятини кўтариш билан бирга жанг вақтида белги вазифасини бажарган. Яъни ҳужумга ўтиш, чекиниш, саф тортиш, тарқалиш ва ҳоказо. Исломиятдан олдинги турклар ҳалок бўлганларни жанговар қўшиқлар билан хотирлаб, марсия айтишган. Ғолиб чиқилганда уйларига карнай-сурнай ва дўмбиралар

¹ *Иброҳимов Н.* Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. Тошкент, 1993, 73–74 бетлар.

билан кутиб олинган. Қолаверса, жанговар дўмбира ўз вақтида ҳокимият рамзи ҳам ҳисобланган.

Бадаш санъатида чет эл босқинчиларига қарши курашга отланган жангчиларни кузатиш билан боғлиқ турли маросимлар ва ўланлар яратилган. Улардан аскар бадаш, йўл бадаш ва аскар қиз бадашларини кўрсатишимиз мумкин. Қуйида улар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамыз.

Аскар бадашни оналар ўз фарзандларини урушга кузатганларида куйлаганлар. Оналар ўз фарзандларини қуйидагича дуо қилганлар:

*Оқ йўл бўлсин, болам,
Ой бориб омон қайтгин, болам.
Йўлларингда юрганингда,
Шамолларнинг шаббодаси юзларингни урмасин,
Майда тошлар кўзларингга тегмасин, болам.
Мўлжалингга эсон-омон боргин, болам,
Йўлинг равон, ишинг осон бўлсин, болам.
Йўлларингга қараб турай,
Уйнаб кулиб келгин, болам.*

Аскар бадашнинг қондаси: 2–3 марта олд ёки орқа томонга юрилди. Нақоратда 3 марта тиззани букиб, қўлларини тўғри қилиб икки ёнига айлантириб дап чалади. Қуй авжида уч марта ерга айлантиради.

Йўл бадашнинг оҳанги:

*Бужабода бужабода,
Бужабода бужабода,
Бужабода бужабода,
Бужабода бужабода.*

*Бовру бада,
Бовру бада,
Бовру бада,
Бовру бада.*

*Бужабода бужабода
Бужабода бужабода
Бужабода бужабода
Бужабода бужабода*

*Бужабода бужабода,
Бужабода бужабода.
Бужабода бужабода,
Бужабода бужабода.*

*Бовруба биж бовруба биж,
Бовруба биж бовруба биж,
Бовруба биж бовруба биж,
Бовруба биж бовруба биж.*

АСКАР ҚИЗ БАДАШИ

Аскар қиз бадашининг вазифаси ўз ватанини ҳимоя қилиб, халқини соғ-саломат сақлаш мақсадида жангга отланган аёллар ҳақида сўзлаш.

Бундан 2500 йил муқаддам улуғ момомиз Тўмарис Эрон шоҳи Кир II ни тор-мор этган.

Массагет аёллари эркаклар қатори жанг қилганликлари тарихий манбаларда ҳам ўз ифодасини топган. Қадимги рим тарихчиси Клавдий Элианнинг маълумотига кўра, сак отлари чавандозни йиқитиб қўйса, қайта миниб олиши учун тўхтаб туради. Агар эркак бирон қизни хотинликка олмоқчи бўлса, у билан курашади. Қайси бири ютса, ўша буюради ва ҳукмронлик қилади, енгилган бўйсунади. Иккови ҳам рақибини ўлдириш учун эмас, ғалабага интилади.

VII аср 70 йилларида араб истилоси вақтида Бухорхудот Ғабаж хотуннинг тадбиркорлиги туфайли Бухоро воҳаси маълум муддат истило даҳшатларидан омон қолган. Чингизхон бошлик мўғуллар кўхна Урганч ва Термизни қамал қилишган вақтларида шаҳар мудофааси учун эркагу аёлларнинг бариси бир ёқадан бош чиқаришган эди. Термиз шаҳридан бирорта ҳам хоин чиқмаганлиги учун унга «Мадинаг ур-рижол», яъни «мардлар шаҳри» номи берилгани эътироф этишимиз лозим.

Чор Россияси истилоси даврида Тошкентни ҳимоя қилишда эркаклар билан бирга аёллар ҳам иштирок этишган эди. Қонхўр рус генерали Скобелев Фарғонани босиб олаётганида унга «Олой маликаси» номи билан шуҳрат қозонган Қўқон саркардаси Қурбонжон додхоқ кураш олиб борган эди. Қўқонликларнинг мардонавор қаршилигини кўрган генерал Скобелев охи-

ри Қурбонжон билан музокара олиб боришга мажбур бўлган. 1873 йилда рус кўшинлари Хива хонлигининг ҳимоясиз қолган овуллари ва забт этаётганларида ёш оналар бир кўлида боласи ва иккинчи кўлида қиличини кўтариб босқинчиларга қарши жанг қилганликлари тарих солномаларида ёзиб қолдирилган.

* * *

Бадашни бошқариб турган кайвони онахон айтиб берган бир ривоятга кўра, қадимда ёвуз душман юртга бостириб кирганда қишлоқнинг курул ушлашга қодир бўлган бутун эркак аҳолиси ватан ҳимоясига отланади. Аммо вақт ўтган сайин улардан дарак бўлавермагач, қишлоқнинг довюрак қизларидан бири отига миниб, ўз отаси, эри ва акаларини излаб йўлга тушади.

*Аскар қиз дарё кечиб,
Тоғу тошлардан ошиб,
Ёрига кўмак учун,
От миниб жўнаб кетди.*

Аскар қиз узоқ йўл босиб яқинларини излаб топди. Ёвни яқсон этиб, барчалари соғ-саломат уйларига қайтиб кетишди.

*Душманларни тор-мор этиб, уйга қайтар аскар қиз,
Боғ гулидай очилиб, от ўйнатар аскар қиз.
Ёв уругин қақшатиб, уйига қайтар аскар қиз,
Ўз элини шод этиб, этиб келди аскар қиз.*

Аскар қиз бадашининг оҳанги:

*Бол бала бол,
Бол бала бол,
Бол бала бол,
Бол бала бол.*

*Биж бала бол,
Биж бала бол,
Биж бала бол,
Биж бала бол.*

*Бадам биж бадам,
Бадам биж бадам,
Бадам биж бадам,
Бадам биж бадам.*

ЧАНҚОВУЗ БАДАШЛАРИ

Бадашнинг бу турида фақат чанқовуз иштирок этади. Уни чалиш услуби бошқа жойлардагидан фарқ қилган. Туркий уруғларда фақат ўнг кўлнинг кўрсаткич бармоғи билан чанқовуз чалинган бўлса, хатакилар ўнг кўл кўрсаткич бармоғига кўшимча чап кўл чимчилоғи ҳамда номсиз бармоқни ҳам ишлатганлар. Бошқа кўчманчилар чанқовузда фақат куй чиқаришган бўлса, хатакилар куй билан бирга оҳанг ҳам чиқарганлар. Чанқовуз бадашларида аввал кўшиқ айтилган, сўнгра эса чанқовуз чалинган. Аммо қандай бўлишидан қатъи назар чанқовузда ҳам биждонба-биждонбиж оҳанги бор. Бу исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир.

Чанқовуз ноласи ва она алласи чанқовуз жўрлигида айтилади. Чанқовуз ноласи она алласига ҳамоҳанг бўлмоғи керак. Чанқовузда чалинган она алласи болани тинчлантириб, унинг тўйиб ухлашига олиб келган. Чанқовуз билан айтиладиган она алласи бошқа аллалардан фарқ қилади.

*Алла десам ётарму,
Алла, жоним, алла.
Пар ёстиққа ботарму,
Алла, жоним, алла.
Дикир-дикир юрсин шул,
Алла, жоним, алла.
Шунга тикон урмасин,
Алла, жоним, алла,
Кўзи холли бандани,
Алла, жоним, алла,
Шунга кўзи тегмасин.
Алла, жоним, алла.
Сув бетиди сойдиним,
Алла, жоним, алла.
Эл ичида ойдиним,
Алла, жоним, алла,
Осмондаги юлдузим.
Алла, жоним, алла.
Қўлда тилло узугим,
Алла, жоним, алла.*

*Кўзи хумор сузугим,
Алла, жоним, алла.
Осмон бўйлаб сараланган
Йигитларнинг сардори,
Алла, жоним, алла.
Элимизнинг посбони бўлгин, болам,
Алла, жоним, алла.
Ўз юртингни қўриқчиси бўлгин, болам,
Алла, жоним, алла.
Жон дилим паҳлавоним, аллажоним алла,
Отасининг қуввати аллажоним алла.*

Чанқовузда мойиллик бошланиши ва кўзи маъраши ноласини эрта баҳор, айниқса, Наврўз кунларида момолар куйлашган. Бундан кўзланган мақсад – ўғиллари балоғат ёшига етаётган чўпонларга ўз фарзандларини уйли-жойли қилиб, наслини давом эттириши, бунда ўз маҳалласи қизларини бегона қилмаслиги лозимлиги эслатилади.

Таъкидлаш жоизки, апрель ойларида овулга кўчиб чиқишади. Шунда эрталаб қўйларни соғиб олиш керак. Оналар қўлларига кади олиб ўғил-қизлари билан қўйларни соғишга чиқадилар. Қиз ва йигитлар кўзиларни ушлаб турадилар. Оналар қўйларини соғиб олишаверади. Шунда йигит ва қизлар кўзиларни бўйнидан маҳкам ушлаб 10 метр узоқликдан бир-бировлари билан қора уйнинг орасидан кўзлари билан гаплашадилар. Чунки яқиндан туриб гаплашиш иложи йўқ эди-да. Йигит қизга кўзи билан ишора қилиб, йигитнинг саволларига жавоб бермоқда.

Йигит деди:

*Қўй келади кўзи билан,
Ҳай, ёр-ёр, айланай!
Бир-бирини изи билан,
Ёр-ёр, айланай!
Кўзиларни изини кўр,
Ҳай, ёр-ёр, айланай!
Ҳамсояни қизини кўр,
Ёр-ёр, айланай!
Қора уйдан айланиб,
Ҳай, ёр-ёр, айланай!*

Соясига бойланиб,
Ёр-ёр, айланай!
Кўриб қолдим, қадди-қомат бўйларингиз,
Ҳай, ёр-ёр, айланай!
Анордайин юзларингиз,
Ёр-ёр, айланай!
Оҳ! Чаккангизга хол бўлайин,
Ҳай, ёр-ёр, айланай!
Мени ўзи кўрдингизму
Ёр-ёр, айланай?!
Изимдан қараб қолдингизму
Ҳай, ёр-ёр, айланай?!

Қиз айтди:

Қалпогингиз нўпагини,
Кўриб қолдим-ку, ёр-ёр айланай.
Белбогингиз сачогини,
Кўриб қолдим-ку, ҳай ёр-ёр, айланай.
Катта-катта қадам ташлаб,
Мен томонга юргангиз,
Кўриб қолдим-ку,
Ёр-ёр айланай!
Адирларни лоласини,
Териб олсам, ҳай ёр-ёр айланай!
Сиз томонга мен ҳам,
Бориб қолсам, ёр-ёр айланай,
Тўнингизнинг ёқасига,
Мунчоқлик нўпак бўлсам.
Ҳай ёр-ёр айланай.
Қайчингизга даста бўлиб,
Чин юракдан хизмат қилсам,
Ёр-ёр айланай.
Отингизнинг узангиси,
Узун экан, ҳай ёр-ёр айланай.
Мени кўргангиз,
Тузук экан, ҳай ёр-ёр айланай.
Сизни кўриб изингизга қараб қолдим,
Ёр-ёр айланай.

ОНАМ МЕРОСИ

Қадимдан доира чалишни билмаган тоғлик аҳоли вакиллари барчанинг эътиборидан четда қолган, ҳатто буни кўрс – жоҳиллик аломати ёки одобсизлик кўриниши деб ҳам тушунилган. Шу сабабки, оилада нечта аёл бўлса, ўшанча доира сақланган ва қизлар болалиқдан доира чалишга ўргатиб борилган. Ҳар бир аёл тўйга ўзи билан доира олиб борган. Улар доирада бадаш чалишни билганлар, шунга мос рақс ижро эта олганлар.

Шу боисдан бўлса керак, онам ҳам менга «Бадаш» ҳаётимнинг бир қисмига айланиши кераклиги борасида васият қилган.

«Болажоним, яхшилаб эслаб қол, ёдлаб ол, «Бадаш» энг чеккадаги овулларни халқини бирлаштиради. Ўз халқига тинчлик, соғлик, омонлик тилайди. Ўзаро бўладиган жанжалларга йўл қўймайди. Галлақору, Пахтақор, Пиллақор соҳибқорларни дўстлаштиради. «Бадаш» эл-халқимизнинг ҳимояси, матали, шеvasи, оҳанги, ноласи, исми, расми, бу оҳанглارни дугоналарингга, дўстларингга ҳам ўргат».

Ҳа, онажонимнинг сўзлари ҳамма бойликдан устун. Шу боис миллий мусиқа санъатимизнинг «Бадаш» деб номланган ушбу мусиқасини ўрганиб, уни ёшларимиз орасида оммалаштиришга мақсад қилдим.

Ўз ҳаётимда Ватанимни севиш, халқимнинг орзу-умидларини амалга оширишга қўмаклашишни авлод-аждодларимдан ўргандим. Ота-боболарим босиб ўтган ҳаёт синовларига эътибор бериб, уларни азиз васиятларини амалга оширишга ёшлигимдан дадил киришдим. Менинг энг катта ютуғим – Бадаш мусиқасини тиклаш ва янада ривож топишига бутун меҳнатимни сарфлаганимдир. Бадаш мусиқа санъатини халқимиз онгига сингдириш борасида амалга оширган ишларим натижасида ўз орзуларимга эришдим. Ўзбекларни жаҳонга машҳур қилган, лекин маълум сабабларга кўра унутулиб кетётган бадаш мусиқа оҳангларини ва унинг қўшиқ термаларини лапар йўналишда тиклаб яна қайта жонланишига бутун меҳнатимни сарфладим.

Албатта, бу бир янгилик эди. Негаки, биз турли мусиқий йўналишлардан хабардор эдигу, аммо бадаш ҳақида ҳеч нарса билмас эдик.

1987 йилга келиб менинг саъй-ҳаракатларим билан Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида «Бадаш» фольклор-этнографик ансамбли ташкил этилди. Ўзим кўпгина мусиқий кечаларни ташкил этдим. Бадашни ижро этиш сценарийларининг муалифлари бўлдим. Бу ансамбль туман ва вилоятда катта шухрат қозонди. Наतिжада ҳаракатларим сабаб бадашни илмий жиҳатдан ўрганиш ва унинг ўзбек миллий мусиқаси тарихидаги ўрнини ёритиш зарурияти вужудга келди.

Бадаш санъатини илмий ўрганиш учун таниқли олимлар ҳамкорлигида ишлар олиб бордим. Таниқли олим, тарих фанлари доктори профессор С. Турсунов ва А. Холмирзаев, Н. Раҳматуллаева, С. Тўраев сингари журналистлар республика, вилоят ва туман газеталарида мен ҳақимда ўз мақолалари билан чиқишлар қилди. 2013 йилда Сурхондарё телевидениеси ҳамда Республика телевидениесининг «Дунё бўйлаб» телеканалда мен ижро этган бадаш усуллари кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Ижодий фаолиятим тўғрисида Нарғиза Раҳматуллаева эса 2015 йилда бадаш санъати ҳақида Сурхондарё вилоят телевидениеси орқали чиқишлар уюштириб, жамоатчиликнинг қизиқишини уйғотди. Шу сабаб кўпчилик юртдошларимиз бадаш санъати ҳақида алоҳида китоб яратиш лозимлиги фикрини билдира бошлади. Негаки, фақат шундай қилинсагина, бадашни сақлаб, уни келгуси авлодларга етказиш мумкин эди. Ушбу рисола ана шу тақлифлар асосида ёзилди.

Унда илк маротаба бадаш оҳанглари (нота) ҳам бердим.

Таъкидлаш жоизки, узоқ йиллар давомида бадаш маросимлари ижро этилмаганлиги боис, унинг кўпгина турлари унутилган. Рисоламда деҳқончилик, чорвачилик, миллий спорт турлари, ватанпарварлик, никоҳ ва оилавий ришталар билан боғлиқ айрим бадашларни оҳанг ва ўланлари билан бирга келтирдим. Ҳунармандчилик билан боғлиқ баъзи бадашларнинг оҳанглари сақланиб қолишига қарамай, ўланлари бизгача етиб келган эмас. Боғбонлик, кулолчилик, чармгарлик, тўқувчилик, чеварлик билан боғлиқ ўнлаб бадашлар эса, афсуски, бутунлай унутилиб кетган.

БАДАШНИНГ ЖОНКУЯР БИЛИМДОНИ

Адолат Қўнғиротова (1932) Шеробод туманидаги Хатак қишлоғида туғилган. Ёшлигидан миллий мусикага қизикди. Чанқовуз, доира чалишни яхши ўрганган, қадимий удумлар ва маросимларни билар эди. Буларнинг бари келажакда унинг ишига қўл келди.

Адолат Қўнғиротова ишни дастлаб Шеробод туманидаги мактабларнинг бирида оддий кутубхоначиликдан бошлаган. Тошкент маданий оқартув техникумини сиртдан ўқиб тугатган. 34 йиллик меҳнат фаолияти давомида маданият уйи мудири, туман маданият уйининг директори, касаба уюшмаси раиси ва бошқа вазифаларда ишлаган. Бундан ташқари, қишлоқ фуқаролар йиғини депутатлигига 5 марта, туман кенгаши депутатлигига 5 марта, халқ судининг маслаҳатчиси, ўртоклик судининг раиси, халқ назоратининг раиси, маърузачи-тарғиботчи ва хотин-қизлар қўмитасининг раиси вазифаларида бир неча йиллар ишлади.

А. Қўнғиротованинг раҳбарлик фаолиятини бошлаш тарихи жуда қизик. 1958 йили вилоят газетасининг бир сонидида Ангор тумани маданият ишлари қаттиқ танқид қилинган мақола ва ҳажвий расм чоп этилади. Расмда имиллаб кетаётган тошбақа, унинг устида қўлларида букланган пачоқ карнай, торлари узилган синик рубоб, ёрилган доира тутган бир киши уйқусираб ўтиргани тасвирланганди. Мақола чиқарилганидан кейин жуда қаттиқ текширишлар бошланади. Ана шу тўполон авж олган бир пайтда Адолат Қўнғиротова туман маданият уйига раҳбар этиб тайинланди. Уни ушбу вазифага вилоят маданият ишлари бошқармасининг ўша вақтдаги бошлиғи Чори Поёнов тавсия этган эди. Янги раҳбар ишончни оқлади.

А. Қўнғиротова дастлаб ишни туман маданият уйини таъмирлашдан бошлади. Сўнг мусика асбоблари, сахна кийим-кечаклари ва жиҳозлари сотиб олинди. Маданият уйи қошида мақомчилар дастасини ташкил этди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан туман жамоа хўжаликларида ишлари тўхтаб қолган бадий дасталарни қайта тиклашга киришилди. Қаттиқ меҳнат ўз самарасини бера бошлади. 1959 йилда Термизда бўлиб ўтган ҳаваскорлик дасталарининг вилоят танловида ангорликлар иккинчи ўринни эгаллашди. Бу ўшанда катта ғалаба эди.

Тажрибали раҳбар 1972 йилдан 1988 йилгача Ангор, Муз-работ туманларида «Гўзал», «Чашма», «Табассум», «Ғунча», «Янгиариқ гуллари», «Гулдаста», «Парвоз», «Баҳор», «Ёшлик», «Орзу», «Юность» вокал чолғу эстрада дастаси, «Наргиз», «Лола», «Пари», «Бадаш», «Шифокор» номли ансамблларни ташкил этди. Бундан ташқари, Ангор туманидаги «Табассум», «Ғунча», «Орзу» дасталарининг халқ ансамбли номини олишида у кишининг хизматлари беқиёс. Бу ансамбллар бевосита Адолат Қўнғиротова бошчилигида тузилиб, туманнинг жамоа хўжаликларида, дала шийпонларида чорва ходимларига, чегара хуудларида янги репертуарлари билан концерт дастурларини кўрсатиб, меҳнаткашларнинг олқишига сазовор бўлишди. Бу ансамбллар туман, вилоят ва республика фестивалларида катнашишга муяссар бўлган.

Бундан ташқари, у қадимги доира усули – бадашни сақлаб, уни республика микёсига олиб чиққан санъаткор ҳисобланади. Унинг бевосита раҳбарлигида 1988 йили Ангор туманининг Қорасув жамоа хўжалигида ташкил этилган «Бадаш» фольклор дастаси вилоятда анча шуҳрат қозонди. Бу даста Адолат Қўнғиротованинг етакчилигида туман ва вилоят тадбирларида қатнашиб концертлар берди.

Адолат Қўнғиротова республика халқ ижодиёти бўйича фестивал ғолиби, постановкachi-режиссёр, балетмейстер, дирижёр, ҳақиқий маданият ташкилотчиси бўлган. «Маданият аълочиси» нишони ва бир қатор медаллар билан тақдирланган.

Адолат Қўнғиротова, ёши 90 дан ошганига қарамай, ҳанузга қадар соғлом, бардам ва тетик. Албатта, қариси бор уйнинг париси бор, дейдилар. Уларни кадрлаш, ардоқлаш, соғликларига соғлиқ, умрларига умр қўшиш, аввало, фарзандларнинг, барча катта-кичикнинг шарафли ва муқаддас бурчи эканлигини, бирор дақиқа бўлса ҳам, унутмаслигимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. *Умаров И., Раҳмонов, Худойбердиев Э.* Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар (хатакилар уруғи мисолида). Тошкент, 2014.

2. *Турсунов С., Умаров И., Пардаев Т. ва бошқалар.* Ўзбекистонда топонимик номлар ва уларнинг тарихи. «Сурхоннашр» нашриёти, 2017.

МУНДАРИЖА

Сурхоннинг ноёб маданий мероси	3
Бадаш санъатининг теран илдизлари	4
Илмий-этнографик экспедиция тафсилотлари	8
Адолат момо хонадони	11
Саънат тури ҳақида	16
Бадаш турлари	18
Бадашни ижро этиш услуби	21
Бадашчиларнинг миллий либоси	23
Бадашнинг мазмуни ҳамда халқ турмушидаги ўрни	23
Никоҳ ва оилавий ришталар билан боғлиқ бадашлар.	
Араз бадаши	24
Куёв келди бадаши	26
Ўйин бадаши	32
«Йўл бадаши» нима дейди?	34
«Яраш бадаши»	35
Дехқончилик бадашлари	40
Нон ёпиш бадаши	50
Бобо алласи	51
Хунармандчилик бадашлари	54
Уй қуриш бадаши	56
Тегирмон бадаши	64
Пилла бадаши	65
Миллий спорт ўйинлари билан боғлиқ бадашлари.	
Кўпкари бадаши	66
Полвон бадаши	76
Полвон бадаш ўланлари	79
Овчи бадаши	80
Ватанпарварлик мавзусидаги бадашлар	82
Аскар бадаши	84
Аскар қиз бадаши	86
Чанқовуз бадашлари	88
Онам мероси	91
Бадашнинг жонкуяр билимдони	93

Раҳматуллаева Н.
Бадаш (Маънавият ва маданият сарчашмаси)
P 30 [Матн]. Т.: «Recessans» nashriyoti, 2022. 96 бет.

ISBN 978-9943-6811-3-2

УЎК: 78:398(09)(575.151)
КБК 85.31г

Илмий-оммабон нашр

БАДАШ

Маънавият ва маданият сарчашмаси

Мухаррир *З. Қудратов*
Мусаввир *С. Шўхрат*
Мусаҳҳих *Ш. Назарова*
Саҳифаловчи *Ф. Тугушева*

Нашриёт гувоҳномаси: 908295. 28.10.2020.
Босишга 22.12.2021 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 ¹/₃₂.
Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Шартли босма табоғи 6,4. Нашр табоғи 6,00. 500 нусха.
Буюртма № 00.

«Kamalak press» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
100011. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.